

Книга 1

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК**  
**ТУҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

**З**АКОНОДАТЕЛЬНОСТЬ  
**О** ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ  
**В** РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

БИБЛИОТЕКА БУХГАЛТЕРА  
**5**



**НАЛОГОВЫЕ И  
ТАМОЖЕННЫЕ ВЕСТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТАДБИРКОРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

*(Уч китобдан иборат  
меъёрий ҳужжатлар тўплами)*

**I китоб**

“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи

Тошкент - 1999

**65.9(5У)-1**  
**У-32**

Тузувчи Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист **С.П. Сизиков**

Менежер **Б.С. Муслимов**

**У-32**                      Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик  
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: (Меъёрий ҳужжат-  
лар тўплами): I китоб. (Тузувчи: С.П.Сизиков)-Т.:  
«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.- 560 б. (Ўзбе-  
кистонда иқтисодий ислохотлар).

“Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳуж-  
жатлари” тўплами таркибига 1998 йилга келиб амалда бўлган, тад-  
биркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини, ўзгариш  
ва тўлдиришларни ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг барча шаклла-  
ридаги қорхоналарни яратиш, рўйхатга олиш, уларнинг иш юритиши  
ҳамда тугатилишини мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар кири-  
тилган.

Тўплам иқтисодиёт ва адлия соҳаларининг мутахассислари учун  
мўлжалланган.

**ББК 65.9(5У)-1**



A handwritten signature in black ink, appearing to be "S.S." or similar, written over a faint rectangular stamp.

## СЎЗ БОШИ

Сиёсий мустақилликка эришилиши билан Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва давлат органлари олдида иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашдек ғоятда муҳим бўлган асосий вазифа намоён бўлди, зеро давлат, агар унинг иқтисодиёти ташқи омилларга қарам бўлса, ўзини тўла мустақил деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Ўзининг замонавий бозор муносабатларига асосланган ҳар томонлама ривожланган иқтисодиётини барпо этиш учун даставвал унинг ҳуқуқий негизини яратмоқ зарур. Ушбу вазифани ҳал этаркан, Олий қонун чиқарувчи орган, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, Ўзбекистон Ҳукумати иқтисодиётнинг қонуний базасини яратиш ва такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб борапти.

Кейинги вақтда бир қатор янги Қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари қабул қилинди, илгари амал қилган кўп қонун ҳужжатлари қайта ишланди. Қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари, хорижий инвестициялар соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари тубдан янгиланди.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги мазкур қонун ҳужжатлари тўплами барча ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда тузилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини, мулкчиликнинг барча шакллариغا мансуб корхоналарни барпо этиш, рўйхатга олиш, фаолият кўрсатиши ва тугатишни тартибга соладиган барча асосий меъёрий ҳужжатлари жамланган.

Тўплам ишлаб чиқаришни ташкил этишда тадбиркорларга катта ёрдам беради, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларда ҳамда бошқа мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда юристлар учун фойдали бўлади.

Ношир ҳар йили тўпламни қайта нашр этишни, унга янги меъёрий ҳужжатларни киритиб бориш, шунингдек амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни режалаштирган.



## ТЎПЛАМНИНГ ТУЗИЛИШИ

### I КИТОБ

**I боб.** Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари.

**II боб.** Корхоналар асосий турлари фаолиятининг ташкилий шакллари (КК, МЧЖ, ХФ, ЁАЖ, ОАЖ ва ш.к.)

### II КИТОБ

**III боб.** Қишлоқ хўжалик корхоналари

**IV боб.** Хорижий қатнашчиси бўлган корхоналар.

**V боб.** Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари.

**VI боб.** Корхоналар фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш.

### III КИТОБ

**VII боб.** Ақлий мулк, уни баҳолаш тартиби.

**VIII боб.** Маҳсулот ва хизматлар сифати. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Монополистик фаолиятни чеклаш.

**IX боб.** Корхоналар масъулияти.

**X боб.** Барпо этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

**XI боб.** Корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
----------------	---

### I боб.

<b>Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари .....</b>	<b>7</b>
---	----------

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Кўчирма] .....	9
---	---

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 1995 йил 21 декабрь N 163-1 ва 1996 йил 29 август N 256-1 [Кўчирма] .....	10
--	----

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган 1998 йил 30 апрель [Кўчирма] .....	26
---	----

Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1990 йил 31 октябрь N 152-XII .....	46
--	----

Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 15 февраль .....	65
---	----

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 15 февраль N 207-XII .....	89
---	----

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998 йил 29 август .....	94
--	----

### II боб. Асосий турдаги корхоналар

<b>(КК, МЧЖ, ХФ, ЁАЖ, ОАЖ ва бошқалар) фаолиятининг ташкилий шакллари .....</b>	<b>109</b>
---	------------

Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 14 июнь ...	111
---	-----

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 йил 9 декабрь, N 723-XII .....	122
Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 21 декабрь N 159-1 .....	137
Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1996 йил 26 апрель .....	146
Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони 1997 йил 31 январь .....	218
Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1998 йил 9 апрель N ПФ-1987 .....	220
Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1992 йил 26 февраль, N 85 [Кўчирма] .....	225
Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1995 йил 14 февраль N 55 [Кўчирма] .....	243
“Бизнес-фонд”нинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир ташаббуси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1996 йил 9 июль N 240 .....	255
Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1998 йил 27 май N 232 .....	261

**I БОБ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ  
ХУКУКИЙ, ИҚТИСОДИЙ  
ВА ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги 989-ХII-сон Қонунига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

*[Кўчирма]*

### **XII боб. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ**

**53-модда.** Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.** Мулкдор мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда.** Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТОМОНИДАН  
ТАСДИҚЛАНГАН

1995 йил 21 декабрь № 163-1

1996 йил 29 август № 256-1

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон; 1998 йил 1 майдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### 4-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАР

#### 1-Ў. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### **39-модда.** Юридик шахс тушунчаси

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

##### **40-модда.** Юридик шахсларнинг турлари

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.



Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га бирлашишлари мумкин.

Юридик шахс ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

#### **41-модда.** Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ушбу Кодекс 44-моддасининг тўртинчи қисми) ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади (ушбу Кодекс 55-моддасининг ўнинчи қисми).

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **42-модда.** Юридик шахсларнинг вужудга келиши

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

#### **43-модда.** Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис/шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса - тасдиқланади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса - давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

#### **45-модда.** Юридик шахснинг органлари

Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

#### **46-модда.** Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса - бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклáма материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгиладиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим.

Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

#### **47-модда.** Ваколатхоналар ва филиаллар

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодаладиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахсинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

## 2-Ў. ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

### 58-модда. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисидаги асосий қоидалар

Улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва коммандит ширкатларда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

Мулкдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар, қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан хўжалик жамиятлари-

нинг иштирокчилари ва командит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Қонун айрим тоифадаги фуқароларнинг хўжалик ширкатларида ва жамиятларида иштирок этишини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиши мумкин, очиқ акциядорлар жамиятлари бундан мустасно.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқа хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкый ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин.

Хўжалик жамияти иштирокчисининг қўшган ҳиссасини пул билан баҳолаш жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса - мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши керак.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлар жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

**59-модда.** Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ширкатнинг ёки жамиятнинг ишларини бошқаришда қатнашиш, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ширкатнинг ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда қатнашиш;

ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида, ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари:

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

ширкат ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ширкат ёки жамият таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа бурчлари ҳам бўлиши мумкин.

#### **60-модда. Тўлиқ ширкат**

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номлари (номланиши)ни, шунингдек “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

#### **61-модда. Коммандит ширкат**

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат қоммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкатда қатнашаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Кодекснинг қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Коммандит ширкатнинг фирма номи барча тўлиқ шерикларнинг номлари (номланиши)ни, шунингдек “коммандит ширкат”

деган сўзларни ёки камида битта тўлиқ шерикнинг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек “коммандит ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Коммандит ширкатга тўлиқ ширкат ҳақидаги қоидалар қўлланилади, агар бу ҳол ушбу Кодекснинг қоидаларига зид бўлмаса.

### **62-модда.** Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қуйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият таъ олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **63-модда.** Қўшимча масъулиятли жамият

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади.

Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган



бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини; шунингдек “қўшимча масъулиятли” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Ушбу Кодекснинг масъулияти чекланган жамият ҳақидаги қоидалари, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўшимча масъулиятли жамиятга нисбатан қўлланилади.

#### **64-модда.** Акциядорлар жамияти

Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади; акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлар жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлар жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Акциядорлар жамиятининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

#### **65-модда.** Очиқ акциядорлар жамияти

Иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлар жамияти очиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай акциядорлар жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очиқ обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли.

Очиқ акциядорлар жамияти ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

#### **66-модда.** Ёпиқ акциядорлар жамияти

Акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсим-

ланадиган акциядорлар жамияти ёпиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас.

Ёпиқ акциядорлар жамияти иштирокчиларининг сони қонун билан белгилаб қуйилган миқдордан ошмаслиги керак. Бу сон белгиланган миқдордан ошиб кетган ҳолда у бир йил ичида очиқ акциядорлар жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тамом бўлганидан кейин эса, агар акциядорлар сони белгиланган даражагача камаймаса, суд тартибида тугатилиши лозим.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёпиқ акциядорлар жамияти ушбу Кодекс 65-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

### **67-модда.** Шуъба хўжалик жамияти

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шуъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Шуъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Асосий жамият (ширкат) айби билан шуъба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Шуъба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шуъба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

### **68-модда.** Қарам хўжалик жамияти

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эса бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб ол-

ганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

### **69-модда. Ишлаб чиқариш кооперативлари**

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилганлиги мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номини, шунингдек "ишлаб чиқариш кооперативи" деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **70-модда. Унитар корхона**

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак.

Унитар корхона бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Унитар корхоналарнинг ҳуқуқий мавқеи ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Унитар корхона мол-мулкининг эгаси корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодекс 48-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бу қоида шуъба корхона таъсис этган унитар корхонанинг шуъба корхона мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

#### **71-модда.** Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг таъсис ҳужжати унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборатдир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шуъба корхона) ташкил этиши мумкин.

Муассис шуъба корхонанинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

#### **72-модда.** Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиши керак.

Давлат корхонасининг ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 178 ва 179-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

### **3-§. ТИЖОРАТЧИ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТЛАР**

#### **73-модда. Матлубот кооперативи**

Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Матлубот кооперативининг устаида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиған пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги; кооператив кўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги.

Матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек "кооперативи" сўзи ёки "матлубот уюшмаси" ёхуд "матлубот жамияти" деган сўзлар бўлиши керак.

Матлубот кооперативининг аъзолари кўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар.

Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Матлубот кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи, шунингдек улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланади.

#### **74-модда. Жамоат бирлашмалари**

Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса - ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **75-модда. Ижтимоий фондлар**

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган ташкилот ижтимоий фонд ҳисобланади.

Фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Муассислар ўзлари ташкил этган фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса - ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз уставида назарда тутилган

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Фондлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдалангани ҳақида ҳисобот босиб чиқариши шарт.

Ижтимоий фондни бошқариш ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг устави билан белгиланади.

Ижтимоий фонднинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: фонднинг органлари тўғрисидаги; шу жумладан фонднинг фаолиятини назорат қилиб боровчи ҳомийлик кенгаши ҳақидаги; фонднинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва уларни озод қилиш тартиби; фонд тугатилганида унинг мол-мулкни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги.

#### **76-модда.** Муассасалар

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасанинг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ушбу Кодекснинг 178 ва 180-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидияр жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **77-модда.** Юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари)

Юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ушбу Кодексда назарда



тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уюшмалар (иттифоқлар), башарти бу уларнинг устав мақсадларига зид келмаса, хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлир.

Уюшма юридик шахс ҳисобланади.

Уюшма аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уюшма аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Уюшма (иттифоқ)нинг номи унинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга "уюшмаси" ёки "иттифоқи" сўзлари киритилган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари белгиланиши мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР КОДЕКСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ  
БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН**

1998 йил 30 апрель

*[Кўчирма]*

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда.** Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазибалари

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазибалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

### **4-БОБ. ЕРГА БЎЛГАН МУЛКЧИЛИК. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ**

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик

Ер давлат мулки - умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**17-модда.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари-га мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатла-рига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдала-ниш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

**18-модда.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилган-да қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шу-нингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ре-ализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг - дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккреди-тация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компания-лар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходим-ларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республи-када доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари би-лан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализа-ция қилинганда вужудга келади.

**19-модда.** Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

деҳқон хўжалиги юритиш учун;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;

жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**20-модда.** Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;

саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатларни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли - уч йилгача ва узоқ муддатли - уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Ййлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

### **21-модда.** Биргалиқда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкалари

Ер участкасини ушбу Кодекс 10-моддасининг бешинчи қисмига асосан бўлишнинг имконияти бўлмаса, бундай ер бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биргалиқда эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади, бу ҳол ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади.

### **22-модда.** Ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргалиқда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳада ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан бирга-

ликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишинча шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарига ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, уларни оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган ҳолларда ер участкасининг бўлиниши давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олиниб, тегишли давлат ҳужжатлари берилади.

**23-модда.** Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш)

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал трубопроводлар

қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагуналарига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу участкага эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **24-модда.** Ер участкаси ижараси

Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига - туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва jisмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалиқ ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бериштириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг



ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларида мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **25-модда.** Ер участкаларидан қидирув ишлари учун фойдаланиш

Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Суғориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларида қидирув ишларини амалга ошириш учун рухсатномани вилоят ҳокими, бошқа ерларда эса, туман ва шаҳар ҳокимлари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берадилар, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади.

Қидирув ишларини олиб борувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иш давомида бузилган ер участкаларини белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўз ҳисобларидан яроқли ҳолатга келтиришлари ва ер эгаларига, ердан фойда-

ланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига топширишлари, ерлар, экинзорлар, дов-дарахтлар, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиат объектларининг, трубопроводлар, канализация, мелиорация тармоқлари ва бошқа иншоотларнинг яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, шунингдек ер участкаларини вақтинча эгаллаб туриш муносабати билан ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига етказилган зарарни (шу жумладан, бой берилган фойдани) қоплашлари шарт.

**26-модда.** Ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача дойрада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда кимошди савдоси асосида реализация қилинади.

**28-модда.** Ер учун ҳақ тўлаш

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади.

Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

### **29-модда.** Ер участкасини сақлаш вазифаси

Эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мажбуриятлар билан таъминланиши мумкин:

ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш;

ер участкасини иккиламчи ижарага ва ёрдамчи пудратга, ушбу Кодекс 51-моддасининг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳолатда эса, ижарага беришни тақиқлаш;

ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш;

фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш;

белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш;

ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелiorация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ер участкасида қурилиш қилишни ёки уни ўзлаштиришни белгиланган муддатлар мобайнида бошлаш ва тугаллаш;

табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни, табиат, тарих ва маданиятга тааллуқли давлат ёдгорликларини асраш.

Ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ер участкасини сақлаш вазифаси шартлари унинг ҳуқуқий мақомига киритилиб, давлат рўйхатига олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтганида сақлаб қолинади.

Ер участкасини сақлаш вазифасининг тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **30-модда.** Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) - қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

Ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

Ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;

Ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш;

молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

Ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

Ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қилиниши мумкин.

### **31-модда.** Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

**32-модда.** Ер участкасининг плани. Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш

Ер участкасининг плани - ер участкасининг топографик плани бўлиб, қабул қилинган белгиларга мувофиқ унда муайян ер участкасининг чегараларида вақт жиҳатидан энг сўнгги ер тузилиши лойиҳасига мувофиқ сўнгги бор суратга олинган пайтдаги бутун вазият ва рельеф кўрсатилади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ер участкалари планларининг асли кадастр ишига доир ҳужжатлар орасида сақланади, нусхалари эса ер участкаси олувчига берилади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкаси олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**33-модда.** Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, ер участкасига мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ер участкаси ижараси шартномаси ёки ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда ер участкаси қайси ҳуқуққа асосан берилаётганлиги, ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

**34-модда.** Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари

Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлайдиган комиссиялар тузилиб, улар таркибига давлат кадастри ва ер тузиш хизмати, табиати муҳофаза қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

**35-модда.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Давлат реестрига қуйидагилар киритилади:

1) ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргаликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);

3) ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;

4) ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига киритиш тўғрисидаги қарорлари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги зарур ҳужжатларнинг йўқлиги;

2) тақдим этилган ҳужжатларда ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотларнинг йўқлиги;

3) ер участкасининг асосий фойдаланиш мақсади белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирилганлиги;

4) ер участкаси умумий майдонининг белгиланган нормалари келишув натижасида бузилганлиги;

5) давлат рўйхатиغا олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

6) давлат рўйхатиغا олиш органида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, уй-жой биноларини, бошқа бинолар ва иншоотларни мусодара қилиш тўғрисида суднинг хал қилув қарори мавжудлиги;

7) рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисида ҳужжат йўқлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

8) ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги белгиланган тартибда қабул қилинган қарор.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатиغا олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **36-модда.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) юридик шахс тугатилганда;

4) ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;

5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси

уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

8) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улār тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади.

12) ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1-11-бандларида ва учинчи қисми 2-бандида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эга-



лик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ер тузиш хизмати органларининг ёки ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар бекор қилинишининг асослари тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларига рози бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар бу қарорлар устидан суд тартибда шикоят қилишлари мумкин.

Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ер участкаларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишдан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

**37-модда.** Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдала-

нувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

**38-модда.** Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш

Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6-11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган

органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома кири-тади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чи-қаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участка-сининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи то-монидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг си-фатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

## **5-БОБ. ЕР ЭГАСИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ, ИЖАРАЧИ ВА ЕР УЧАСТКАСИ МУЛҚДОРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**39-модда.** Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдорининг ҳуқуқлари

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;

2) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;

3) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазил-малар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссларини ишга солиш;

4) ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротех-ника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

5) қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимит-ларга мувофиқ сув олиш;

6) белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;

7) ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарф-ланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

8) ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан кимошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, яққа тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**40-модда.** Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидагиларни бажариши шарт:

1) ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

2) ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

3) ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

4) ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

5) бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

6) фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган кишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан кишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

7) фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги кишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлари ва бошқа ерларга

салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

9) бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

#### **41-модда.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари ердан фойдаланувчилар ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар

ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**42-модда.** Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг чекланиши

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникациялари қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаб фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

1990 йил 31 октябрь, № 152-ХII

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII; 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-ХII; 1995 йил 6 майдаги 70-1, 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон қонунларига биноан киритилган ўзгариш ва қушимчалар билан).*

Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

*(Муқаддиманинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни тахририда берилди).*

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилинишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб беради.

### 1 бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Мулкий ҳуқуқ

1. Ўзбекистон Республикасида мулкий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади.

2. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

*(1-модда 2-бандининг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни тахририда берилди).*

Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқлабмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

*(1-модда 2-бандининг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни тахририда берилди).*

3. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахс-

ларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин.

4. Мулкдор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва доира чегарасида ўзига тегишли мулккий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузишга ҳақлидир.

Фуқаронинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканидан қатъи назар, фуқаро Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва кафолатлар билан таъминланади.

*(1-модда 4-бандининг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

5. Мулккий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, жисмоний, юридик шахсларнинг ва давлатнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаслиги керак.

*(1-модда 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## **2-модда.** Мулкчилик тўғрисида қонунлар

1. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликка доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасида мулкка доир муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

*(2-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонунига биноан киритилган, 2,3,4 ва 5-моддалар тегишли равишда 3,4,5 ва 6-моддалар деб ҳисоблансин).*

## **3-модда.** Мулккий ҳуқуқ объектлари

1. Қуйидагилар мулк объектларидир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасида ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, ихтиролар, фойдали модел-



лар, саноат намуналари, интеграл микрочизмалар топологиялари, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилияти;

*(3-модда 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII ва 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-ХII-сон қонунлари таҳририда берилди).*

2. Ихтиролар, кашфиётлар, фан, адабиёт, санъат асарлари, ахборот, илмий ғоялар, техник ишланмалар ва ақлий ижоднинг бошқа объектларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш хусусидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

3. Тарих ва маданият ёдгорликларига мулкий ҳуқуқни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари билан белгиланиб берилади.

4. Мол-мулкдан хўжалиқда фойдаланиш натижалари (маҳсулот ва даромадлар), қонун ёки шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу мол-мулк эгасига тегишлидир.

#### **4-модда.** Мулкий ҳуқуқ субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкий ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар айнан битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

*(4-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

#### **5-модда.** Мулк шакллари

1. Ўзбекистон Республикасида мулк қуйидаги шаклларда бўлади:

- хусусий мулк;
- ширкат (жамоа) мулки;
- маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкidan (коммунал

мулкдан) иборат давлат мулки;

- аралаш мулк;

- бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки.

2. Ўзбекистон Республикаси барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди.

*(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

**6-модда.** Ҳақ ундириб олишни мулкдорнинг мол-мулкига қаратиш

1. Юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириб олиш мулк ҳуқуқи, тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган мол-мулкка қаратилиши мумкин.

Мулкдор ўзи вужудга келтирган юридик шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бу юридик шахслар эса мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари бўйича мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулк билан жавоб берадилар.

Жисмоний шахсларнинг қарз беручилар даъволарига бинонан ҳақ ундириш тарзида олиб қўйилиги мумкин бўлмаган мол-мулклари рўйхати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

*(6-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## II бўлим. ХУСУСИЙ МУЛК

**7-модда.** Хусусий мулк

1. Хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин.

2. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назар-

да қўйилган ҳолларда ва тартибдагина махрум этилиши мумкин.

3. Хусусий мулк фуқароларнинг ёлланиб ишлашдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва қўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки уларнинг давлат мулкани хусусийлаштиришда иштирок этиши ҳисобидан вужудга келтирилишига ҳам йўл қўйилади.

4. Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилияти - ишчи кучини тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа эга. У бу ҳуқуқни мустақил тарзда ёки шартнома (битим, ахдлашув) асосида амалга оширади.

5. Уй-жой кооперативининг, уй-жой қуриш, дала ҳовли, гараж кооперативи ёки бошқа кооперативнинг аъзоси фойдаланиши учун ўзига бериб қўйилган квартира, дала ҳовли, гараж ёхуд бошқа иморат ёки бино учун пай бадалини батамом тўлагач шу мол-мулкка нисбатан мулкый ҳуқуқни қўлга киритади.

Тошуйжойжамғармабанкнинг номли облигациялари эгаси, имтиёзли кредитни тўлиқ узганда ёки сотиб олаётган квартиранинг тўлиқ қийматини тўлагач, ана шу квартирага мулкый ҳуқуқ олади.

*(7-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон қонунига биноан иккинчи қисм билан тўлдирилди, иккинчи ва учинчи қисмлар тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин).*

Давлат ва идоравий уй-фондининг уйдан турар жойни ижарага олган ижарачи ва унинг оила аъзолари мулкдордан тегишли квартира ёки уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олишга ҳақлидир.

Мазкур мол-мулкни мулк қилиб сотиб олганидан кейин фуқаро уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга - сотишга, васият қилиб қолдиришга, ижарага беришга, ундан гаров сифатида фойдаланишга, унга доир қонунга зид бўлмаган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

6. Хусусий мулк ўз мол-мулкни сармоя сифатида ўртага қўйиш, давлат, кооператив ва ўзга корхоналарнинг мол-мулкни, ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш, мол-мулкни кимосди савдосида ёки қонунда йўл қўйиладиган ўзга асосларда харид асносида юзага келади.

7. Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

8. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари ўзлари жойлашган ер участкалари билан бирга юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

*(7-модданинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги қонунига биноан киритилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майдаги 70-1-сон қонуни таҳририда берилган).*

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХП-сон қонуни таҳририга биноан II бўлимнинг 9,10,11,12,13 ва 14-моддалари тегишинча 8,9,10,11,12 ва 13-моддалари деб ҳисоблансин)*

### **III бўлим. ШИРКАТ (ЖАМОА) МУЛКИ**

#### **8-модда. Умумий қоидалар**

1. Ширкат (жамоа) мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкни, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкни, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкни ўз ичига олади.

2. Жамоа мулкининг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, меҳнаткашлар жамоаларига олинган даромадлардан давлат мол-мулкни сотиб олиш учун фойдаланиш имконини бериш билан, давлат корхоналарини акциядорлар жамиятларига айлантириш билан, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кооперативлар, ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларини тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

3. Жамоа мулкининг турли шаклларига берилмайдиган мол-мулкнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси белгилайди.

*(III бўлим номи ва 8 модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХП-сон қонуни таҳририда берилди).*

#### **9-модда. Оилавий мулк**

Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадида қонунда рухсат берилган, ўзга фаволият учун керакли ишлаб чиқа-

риш воситаларини ва истеъмол буюмларини, яратилган маҳсулотларни ўз ичига олиши мумкин.

Оилавий мулк ҳуқуқи эр-хотинлар ва оила бошқа аъзоларининг биргаликдаги умумий мулки ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқидан ташкил топади.

*(9-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **10-модда.** Маҳалла мулки

1. Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўғинлари - маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк, маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек, мазкур мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия йўсинидаги ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат.

*(10-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

2. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Ўзи сайлаб қўйган органлар - маҳалла мулкини тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

### **11-модда.** Кооператив мулк

1. Хўжаликни биргаликда юритиш, бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бирлашган фуқароларнинг биргаликдаги мулки - кооператив мулкдир.

2. Кооператив мулк унинг аъзолари берган пул ёхуд бошқа мол-мулк шаклидаги бадаллар, улар ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан ҳамда кооператив уставида назарда тутилган бошқа фаолиятдан келадиган даромад ҳисобига ташкил топади ва кўпайиб боради.

3. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида уставда назарда тутилган тартибда тақсимланади.

*(11-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## **12-модда.** Ижарага олинган корхона мулки

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромадлар ва ижарага олинган корхона маблағи ҳисобидан қўлга киритилган бошқа мол-мулк шу корхона коллективининг мулкидир.

Ижарага олинган корхона меҳнат коллективи аъзоларининг коллектив ишларини идора қилишда иштирок этиш ҳамда фойда (даромад)ни тақсимлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг ижара тўғрисидаги Қонуни асосида белгиланади.

## **13-модда.** Коллектив корхонасининг мулки

1. Коллектив корхонасининг мулки давлат корхонасининг бутун мол-мулки меҳнат коллективи аъзоларининг мулкига ўтган, ижарага олинган мол-мулк сотиб олинган ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда вужудга келади.

*(13-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

Коллектив корхонасининг мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар коллективнинг умумий мулкидир.

2. Коллектив корхонасининг мол-мулки таркибида унинг ходимлари қўшган ҳиссалар белгилаб қўйилади. Бундай ҳисса таркибига ходимларнинг коллектив корхонаси вужудга келишига асос бўлган давлат корхонаси ёки ижарага олинган корхона мулкига қўшган умумий суммаси, шунингдек, мазкур корхона вужудга келтирилганидан кейин ходим корхона мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улушлари киради.

Ходимнинг мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улуши миқдори корхона фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этганига қараб аниқланади ҳамда хўжалик фаолияти натижаларига асосланиб шу улушга меҳнат коллективи белгилайдиган миқдорда процентлар ажратилади ва тўланади.

Корхона билан меҳнат муносабатларини тўхтатган ходимга, шунингдек, вафот этган ходимнинг ворисларига қўшилган ҳиссасининг қиймати берилади.

Коллектив корхонаси тугатилган тақдирда ҳиссанинг қиймати ходимларга (уларнинг ворисларига) бюджет, банклар билан, бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкдан тўланади.

#### **14-модда.** Хўжалик жамияти ва ширкатининг мулки

1. Юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамияти ва ширкати-нинг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлган киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

2. Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчиси қўшган ҳисса таркибига асосий ва оборот фондлар, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, ўзга мол-мулк ҳамда мулкий ҳуқуқлар кириши мумкин.

3. Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви идоралари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, хўжалик жамиятининг ва ширкатининг қатнашчилари бўлиши мумкин.

4. Акцияли жамият акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, акция эгалари бўлишлари мумкин.

Давлат корхонаси ваколат берилган давлат идорасининг қарорига асосан корхонанинг бутун мол-мулки қиймати миқдоридида акция чиқариб, акцияли жамиятга айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан олинган маблағ давлат корхонасининг қарзлари қопланганидан кейин тегишли бюджетга тушади.

*(14-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди, 15 ва 16-моддалар чиқариб ташлансин, 17,18,19,20,21,22 ва 23- моддалар тегишинча, 15,16, 17,18,19,20 ва 21-моддалар деб ҳисоблансин).*

#### **15-модда.** Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки

1. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва территориал бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий равишда берган, шунингдек, унинг ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкнинг эгасидир.

2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхона ва ташкилотлар ўртасида келишув асосида ҳамда уларнинг қўшган ҳиссаларини (улушларини) эътиборга олган ҳолда тақсимланади.

#### **16-модда. Жамоат бирлашмаларининг мулки**

1. Жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, шу жумладан халқ фронтлари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ветеранлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар, ижодий иттифоқлар, фондлар, уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари)нинг мулкида улар уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган мол-мулк, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва мол-мулк бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари мулкида, шу бирлашмалар маблағлари ҳисобидан уларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ вужудга келтириладиган корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари аъзо бўлиш ва аъзолик бадалларидан, ихтиёрий бадаллар, хайр-эҳсонлар; ўтказилган лотереялардан тушган маблағлар; ишлаб чиқариш - хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинган даромадлар; қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Уюшмалар ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг шу уюшмаларга қарашли мол-мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги ваколатлари уюшмалар ва бирлашмаларнинг уставлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида миллий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жамоат уюшмаларининг мулки бўла олмайдиган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Жамоат уюшмалари ўз уставларида ёзиб қўйилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ҳамда қонунларда белгиланган тартибда ўзга давлатлардан келадиган пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни олишлари мумкин.



Сиёсий мақсадларни кўзлайдиган партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар ўзга давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан молиявий ва ўзга моддий ёрдам олишга ҳақли эмаслар.

2. Жамоат уюшмалари тугатилганидан кейин қолган мол-мулк унинг уставида кўзда тутилган мақсадларда ишлатилади.

*(16-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХП-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **17-модда.** Диний ташкилотларнинг мулки

1. Диний ташкилотларнинг мулкида, бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қилган ёки давлат томонидан берилган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида бўлган мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида хайрия мақсадларида мол-мулк беришга йўл қўйилади. Диний ташкилотлар ихтиёрий суратда молиявий ва бошқа хайр-эҳсон қилишни сўраб мурожаат этишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

*(17-модда 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХП-сон қонуни таҳририда берилди).*

2. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек, фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳамма турларига солиқ солинмайди.

## **IV бўлим. ДАВЛАТ МУЛКИ**

### **18-модда.** Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий ҳудудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадilar.

Давлат мулкининг эгалари ўртасидаги келишувга биноан бу мулк уларнинг умумий мулки бўлиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг, маъмурий-территориал тузилманинг бюджет ёки бошқа маблағлари ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинади ёки сотиб олинган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-территориал тузилманинг мулки бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси ва маъмурий-территориал тузилмаларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Маъмурий-территориал тузилма эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

4. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан ҳамкорликда мол-мулкка ва хўжалик фаолияти натижаларига ҳар бир давлатнинг маълум улушда эгалик ҳуқуқи асосида мулк ҳосил қилиши мумкин.

Давлатлараро манфаатларга дахлдор бўлган сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва бошқа шаклларидан фойдаланиш улар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади.

*(18-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **19-модда.** Давлат мулкининг объектлари

#### **1. Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулкига<sup>1</sup>**

ер (қонунда назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда мулк қилиб берилган ерлардан ташқари), ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

*(19-модда 1-бандининг иккинчи ҳаҷбоиши Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-ХII ва 1995 йил 6 майдаги 70-И-сон қонунлари таҳририда берилди).*

Ўзбекистон Республикаси ҳокимияти ва идора органларининг мол-мулки;

республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари; республика бюджетининг мбалағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклари, суғурта резерв фондлари ва бошқа давлат фондлари;

давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлири, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда давлатнинг республика истиқлолини ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклари киради;

*(19-модда номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

**20-модда.** Давлат мулкининг субъекти

Ўзбекистон Республикаси халқи давлат мулкининг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

*(20-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

**21-модда.** Ўзбекистон Республикаси субъектларининг республика сарҳадларидан ташқаридаги мулки

Ўзбекистон Республикасининг республика сарҳадларидан ташқаридаги давлат мулки ҳисобланган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда мол-мулк қайси давлатда жойлашган бўлса, шу давлатнинг қонунлари, шунингдек халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиб турилади.

*(21-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди, 24,25,26-моддалар чиқариб ташланди, тегишинча 27,28,29,30,31 ва 39-моддалар 22,23,24,25,26 ва 27-моддалар деб ҳисоблансин).*

**22-модда.** Маъмурий-ҳудудий тузилма мулки (коммунал мулк) объектлари

Маҳаллий бюджет ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган мол-мулк вилоят, туман, шаҳар ёки бошқа маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг объектидир. Давлатнинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар коммунал мулк ҳисобланади.

*(22-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

**23-модда.** Маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг (коммунал мулк) субъектлари

Тегишли маъмурий-ҳудудий тузилманинг аҳолиси коммунал мулкнинг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни рўёбга чиқаришни Ўзбекистон Республикасидаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари амалга оширадилар.

*(23-модданинг иккинчи жумласи Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## **24-модда.** Давлат корхонасининг мол-мулки

Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан Қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

*(24-модданинг иккинчи ва учинчи бандлари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонунига биноан чиқарилган).*

## **25-модда.** Давлат корхонаси меҳнат коллективи аъзоларининг мулки

1. Солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар амалга оширилганидан кейин давлат корхонасида қоладиган фойданинг (даромаднинг) бир қисми (соф фойда) корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг мулкига айланиб, ундан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва корхона уставига мувофиқ фойдаланилади.

2. Меҳнат коллективининг аъзосига тегишли фойда миқдори унинг улуши бўлади. Корхона тугатилган тақдирда улуш суммаси (акциялар қиймати) меҳнат коллективи аъзоларига (ворисларга) бюджет, банклар билан ва корхонанинг бошқа қарз берувчилари билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мулкдан тўланади.

*(25-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон Қонуни таҳририда берилди).*

## **26-модда.** Давлат муассасасининг мол-мулки

1. Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетига турувчи давлат муассасасига (ташкilotига) бириктириб қўйилган мол-мулк шу муассаса (ташкilot)нинг оператив бошқарувида бўлади.

2. Давлат бюджетига турувчи ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик фаолиятини амалга оширишлари мумкин бўлган давлат муассасалари (ташкilotлари) ана шундай фаолиятдан келган даромадларни ва

шу даромадлар ҳисобидан орттирилган мол-мулкларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Давлат муассасаси (ташкilot) ўз мажбуриятлари юзасидан ўз эгалигидаги пул маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг (ташкilotининг) маблағи етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулкнинг эгаси жавобгар бўлади.

## **V бўлим. АРАЛАШ МУЛК**

### **27-модда. Аралаш мулк ҳуқуқи**

Мулкнинг аралаш шакллари қонунда эътироф қилинган мулкдорнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Аралаш мол-мулкка заглик қилиш ҳиссавий этиш принципи асосида ҳам, шунингдек, ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни қўшган улушига қараб тақсимлаш асосида ва томонларнинг келишуви билан амалга оширилиши мумкин.

Аралаш мулкнинг ўз маблағларини бирлаштираётган мулкдорларнинг мақоми билан белгиланадиган ҳар хил турлари бўлади. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, турли юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни бирлаштиришга йўл қўйилади.

*(27-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни тахририда берилди).*

### **27-1-модда. Давлат мол-мулкни хусусийлаштириш**

Ўзбекистон Республикасининг ёки маъмурий-ҳудудий тузилманинг (коммунал) мулки бўлган корхоналар, мулкый мажмуалар, биналар, иншоотлар ва бошқа мол-мулклар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда республиканинг ва бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари мулки қилиб берилиши мумкин.

*(27-1-модда Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2021-ХII-сон қонунига биноан киритилди ва 1995 йил 6 майдаги 70-1-сон қонуни тахририда берилди).*

### **28-модда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мулки**

Хорижий инвестициялар акциялар (улушлар, пайлар) ёки устав фонидининг камида 10 фоизини ташкил этадиган корхо-

налар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган исталган ташкилий-ҳуқуқий шакллларда фаолият кўрсатади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ё уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари хорижий инвестициялар иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улуши (пай, акциялар)ни сотиб олиш ёхуд шу жумладан хусусийлаштириш жараёни мобайнида бундай корхонани тўла сотиб олиш натижасида барпо этилиши мумкин.

*(28-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонунига биноан киритилди ва 1994 йил 23 сентябрдаги 2021-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## **VI бўлим. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДАВЛАТЛАРИНИНГ МУЛКИ**

*(VI бўлим номи Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди, 33-модда чиқарилди, 34, 35, 36, 37, 38, 39 ва 40-моддалар тегишинча 29, 30, 31, 32, 33, 34 ва 35-моддалар деб ҳисоблансин).*

### **29-модда. Чет эл фуқароларининг мулки**

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларига эгалик ҳуқуқига эгалар. Давлат бу мулкнинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди.

*(29-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **30-модда. Чет эл юридик шахсларининг мулки**

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятларини ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишга ҳақлидирлар. Чет эл юридик шахсларининг мулки давлат томонидан муҳофаза этилади. Мулкни кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш қонунан таъминланади.

*(30-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-XII-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **31-модда.** Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мулки

Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий, хайрия ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгаллик қилишга ҳақлидирлар. Уларнинг мол-мулкини асраш, кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш имконияти кафолатланади.

*(31-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

## **VII бўлим. МУЛКИЙ ҲУҚУҚНИНГ КАФОЛАТИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ**

### **32-модда.** Мулкий ҳуқуқнинг кафолати

1. Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тартиб олишга йўл қўйилмайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахсларига мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси тенг шароитлар яратиб беради.

*(32-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

### **33-модда.** Мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши

1. Мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунларига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

3. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

*(33-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонуни таҳририда берилди).*

4. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, мулкдан тўла хўжалик юритиш, уни оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ёки қонунда ёхуд шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолларда, мол-мулкка эгалик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

**34-модда.** Мулкдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш

1. Мулкдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, доврахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкни бевосита олиб қўйишган қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатиб қўйишган фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи тўхтатилиши оқибатида етказилган зарар мулкдорга батамом тўланади.

Мулкдор норози бўлган тақдирда низо суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилмагунича, мулк ҳуқуқининг тўхталишига олиб борадиган қарор амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам низо кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

2. Мулкдор мол-мулкнинг давлат томонидан олиб қўйилишига мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш шу мулкка қаратилган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, шунингдек, реквизиция ва мусодара тартибида йўл қўйилади.

Табий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимият манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкдорлардан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин ва унга мулкнинг қиймати тўланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суднинг ёки хўжалик судининг қарорига биноан мол-мулк мусодара қилиниши мумкин.

*(34-модда 1-бандининг иккинчи қисми ва 34-модда 2-бандининг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сон қонунини тахририда берилди).*



**35-модда.** Мулкдорларнинг ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги

Давлат бошқаруви идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг ўзларига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари бузилган тақдирда бундай ҳужжат мулкдорнинг ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Мазкур ҳужжатларни чиқариш оқибатида фуқароларга, ташкилотлар ва бошқа шахсларга етказилган зарарлар тегишли ҳокимият ёки идора органи ихтиёридаги маблағ ҳисобидан тўла-тўқис қопланиши шарт.

**36-модда.** Мулкдорларнинг ўз ваколатларини амалга оширишга аралашганлик учун давлат органларининг масъулияти

Давлат органлари мулкдорларга ёки тўла ҳўжалик юритиш ҳуқуқи, тезкор бошқариш ёхуд қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа асос бўйича мол-мулкка эгалик қилаётган шахсга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган қўшимча мажбуриятлар ёхуд чеклашлар белгилашга ҳақли эмаслар.

Давлат органлари мулкдор ва шахслар томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мол-мулкка мазкур қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган ҳажмда эгалик қилиш, уни ишлатиш ва тасарруф қилиш бўйича ҳуқуқларини амалга оширишларига ноқонуний аралаштириш натижасида уларга етказган зарар учун мулккий жавобгар бўладилар.

*(36-модда Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-ХП-сон қонунига биноан киритилган).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1991 йил 15 февраль

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги; 1994 йил 23 сентябрдаги; 1995 йил 31 августдаги; 1996 йил 27 декабрдаги; 1997 йил 25 апрелдаги; 1997 йил 30 августдаги; 1998 йил 1 майдаги; 1998 йил 29 августдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).*

Ушбу Қонун мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

*(Муқаддима Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонунига биноан киритилган).*

## I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Корхона ва унинг асосий вазифалари

1. Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида махсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки махсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ, ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади.

2. Корхонанинг фаолияти мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз махсулоти, ишлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳамда ана шу асосда меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳамда корхона мол-мулки эгасининг манфаатларини таъминлаш йўли билан эришилади.

3. Корхона хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини, агар улар қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилган бўлмаса ва корхона Уставида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларига мувофиқ келса, амалга ошириш ҳуқуқига эга.

## **2-модда.** Корхонанинг турлари

1. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгилаб қўйилган мулк шаклларига мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналар иш олиб бориши мумкин:

Жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;

жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; хўжалик жамиятлари ва ширкатларига қарашли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларнинг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;

давлат мулкига асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган давлатлараро, қўшма ва турли мулк шаклларининг тўлиқ ёки улушли иштирок этишига асосланган бошқа корхоналар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

2. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик ёки ўрта корхоналар жумласига киритилиши мумкин, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда тузилган корхоналарнинг бошқа турлари ҳам иш олиб бориши мумкин.

*(2-банднинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

### **3-модда.** Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари

1. Корхоналар ихтиёрийлик асосида фаолиятни мувофиқлаштириш, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тегишли давлат идоралари ва бошқа идораларда, шунингдек халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифода этиш мақсадида хўжалик уюшмаларига: иттифоқларга, концернларга, консорциумларга ҳамда тармоқ принциплари, ҳудудий ёки бошқа принциплар асосида ўзга бирлашмаларга уюшишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмаларни барпо этиш тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган монополияга қарши талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Кўнгилли хўжалик уюшмалари давлат рўйхатидан ўтиши керак ва уларнинг фаолияти ушбу Қонун билан тартибга солинади.

2. Уюшма, бирлашма уни таъсис этувчилар тасдиқлайдиган устав асосида иш олиб боради. Уюшмалар таркибига кирган корхоналар ўз мустақилликларини, ҳуқуқий шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар ва ушбу Қонун уларга нисбатан ҳам амал қилади.

3. Уюшма, бирлашма ўз таркибига кирувчи корхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, корхоналар эса, таъсис шартномаси (уставда) ўзга ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, уюшма мажбурияти юзасидан жавоб бермайди.

4. Уюшмага кирган корхоналар уюшма таркибидаги корхоналар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномаларга мувофиқ сақлаб қолган ҳолда унинг таркибидан чиқишга ҳақлидир.

5. Уюшма, бирлашма унга кирган корхоналарнинг, суд ва хўжалик судининг қарорига мувофиқ тугатилади. Уюшма корхонани тугатиш учун белгилаб қўйилган тартибда тугатилади. Уюшма тугатилгандан кейин қолган мол-мулк уюшманинг уставига мувофиқ унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

### **4-модда.** Корхона тўғрисидаги қонунлар

1. Корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда унинг асосида чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

Қорақалпоғистон Республикасида корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолияти, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

2. Фаолияти ишни ташкил этишга ва унинг хавфсизлигига оширилган талаблар қўйиш билан боғлиқ бўлган, технология жараёнлари узлуксиз давом этадиган, шунингдек бошқарув вазибаларини марказлаштириш зарурати билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг айрим турлари учун ушбу Қонунни қўллаш хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси мулки, ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг тўла ёки улушбай мулки бўлган корхоналарни (давлатлараро ва қўшма корхоналарни) барпо этиш ва улар фаолиятларининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва давлатлараро шартномалар (келишувлар) билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

## **II бўлим. КОРХОНАНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

### **5-модда. Корхонани барпо этишнинг умумий шартлари**

1. Корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига ёки меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилиши мумкин.

2. Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса, тузилиши мумкин.

3. Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани тегишли давлат ҳокимияти идораси, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқини олади.

#### **6-модда.** Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш

1. Корхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хабар қилинади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

3. Корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Корхонани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга музоамаат қилиши мумкин.

Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлигига (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорда ҳақ олинади. Олинган маблағ корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат ҳокимияти органи бюджетига ўтказилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

Давлат корхоналарини ўзгартириш натижасида барпо этилган очик турдаги акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказишда рўйхатга олганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар олинмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонунига биноан киритилган).*

**7-модда.** Шуъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмаларини барпо этиш

1. Корхона юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шуъба корхоналарни тузиш ва ана шу корхоналар уставларини тасдиқлаш ҳуқуқига эгадир.

Корхоналар шунингдек филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган алоҳида бўлинмалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

2. Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш масаласи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан амалдаги қонунларда белгиланган тартибда келишиб олинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

**8-модда.** Фаолият турларига лицензия олиш

1. Лицензия олиниши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун корхона зарур лицензияни олиши шарт.

2. Корхонанинг лицензия олиниши керак бўлган фаолиятига рухсат бериш ва бундай рухсатни ҳақиқий эмас деб топиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**9-модда.** Корхона устави

1. Корхона устав асосида иш олиб боради. Уставни корхонани таъсис этувчи (таъсис этувчилар) тасдиқлайди.

2. Корхона уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкни ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарнинг устав билан тартибга солинмаган барча муносабатлари ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонунига биноан киритилган).*

### **III бўлим. КОРХОНАНИНГ МУЛҚДОРИ**

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

#### **10-модда.** Корхонанинг мулкдори

1. Корхонанинг мулкдори (мулкдорлари) ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мулкдор (мулкдорлар) ўз мол-мулкига нисбатан Қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли. Улар мол-мулкидан қонунда тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятини ёки ўзга фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Давлат корхона эгасининг мулккий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради.

2. Корхона мулкдори (мулкдорлари) ўзининг (ўзларининг) мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар асосида ва шу шартлар доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўзга давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузишга ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

#### **11-модда.** Мол-мулкни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш шартлари

1. Асосий фондлар ва оборот маблағлари, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар корхона мулкни ташкил этади.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва корхона уставига мувофиқ корхонанинг мол-мулки мулкчилик ҳуқуқи ёки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлиши мумкин.

3. Қуйидагилар корхона мол-мулкни ташкил этувчи манбалардир:



таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари;  
маҳсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;  
банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари;  
капитал маблағ ва бюджетдан дотациялар;

ташкilotлар, корхоналар ва фуқароларнинг текинга ва хайрия мақсадларида берган бадаллари, ионалари, шунингдек мерос тариқасида, айирбошлаш ва совға қилиш йўли билан оладиган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ўзга манбалар.

4. Корхона мулкдори (мулкдорлари) ёки у ваколат берган органлар ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкilotларга сотиш ҳамда топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул бериш ёки қарзга беришга, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлидир.

5. Агар қонун ҳужжатлари ва уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, корхона мулкдори ёки у ваколат берган органлар ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, бепул беришга, ижарага беришга ҳақли, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаронинг мулки бўла олмайдиган ёки у фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

## **12-модда.** Табиат ресурсларига эгалик қилиш ва фойдаланиш

1. Корхона белгиланган тартибда ҳақ эвазига ер ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилади ва улардан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Корхона ўз ишлаб чиқаришининг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтиришга ва бу таъсирнинг ўрнини қоплашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши шарт. Бундай тадбирлар ўз маблағлари ёки ўзга манбалар ҳисобидан пул билан таъминланиши мумкин.

### **13-модда.** Корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар маблағини жалб этиши

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

1. Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадларида қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда сотиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

2. Корхонанинг қимматли қоғозлар чиқариш ва сотиш тартиби, уларнинг турлари ҳамда бундай қимматли қоғоз эгаларининг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **14-модда.** Корхона мулкӣ ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради. Давлатнинг корхонага қарашли асосий фондларни, оборот маблағларни ва бошқа мол-мулкни тортиб олишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан корхонанинг мулкӣ ҳуқуқларини бузиш натижасида унга етказилган зарар суд ёки хўжалик суди қарорига мувофиқ корхонага тўланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

## **IV бўлим. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ**

### **15-модда.** Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари

1. Корхона ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (идорасига) ё бўлмаса корхона уставига кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

2. Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўша-тиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бе-восита, шунингдек ўзи вакил қилган идоралар орқали ёки кор-хонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқа-руви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

### **16-модда.** Корхонанинг раҳбари

1. Корхона раҳбари лавозимига ёллаш (тайинлаш, сайлаш) чоғида номзод шахс билан битим (шартнома, келишув) тузи-лади, унда корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти, унинг моддий таъминоти ҳамда эгаллаб турган ла-возимидан бўшашиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган кафолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

2. Корхона раҳбари корхона фаолияти билан боғлиқ масала-ларни мустақил ҳал қилади, ушбу Қонунда меҳнат жамоаси ва корхона кенгаши умумий йиғилиши (конференцияси)нинг мут-лақ ваколатига топширилган масалалар бундан мустасно, корхо-на номидан ишонч қоғозсиз иш олиб боради, мамлакатдаги ва чет элдаги барча корхоналарда, фирмалар ва ташкилотларда шу корхона манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкани тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартнома-ларини тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб ра-қамлари ва бошқа рақамлар очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижроия аппарати штат-ларини тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбу-рий буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

3. Корхона раҳбари ўз ўринбосарларини, бошқарув аппа-рати раҳбарларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил тайинлайди ва ишдан озод қилади.

4. Корхона раҳбари шартномада ёки Ўзбекистон Респуб-ликсининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган асосларга мувофиқ шартнома муддати тугамай туриб, эгаллаб турган ла-возимидан бўшатилиши мумкин.

### **17-модда.** Корхона кенгаши (бошқаруви)

1. Корхона кенгаши мулкдор корхонани бошқариш соҳасида-ги ўз ваколатларини кенгашига топширган тақдирда тузилади.

Корхона кенгаши (бошқаруви)да, корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, корхона мол-мулкининг эгаси ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти томонидан тайинланадиган ва шу корхона меҳнат жамоаси томонидан сайлаб қўйиладиган вакиллар сони барабар бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

2. Корхона кенгаши (бошқаруви)нинг ҳуқуқ ва бурчлари корхона мулкдори ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд у вакил қиладиган идора томонидан тасдиқланадиган кенгаш (бошқарув) тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

## **V бўлим. КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ**

**18-модда.** Корхона оладиган фойда (даромад)

1. Ҳамма турдаги корхоналарда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич фойда (даромад)дир.

2. Солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлашдан кейин корхонада қолган фойда (соф фойда) (даромад) тўлатўқис унинг тасарруфига ўтади ва олиб қўйилмайди. Қонунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Корхона, агар уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, соф фойда (даромад)ни қайси соҳаларга ишлатишни мустақил белгилайди.

3. Қонун ҳужжатларида ёки корхона уставида кўзда тутилган ҳолларда соф фойда (даромад)нинг бир қисми корхона меҳнат жамоаси аъзоларига мулк қилиб топширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

**19-модда.** Корхона ходимининг меҳнат даромадлари

1. Корхона туридан қатъи назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олиниб, ходимнинг меҳнатга қўшган шахсий улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва энг кўп миқдори чеклаб қўйилмайди.

2. Барча турдаги корхоналар ходимлари меҳнат ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, системалари ва миқдорини, шунингдек ходимлар даромадларининг бошқа турларини корхона мустақил белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

**20-модда.** Корхона фаолиятини режалаштириш

1. Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

2. Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади.

**21-модда.** Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик муносабатлари

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

1. Хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари шартнома негизида қурилади.

2. Корхоналар нима ҳақда шартнома тузишни танлашда, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндир.

3. Корхона ўз маҳсулоти ва мол-мулкни, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаса, ўз хоҳишига кўра сотади, шунингдек ўз хоҳиши билан хизматлар кўрсатади.

4. Корхона истеъмолчининг манфаатларини ҳамда унинг маҳсулот, ишлар ва хизматлар сифатига қўядиган талабларини ҳисобга олади. Истеъмолчининг манфаатлари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади.

Эркин реализация қилиш тақиқлаб ёки чеклаб қўйилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

**22-модда.** Улгуржи савдо, ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулотни сотиш

1. Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариши тўғри-

сидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминоти-ни, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.

2. Бозорга ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарни давлат шу ишларни бажариш ва маҳсулотни етказиб бериш учун моддий-техника ресурслари билан таъминлайди.

### **23-модда.** Нарх-наво ва нарх белгилаш

Корхона ўз маҳсулотини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чикитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда сотади. Корхона бозорда яққаҳокимлиқ мавқеини эгаллаган ҳолларда давлат фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нархларни тартибга солади.

### **24-модда.** Молия ва кредит муносабатлари

1. Фойда (даромад), амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

2. Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа корхоналарнинг кредитларидан фойдаланади.

3. Корхона пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун корхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамларини очишга ҳақлидир.

Ҳар бир корхона (ташкилот) ўзи танлаган бир банк муассасасидагина сўм ва валюта ҳисоб-китоб (жорий) ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барпо этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўзининг танлашига қараб битта ёки бир нечта банкда сўм ва хорижий валютада талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварақларига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

*(24-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон қонуни таҳририда).*

4. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, иш ҳақи тўлаш, меҳнат ҳуқуқи муносабатларидан ва уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларни қондириш, шунингдек бевосита ишлаб чиқариш билан боғланган шошилиш эҳтиёжларга пул маблағларини ҳисобдан чиқариш фуқаро қонун ҳужжатлари белгилаган тартибда амалга оширилади. Бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китобларнинг қолган турларини корхона календарь тартибга мувофиқ амалга оширади.

*(24-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги қонуни тахририда).*

5. Корхона харидор (истеъмолчи)га қарзга олинган маблағ учун фоиз тўлаш тартибида қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишни бажариши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун корхона хўжалик оборотида векселни қўллаши мумкин. Корхона фоиз тўлаш шarti билан бошқа корхоналарга ёки банкларга кредит бериши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

6. Корхона кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун тўла жавобгардир. Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган корхона банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **25-модда. Капитал қурилиш**

1. Корхона Ўзбекистон Республикаси айрим ҳудуд зоналари бўйича белгиланадиган ҳар хил ишлаб чиқариш турларини жойлаштириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, норматив талабларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, квоталар ва лицензияларга риоя этган ҳолда республика ҳудудида қурилиш жойини танлаб олишда эркиндир.

2. Корхона қурилиш олиб бориш учун ҳар қандай шерикларни танлаб олишда, пудратчи ташкилотлар конкурсини ташкил этишда эркиндир, зарур ҳолларда тегишли қонунларда тасдиқлаб қўйилган қурилиш нормалари ва қоидаларига амал қилиб, қидирув ишларини олиб боради, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаш ва бажаришни ўзи амалга оширади.

3. Ҳамма ҳолларда қурилиш лойиҳаси вилоят ёки республика эксперт идоралари даражасида давлат экспертизасидан

ўтказилиб, пухталиги, чидамлилиги, расман тасдиқланган хавфсизлик қоидаларига, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилганлиги баҳоланади.

### **26-модда.** Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти

1. Корхона Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2. Олинган валюта корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан корхона мустақил фойдаланади. Корхонанинг валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта маблағи ҳисобидан қилган бевосита валюта харажатлари чегириб ташлангандан сўнг республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари ўтказилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

## **VI бўлим. КОРХОНАНИНГ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРИ**

### **27-модда.** Корхонанинг ижтимоий фаолияти

1. Ижтимоий тараққиёт масалалари, шу жумладан меҳнат шaroитларини яхшилаш ва иш вақтининг узунлиги масалалари, меҳнат жамоаси аъзолари ва улар oilаларининг дам олиш, турмуш шaroитларини ва сихат-саломатлигини яхшилаш масалалари, корхонанинг истеъмол фонди ҳисобидан амалга ошириладиган мажбурий тиббий суғурта кафолатлари масалалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат жамоаси томонидан корхоналар маъмурияти иштирокида ҳал қилинади.

Корхона амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ва аҳолини иш билан таъминлаш фондига ажратмалар ўтказиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 421-1-сон қонуни таҳририда).*



2. Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қобилиятига етказилган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади.

3. Пенсияга чиққунга қадар корхонада меҳнат қилган пенсионерлар тиббий хизмат, уй-жой билан таъминланиш, соғломлаштириш ва профилактика муассасаларига йўлланмалар олиш борасида корхонадаги мавжуд имкониятлардан, шунингдек жамоанинг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига мувофиқ бошқа ижтимоий хизматлар ва имтиёزلардан унинг ходимлари билан барабар фойдаланадилар.

4. Корхона хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини мунтазам яхшилашга, ёш болали аёлларни иш куни қисқартирилган асосан кундузги иш билан таъминлашга, ҳомиладор аёлларнинг меҳнат шароити зарарсиз энгилроқ ишга ўтказишга, шунингдек, аёлларга қонунларда кўзда тутилган бошқа имтиёزلарни беришга мажбурдир. Меҳнат шароити зарарли бўлган корхона меҳнат жамоасининг розилиги билан хотин-қизларга энгилроқ иш бериш учун цехлар, участкалар барпо этиши мумкин.

5. Корхона меҳнат жамоасига хизмат қиладиган ва унинг таркибига кирмайдиган тиббий муассасалар ходимларини, болалар, маданий-маърифий, соғломлаштириш, ўқув ва спорт муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини моддий рағбатлантириши мумкин.

6. Фуқароларнинг корхонага илтимослари ва мурожаатларига доир масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш фақат корхона маъмуриятининг вазифаси бўлиб, бу иш фуқароларнинг ўз зиммасига юклаб қўйилиши мумкин эмас.

## **28-модда.** Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари

1. Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси (битими, келишуви), шунингдек ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа шакллар асосида қатнашувчи барча фуқаролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

2. Меҳнат жамоасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, корхонани ташкил этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари, унинг устави, маъмурият (мулкдор) билан меҳнат жамоаси ўртасида тузиладиган шартномалар билан белгиланади.

Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилиш (конференция)дир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

**29-модда.** Корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси): корхона мол-мулкани сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади, бундай шартнома (битим) лойиҳасини кўриб чиқади ва уни меҳнат жамоаси номидан имзолаш учун касаба уюшмаси кўмитасига ёки бошқа органларга ваколат беради;

корхона кенгашига вакиллар сайлайди (уларни чақириб олади), уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

ўз ходимлари учун қўшимча отпускарлар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

**30-модда.** Жамоа шартномаси (битими)

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда бу келишмовчилик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **VII бўлим. КОРХОНА ВА ДАВЛАТ**

**31-модда.** Корхоналар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

1. Давлат корхона ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига кафолат беради.

Корхона хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни амалга ошириш чоғида ўз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

Корхонанинг хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятига Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, давлат, жамоат ва кооператив идораларининг аралашшига йўл қўйилмайди.

2. Республика ва маҳаллий давлат, жамоат ва кооператив идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари корхонага дахлдор қарорларни қабул қилиш чоғида ва ўзларининг шу корхона билан муносабатларида ушбу Қонун қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг қонунларда белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига ёки қонун талабларига мос келмайдиган ҳужжатни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан суд ёки хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ёки ўзга идора ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган бурчларини тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида корхонага етказилган зарар ана шу идоралар томонидан тўланиши керак. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни хўжалик суди ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

### **32-модда.** Корхона хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари

1. Давлат корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини таъминлайди.

2. Давлат бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга қарши тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди.

Рақобатчининг обрўсини туширишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, ишлаб чиқариш квоталари, сотиш ва таъминот бо-

зорларини бўлиб олиш, эркин рақобатни чеклаш мақсадида корхоналар ўртасида монопол нарх-навони ушлаб туриш ҳақидаги ҳар қандай тил бириктиришларга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда корхона монополияга қарши қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Давлат қонун асосида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва молия органлари орқали рақобат қилиш эркинлигини таъминлайди, истеъмолчиларни уларнинг ҳуқуқлари камситилишидан, ҳўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳасида монополизм кўринишларидан муҳофаза қилади.

3. Корхона ҳўжалик оборотига киритаётган буюмлар фирма белгисини ёки буюмнинг рамзини, буюмни таърифлайдиган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда маркировка қилиниши шарт. Ўзга фирма ва товар белгиларини, шунингдек, бир ишлаб чиқарувчининг буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг буюмлари билан чалкаштириб юборишга (ўхшатишга) имкон берадиган ҳар қандай маълумотларни ўзлаштириб олишга йўл қўйилмайди. Бу масалаларда чиққан низолар суд тартибида ҳал қилинади.

### **33-модда.** Ҳисоб ва ҳисобот

1. Корхона ўз иши натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи олиб боради.

Давлат статистика ҳисоботи шаклларини давлат статистика идоралари, уларни тақдим этиш тартибини эса Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

2. Корхонанинг мансабдор шахслари давлат ҳисоботини бузиб кўрсатганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

### **34-модда.** Корхонанинг тижорат сир

1. Корхонанинг тижорат сир деганда корхонанинг ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириши, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сир бўлмаган маълумотлар тушунилади.

2. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Корхона фаолиятининг турларини (агар улар ҳақидаги маълумотлар тижорат сирини бўла олмаса) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси корхоналар атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятлар тўғрисидаги маълумотларни яширишининг олдини олиш мақсадида белгилаб қўяди.

3. Корхонанинг тижорат сирини бўлган маълумотларни эълон қилганлик, бундай маълумотларни сақлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **35-модда.** Корхонанинг масъулияти

1. Шартнома мажбуриятларини, кредит - ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни, хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун корхона Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилгандек тўла мулкый жавобгар бўлади.

2. Корхона ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш талабларига амал қилмаслик, уни ифлослантириш ва бошқа зарарли таъсирлар оқибатида ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларини, санитария-гигиена нормаларини ҳамда корхона ходимларини, аҳолининг ва маҳсулот истеъмол қилувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган миқдорда жарима тўлаши шарт.

Табиатдан фойдаланиш режимини бузаётган корхона фаолияти йўл қўйилган камчиликлар тугатилгунигача қадар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда тўхтатиб қўйилиши мумкин.

### **36-модда.** Корхона фаолиятини назорат қилиш

1. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти корхона мулкдорининг ташаббуси билан тафтиш қилиниши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонуни таҳририда).*

1-1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар қандай текширишлар фақат

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишган ҳолда ўтказилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон қонуни билан киритилди).*

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ, молия ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат туғилганида ва қатъиян ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ана шу идораларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва нazorat соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

3. Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал ишлашига ҳалақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари корхонага хабар қилинади.

### **37-модда. Корхонанинг маҳаллий давлат ҳокимият идоралари билан муносабатлари**

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

1. Корхонанинг давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ўзаро муносабатлари ушбу Қонунга ҳамда ана шу идораларнинг ваколатларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

2. Корхона маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳудудни комплекс иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган ишларда ихтиёрий равишда шартнома асосида қатнашади.

Корхона маҳаллий ҳокимиятнинг ёки бошқа ваколатли давлат идораларининг қарори билан шу идоралар маблағлари ҳисобидан меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун махсус иш жойларини барпо этиши шарт.

3. Маҳаллий ҳокимият идораларининг корхонага қарашли уй-жой ва ишлаб чиқариш майдонини, айрим объектларни тортиб олишига йўл қўйилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

## VIII бўлим. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

### 38-модда. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари

1. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади. Синган корхоналарни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни тахририда).*

Корхона олти ой мобайнида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда тугатилади ва солиқ органлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Адлия ва зирлиги ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар реестридан ўчирилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон қонунига биноан киритилди).*

2. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида ишдан бўшатилаётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

3. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

4. Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келган корхонага ўтади.

Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида унинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

5. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналарга бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади.

Корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий

ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтади.

6. Бир корxonани бошқа корxона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корxonанинг барча мулкый ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корxонага ўтади.

### **39-модда. Тугатиш комиссияси**

1. Корxonани тугатишни мулкдор ёки мазкур мол-мулкни бошқаришга ваколатли орган тузадиган тугатиш комиссияси амалга оширади, банкротлик ҳоллари бундан мустасно. Хўжалик суди томонидан хўжалик юритувчи субъект банкротлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда тугатиш комиссиясини шакллантириш ва унинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2021-ХП-сон қонуни тахририда).*

Корxonани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган мулкдор суд (хўжалик суди) ёки корxonани барпо этишга ваколатли бўлган идора тугатиш тартиби ва муддатини, шунингдек, қарз берганларнинг даъво қилиш муддатларини белгилайди. Бу муддат тугатиш эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонуни тахририда).*

2. Тугатиш комиссияси ёки корxonани тугатишни амалга ошираётган бошқа идора корxона жойлашган ердаги расмий матбуотда уни тугатиш ва қарз берганларнинг даъволарини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) ана шу эълон билан бир қаторда корxонага дебиторлик қарзини ундириб олиш ва қарз берганларни корxона тугатилганидан хабардор қилиб, уларнинг даъволарини аниқлаш ишларини бажариши шарт.

Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) тугатилаётган корxonанинг мол-мулкни баҳолайди ва қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни эгаллик қилувчига ёки тугатиш комиссиясини тайинлаган идорага тақдим этади. Тугатиш комиссияси ўз айби билан етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Зарарни ундириб олиш миқдорлари ва тартибини хўжалик суди белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонуни тахририда).*



#### **40-модда.** Қарз берганларнинг даъволарини қондириш

1. Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкидан қондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидаги қарзлар қондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфида бўлган ерларни қайтадан тиклаш харажатлари қопланади. Кредиторлар даъволарини қондириш тартиби ва навбати ҳамда банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкани тақсимлаш Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2021-ХII-сон қонуни тахририда).*

Гаров қўйган юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолда гаровни тутувчи, гаров билан таъминланган мажбуриятларни бажариш муддатидан қатъи назар, гаровдаги мол-мулкдан ҳақ ундириш ҳуқуқини олади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонунига биноан киритилди)*

2. Даъво қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин аниқланган ва қилинган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, аниқланган даъволар, шунингдек, белгиланган муддатда маълум қилинган даъволар қондирилгандан кейин корхонанинг қолган мол-мулкидан қондирилади.

3. Мол-мулк етишмаганлиги учун қондирилмаган даъволар бекор қилинган деб ҳисобланади. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширган идора) тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъвони тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ўз талаблари қондирилиши тўғрисида суд ёки хўжалик судига даъво қилмаган бўлсалар, бекор қилинган деб ҳисобланади.

4. Корхонани тугатиш чоғида фуқаронинг шикастланганлиги ёки саломатлигига бошқа хил зарар етганлиги ёхуд ўлими муносабати билан шу корхонадан ундириладиган вақтинчалик тўловларга пул ажратилади.

5. Корхонани тугатиш чоғида меҳнат жамоаси аъзосининг қўшган ҳиссаси қарз берганларнинг даъволари уставда кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда қондирилгандан сўнг унга пул шаклида ёки қимматли қоғозлар билан берилади.

6. Қарз берганларнинг ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан мулкдорнинг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

7. Корхона қайтадан ташкил этилганида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисларига ўтади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ  
1991 йил 15 февраль, № 207-ХП

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонунига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).*

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар барча бошқарув идоралари билан муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унда мустақамланган мулкчилик шаклларига мувофиқ равишда тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида амал қилиши ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

### **1-модда.** Тадбиркорлик

Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, мулкдорнинг мол-мулкани идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

## **2-модда.** Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар, мулкчиликнинг шаклидан, фаолият туридан, қайси соҳага ихтисослашишидан қатъи назар, ушбу Қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга ҳамда ўзга ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ қилинади.

## **3-модда.** Тадбиркорликнинг умумий қоидалари

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан мулквий жавобгарлиги.

## **4-модда.** Тадбиркорлик субъектлари

Қуйидагилар тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин:

- қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

- фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси - жамоа тадбиркорлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ваколатлар доирасида бошқа ажнабий давлатларнинг фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар;

- аралаш мулк субъектлари.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идораларининг раҳбар ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишига рухсат берилмайди.

### **5-модда.** Тадбиркорлик шакллари

Тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат:

- яқка тартибдаги меҳнат фаолияти асосида;

- ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;

- бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик;

### **6-модда.** Тадбиркорлик ташкилоти (ширкати) ва унинг фаолияти асослари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

### **7-модда.** Тадбиркорнинг ҳуқуқлари

Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

- тадбиркор турли даражада мулкӣ жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;

- бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;

- ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

- тадбиркорликдан солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад орттириш;

- ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эга.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари ҳусусида баҳслашишга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳеч сўзсиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

#### **8-модда.** Тадбиркорнинг мажбуриятлари

Тадбиркор:

- амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши;

- ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳолидан қатъи назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;

- ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;

- қонунларга мувофиқ махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши шарт.

#### **9-модда.** Тадбиркорнинг масъулияти

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларнинг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъ-молчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, яккаҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун, тад-

биркор ўз мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузганлик учун тадбиркор мулккий ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар ўзга тарзда жавобгар бўлади.

Мулккий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги керак.

#### **10-модда.** Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига кафолат беради. Давлат тадбиркорлар мулккий ҳуқуқларига кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонун ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорга етказилган зарар суднинг қарорига биноан тегишли ҳокимият ёки бошқарув идораси ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига жазо чораси белгиланган тақдирдагина давлатнинг тадбиркорлик ташкилоти ихтиёридаги мол-мулкни мулкдордан тортиб олишига йўл қўйилади.

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1998 йил 29 август

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

**2-модда.** Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**3-модда.** Хўжалик шартномаси тушунчаси

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган қелишув хўжалик шартномаси дейилади.

**4-модда.** Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:  
хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;

тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;  
шартнома интизомига риоя этиш;  
тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

**5-модда.** Хўжалик шартномаларининг субъектлари

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

**6-модда.** Хўжалик шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**7-модда.** Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари

Хўжалик шартномаси тарафлари:

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.



Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

**8-модда.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контракция шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

**9-модда.** Давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади;

хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг ахvoli тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;

хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

## **II. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, БАЖАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**10-модда.** Хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати,

ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реқвизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Ҳўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақиқи қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Ҳўжалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шакллари) амал қилишлари мумкин.

Контрактация шартномаси қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Контрактация шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

### **11-модда.** Ҳўжалик шартномасининг шакли

Ҳўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш таклифи ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган, бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

### **12-модда.** Ҳўжалик шартномасини тузиш

Ҳўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва

иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

### **13-модда.** Хўжалик шартномасининг амал қилиши

Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

### **14-модда.** Хўжалик шартномасини бажариш

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса - иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

### **15-модда.** Хўжалик шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан, хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда

ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

**16-модда.** Ички хўжалик шартномасини тузиш

Ички хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт.

Агар қонун ушжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353-385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

### **III. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАЪВОЛАР**

**17-модда.** Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади.

Талабномада қуйидагилар кўрсатилади:

талабнома билдирган ҳўжалик субъектининг ва талабнома билдирилаётган ҳўжалик субъектининг номи;  
талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;  
талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;  
талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

арз қилувчининг талаблари;

талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;

талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатирилганини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа ҳўжалик юритувчи субъектларига билдириш тартиби белгилаб қўйилади.

### **18-модда.** Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ўзига талабнома билдирилган ҳўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатирилганини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда ҳўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказиши.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз

тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

**19-модда.** Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 102-121-моддаларининг қоидаларига кўра белгиланади.

#### **IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАНИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**20-модда.** Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асос-

лаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

**21-модда.** Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

**22-модда.** Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш

Хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномалари ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

**23-модда.** Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахслар-

ни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

## **V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**24-модда.** Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

**25-модда.** Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (бюортмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.



**26-модда.** Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай тақдим этилади. Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**27-модда.** Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг

ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳаққи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

**28-модда.** Товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировкаланмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

**29-модда.** Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик

Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

**30-модда.** Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик

ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**31-модда.** Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик

Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддат (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**32-модда.** Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чекни бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**33-модда.** Маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун жавобгарлик

Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга

асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

#### **34-модда.** Зарарни қоплаш

Неустойка (жарима, пеня) тўланганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жарима, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **35-модда.** Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176<sup>1</sup>, 176<sup>2</sup>, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

### **36-модда.** Низоларни ҳал этиш тартиби

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

## **II БОБ.**

**АСОСИЙ ТУРДАГИ КОРХОНАЛАР  
(КК, МЧЖ, ХФ, ЁАЖ,  
ОАЖ ВА БОШҚАЛАР)  
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ  
ШАКЛЛАРИ**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1991 йил 14 июнь

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги ва 1998 йил 29 августдаги қонунлариغا биноан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан).*

Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунлари билан бир қаторда кооперация фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

У юридик ва жисмоний шахсларга кооперативга ихтиёрий равишда кириш ва ундан эркин чиқиш, кооперативни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини, кооперативларни мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар билан тенгҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, жамоа бўлиб хўжалик юритиш мустақиллигини ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилишда кооперативнинг мустақиллигини кафолатлайди.

#### **1-модда.** Кооперация ва унинг турлари

1. Ўзбекистон Республикасида кооперация фуқаролар ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкчиликнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмалари (кооперативлари) мажмуидан иборатдир.

2. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари амал қилади.

Кооперация, шунингдек, ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни (уй-жой қуриш, уй-жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.



## **2-модда.** Кооперация тўғрисидаги қонунлар

Барча турдаги кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмаларини тузишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта тузиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари ушбу Қонун, "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

## **3-модда.** Кооператив - кооперациянинг бирламчи бўғини

1. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект кооператив ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-матлубот кооперативларининг фаолияти ўз аъзоларининг, шунингдек, меҳнат шартномалари (контрактлар, битимлар) бўйича ишлаётган кишиларнинг ўз меҳнатлари билан шахсан иштирок этишига асосланади.

Матлубот кооперативлари ҳамда ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативлар фаолияти ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

2. Кооперативлар тармоқ принципи, худудий ва бошқа белгилар бўйича хўжалик уюшмаларига қатъий ихтиёрийлик асосида бирлашишлари ва яккаҳокимликка қарши қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришлари мумкин.

3. Кооператив, Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланганларидан ташқари, фаолиятнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишга ҳақлидир. Бунда кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари (шу жумладан барча турдаги аралаш давлат-кооператив уюшмалари) давлат бошқаруви, контроли ва назорати, шунингдек, суриштурув, тергов ва одил судлов идораларининг вазифаларини бажаришларига йўл қўйилмайди.

Кооперативлар, кооперативларнинг хўжалик уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва халқаро шартномаларга мувофиқ республика ва халқаро бозорларда хўжалик фаолиятини эркин юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### **4-модда.** Кооператив мулки

1. Кооперативнинг мустақил балансида ўз ифодасини топган асосий фондлар ва оборот маблағлар, пай бадаллари, шунингдек, бошқа бойликлар кооператив мулкини ташкил этади.

2. Кооператив мулки ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, у ишлаб чиқарган маҳсулот, бу маҳсулотни сотишдан ва кооператив уставида назарда тутилган ҳолда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятдан олинган даромад ҳисобига ҳосил бўлади. Кооператив мулкини шакллантиришда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шартнома асосларида пул бадаллари ва моддий бадаллар тўлаш йўли билан корхоналар (ташкилотлар), шунингдек, ушбу кооперативга аъзо бўлмаган, аммо унда шартнома (контракт, битим) асосида ишлаётган жисмоний шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин.

3. Кооператив томонидан ташкил этилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек қўшган улушларига мувофиқ хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки кооператив мулки ҳисобланади.

Кооперативлардан, турли мулкчилик шаклларидаги бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлардан иборат таркибдаги хўжалик уюшмаларининг мол-мулки уларнинг ширкат (жамоа) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар кирган хўжалик уюшмаларининг мол-мулки ширкат (жамоа) мулки ҳуқуқи асосида ана шу кооперативларга қарашли бўлади, башарти, хўжалик уюшмаларининг таъсис ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

#### **5-модда.** Кооператив тузиш ва унинг устави

1. Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан мутлақо ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги, матлубот кооперативида (жамиятида) эса етти кишидан кам бўлмаслиги керак.

Кооператив мустақиллик асосида ҳам, исталган мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар қошида ҳам ташкил этилади ва амал қилади.

Мулкчиликнинг ҳар қандай туридаги корхонанинг, муассаса, ташкилотнинг қарорига кўра тузиладиган кооператив юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиши, жорий ва ҳисоб-китоб счётлари очиши мумкин. Корхона, муассаса, ташкилот шундай турдаги кооперативнинг уставини тасдиқлайди, унинг ишлаб чи-

қариш ва хўжалик фаолиятини назорат қилади ҳамда унинг фаолият натижалари учун тўла жавобгар бўлади.

2. Кооперативнинг устави кооператив таъсис этишни истаган фуқароларнинг ёхуд юридик шахслар мухтор вакиллари-нинг умумий йиғилишида қабул қилинади ва кооператив жойлашган ердаги ҳокимлик томонидан рўйхатга олинади.

Устави рўйхатга олинган ва ўзи давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб кооператив ташкил этилган деб ҳисобланади.

Матлубот, ишлаб чиқариш кооперативлари, аралаш шаклдаги кооперативларнинг уставида кооператив аъзоларининг кооператив қарзлари бўйича мулкий жавобгарлиги кўрсатилган бўлиши керак. Бу қоида кооператив уставида ўз аксини топмаса, уни давлат рўйхатига олиш ман этилади.

3. Қалбаки кооператив аниқланган тақдирда қайтарилмаган ссуда ва кредитлар унинг аъзоларидан амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига биноан ундирилади.

#### **6-модда. Кооперативга аъзолик**

1. 16 ёшга тўлган, кооперативнинг мақоад ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш истагини билдирган ва бунга қодир бўлган ҳар бир жисмоний шахс кооператив аъзоси бўлиши мумкин, башарти, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, бошқа кооперативлар ва ширкатлар кооперативнинг жамоа аъзолари бўлиши мумкин. Кооперативлар ва уларнинг жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосларида қурилади.

2. Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзоси меҳнат шартномаси бўйича бир нечта ишлаб чиқариш кооперативида ишлаши ёки айна бир вақтнинг ўзида уй-жой ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан шуғулланувчи бир неча кооперативнинг аъзоси бўлишга ҳақли.

Кооперативга кириш ёки унда меҳнат шартномаси (контракт, битим) бўйича ишлаш учун асосий иш жойидаги корхона мулкдорининг, маъмуриятнинг (бошқарув идорасининг) розилиги талаб қилинмайди.

Қонунларга мувофиқ ёки суд қарорига биноан муайян фаолият билан шуғулланиш ёки муайян лавозимни эгаллаш ман этилган шахслар кооператив аъзолари бўлиши ёки меҳнат шартномаси (контракти) бўйича унда ишлашга жалб этилиши мумкин эмас.

3. Аъзолик муносабатларидан келиб чиққан низоли ишлар кооператив уставида белгиланган тартибда кооператив идоралари томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда эса - суд томонидан ҳал этилади.

4. Кооператив аъзоси Уставда назарда тутилган ҳолларда кооперативнинг умумий йиғилиши қарорига биноан кооперативдан чиқарилиши мумкин.

Кооператив аъзолигидан чиқарилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **7-модда.** Кооператив аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1. Барча турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив фаолиятида ва унинг ишларини бошқаришда қатнашиш, кооперативнинг бошқарув ва назорат идораларига сайлаш ҳамда сайланиш, кооператив фаолиятини яхшилаш, унинг идоралари ва мансабдор шахсларининг ишидаги нуқсонларини бартараф этиш ҳақида таклифлар киритиш;

фойдадан (даромаддан) улуш олиш, кооператив тугатилган тақдирда эса - уставда назарда тутилган тартибда қўшган меҳнат ва мулкий ҳиссасига яраша кооператив аъзолари ўртасида тақсимланиши лозим бўлган мулк улушини олиш;

пай бадалининг бутун суммасини, шунингдек ўз меҳнат ва мулкий ҳиссасига мутаносиб равишда кооператив фойдаси (даромади)дан улуш олган ҳолда ўз истагига кўра кооперативдан чиқиш;

кооператив мулкидан, уставда кооператив аъзолари учун назарда тутилган имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланиш;

кооперативнинг мансабдор шахсларидан кооперативнинг фаолиятига доир ҳар қандай масала юзасидан ахборот олиш;

кооператив мулкидаги ўзига қарашли улушни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативларининг аъзолари:

ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва касбий тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда кооперативдан иш олиш;

ишланмайдиган кунлар бериш орқали таъминланадиган дам олиш, шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг тегишли тоифалари қонунда белгиланганидан кам бўлмаган муддатга ҳар йили ҳақ тўланадиган отпусқа олиш;

ҳавфсиз меҳнат шароити билан таъминланиш;

ўзини ижтимоий ва мажбурий тиббий суғурта қилдириш ҳамда ижтимоий таъминланиш;

маданий-маиший хизматдан фойдаланиш ва кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда бошқа эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

2. Барча турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив уставига риоя этишлари ҳамда кооперативнинг умумий йиғилиши, сайлаб қўйиладиган бошқарув ва назорат идоралари қабул қилган қарорларни бажаришлари;

кооператив фаолиятида меҳнат қилиб ёки мулк қўшиб иштирок этиш билан боғлиқ кооператив олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари;

кооперативга хўжалик фаолияти юритиш учун белгилаб қўйилган табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишлари, уларни асраб-авайлашлари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришлари шарт.

3. Кооператив аъзолари кооператив уставига назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалар, шунингдек, уларнинг зиммасида уставда кўзда тутилган масъулиятлар бўлади.

#### **8-модда. Кооператив аъзоларининг масъулияти**

1. Ишлаб чиқариш ва аралаш шаклдаги кооперативларнинг аъзолари тугатилган кооперативнинг қарзлари бўйича унинг мулки билан жавобгар бўладилар, у етмаган тақдирда эса қарз суммаси кооператив ҳар бир аъзосининг йиллик даромад суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

2. Матлубот кооперативининг фаолиятида фақат пай бадаллари қўшиб иштирок этаётган кооператив аъзоси, шунингдек, ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооператив аъзоси бўлмиш фуқаро ўзи қўшган пай бадали доирасида кооперативнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

3. Матлубот, ишлаб чиқариш кооперативининг жамоа аъзоси хўжалик мустақиллигини сақлаб қолади ва ўз фаолиятида ўзининг уставига (низомига) амал қилади. У мустақил мулкий жавобгар бўлади. Матлубот ва ишлаб чиқариш кооперативи (жамияти) ўз таркибидаги жамоа аъзоларининг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди, жамоа аъзолари эса кооперативнинг (жамиятнинг) мажбуриятлари бўйича унинг уставига кўзда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўладилар.

4. Кооперация тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахслар, кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари (шу жумладан, матлубот жамиятлари ит-

тифоқи) аъзолари қонунда белгиланган тартибда мулкӣ, маъмурий, жиноий ва ўзгача тарзда жавобгар бўладилар.

### **9-модда.** Кооперативни бошқариш

1. Кооперативнинг олий бошқарув идораси умумий йиғилиш, конференция, съезд бўлиб, улар кооператив раисини (бошқарувини), тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларга кооперативни бошқариш бўйича ўз ваколатларини топширади.

Кооперативнинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг ҳар бир жамоа аъзоси қўшган мулкӣ ҳиссасининг миқдоридан қатъи назар, бир овозга эга бўлади.

Кооперативда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлайётган фуқаролар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

#### **2. Умумий йиғилиш:**

кооперативнинг уставини қабул қилади, унга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади;

кооперативнинг раисини, бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлайди (ёллайди), уларнинг фаолиятларига доир ҳисоботларни тинглайди;

кооператив аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш масалаларини, шунингдек, кооперативдан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

кооперативнинг ички тартиб қоидаларини, кооператив мулкига етказилган зарар учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги, меҳнат ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоидаларни ҳамда кооперативнинг бошқа ички ҳужжатларини қабул қилади ва уларни ўзгартиради;

кооперативга кириш, пай бадалларининг ва бошқа бадалларнинг миқдорини белгилайди;

кооператив фаолиятининг режаларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди;

фойдани (даромадни) тақсимлаш тартибини, кооператив фондлари ва резервларининг турлари, миқдори ҳамда улардан фойдаланиш йўллариини белгилайди;

кооперативни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхта-тиш, унинг хўжалик уюшмаларига кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал қилади.

Мазкур масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш кооператив умумий йиғилишининг мутлақ ихтиёрида бўлади. Кооператив уставига ёки умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ коо-

ператив фаолиятининг бошқа ташкилий, хўжалик ва ижтимоий масалалари ҳам кооперативнинг мутлақ ихтиёрига берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда кооперативларда умумий йиғилиш ихтиёридаги масалаларни ҳал этиш учун вакиллар йиғилишлари чақирилиши мумкин.

Кооператив бошқаруви (раиси)нинг статуси кооператив устави билан белгиланади.

3. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) кооперативнинг (бошқарувнинг) молиявий ва хўжалик фаолиятини текширади ва у умумий йиғилиш олдида ҳисобдордир.

Кооператив (бошқарув)нинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

**10-модда.** Кооперативнинг фаолиятини тўхтатиш ва уни қайта ташкил этиш

1. Кооперативни тугатиш ёки қайтадан ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажратиш, алоҳида қилиб чиқариш, ўзгартириш) унинг мол-мулкининг эгаси ёки у ваколат берган орган, кооператив қайси корхона, муассаса, ташкилот (хўжалик уюшмаси) ҳузурида ташкил этилган бўлса ўша корхонанинг қарорига мувофиқ ёхуд суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

2. Кооперативнинг фаолияти қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатилиши мумкин:

агар кооператив рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига киришмаган бўлса ёки амалда тўхтатиб қўйилган фаолиятини даромадлар тўғрисидаги охириги декларацияни топширганидан кейин бир йил ўтгач қайтадан бошламаса;

кооператив узоқ вақт мобайнида (олти ойдан кўпроқ) тўловга қобилиятсиз бўлса;

кооператив устави ва амалдаги қонунлар меъёрлари бузилганда;

кооператив ташкил этилган муддат тугаганда;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3. Кооператив давлат томонидан рўйхатга олиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб (ушбу кооперативга хизмат кўрсатувчи банкнинг ёзма хабарномаси бўлганда) қайта ташкил этилган ёки тугатилган деб ҳисобланади.

4. Кооператив тугатилганда унинг жисмоний шахс саломатлиги ёки ҳаёти учун жавобгарлиги муносабати билан ушбу кооперативдан тўланадиган тўловлар олдиндан олинади.

5. Кооператив тугатилган тақдирда қарз берувчилар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилганидан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида унинг уставида кўзда тутилган тартибда тақсимланади.

Матлубот жамиятлари иттифоқлари уларнинг олий органлари (съезд, конференция, вакиллар йиғилиши) қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин. Уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобкитоблари тугалланиб, банклар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажарилганидан кейин қолган мол-мулки таркибига мазкур матлубот жамияти ҳам кирган кооперативлар иттифоқи (уюшмаси)га топширилади.

### **11-модда.** Матлубот кооперациясининг асосий вазифалари

#### **1. Матлубот кооперациясининг асосий вазифалари:**

қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарларда чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантириш, ўз аъзолари - пайчилар ҳамда хизмат кўрсатилаётган аҳолига ўзи ишлаб чиқарган ва корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларини сотиш;

аҳоли ва корхоналардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашё, ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ва хунармандчилик буюмлари, кейинчалик қайта ишлаш ва сотиш учун ёввойи ўсимликлар, мевалар ҳамда дори-дармон-техникавий ашёни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ харид қилиш;

сотиб олинаётган қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва бошқа маҳаллий хом ашёдан, шунингдек, улгуржи савдо тартибида харид қилинадиган ресурслар, хом ашё ва материаллардан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

аҳолига ишлаб чиқаришга ва маиший турмушга доир турли хизматлар кўрсатишдан иборатдир.

2. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли моллари харид қилишни ва сотишни ташкил этиш орқали фуқароларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи ёрдамчи хўжалиklarини, шунингдек, хунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантирадilar.



## **12-модда.** Матлубот кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари

1. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) яққаҳоқимликка қарши қонунларнинг талабларига мувофиқ ихтиёрий равишда хўжалик уюшмаларига бирлашишлари мумкин.

2. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) хўжалик уюшмалари бошқарувининг олий идоралари - съезд ва конференциядир.

Матлубот кооперативи (жамияти) бошқарувининг олий идораси - кооператив (жамият) аъзоларининг умумий йиғилишидир.

Съезд ва конференциялар кенгаши (бошқарув)ни сайлайдилар. Кенгаш (бошқарув) съезд ва конференциялар оралигидаги даврда уларнинг вазифаларини бажарди ҳамда уларга ҳисоб беради.

Съезд ва конференция ўзига ҳисоб берувчи назорат идораси - тафтиш комиссиясини сайлайди.

3. Хўжалик уюшмалари бошқаруви идораларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этиш уларнинг аъзолари учун мажбурийдир.

4. Матлубот кооперативлари (жамиятлари), улар уюшмалари билан давлат, бошқа уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги хўжалик муносабатлари шартнома асосида ташкил этилади, башарти, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

5. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) нархлар ҳамда тарифларни мустақил ёки шартнома асосида белгилайдилар. Кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари бозорда яққаҳоқимлик қилган ҳолларда давлат фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нарх-навони тартибга солади.

6. Матлубот кооперативларининг товарларни тоғлик, олис ва уларга тенглаштирилган ҳудудларга етказиб бериш билан боғлиқ қўшимча харажатларини қоплаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Матлубот кооперацияси Халқаро кооператив альянси ва бошқа халқаро ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

**13-модда.** Қишлоқ хўжалиги кооперативлари  
(ширкатлари)

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ишлаб чиқариш кооперативининг бир шакли сифатида ушбу Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ва ўз уставида назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

**14-модда.** Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг  
(ширкатларининг) ер тўғрисидаги қонун  
ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*(13 ва 14-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

**15-модда.** Кооперативларнинг ўз аъзоларининг уй-жой-  
маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини  
қондириш соҳасидаги фаолияти

Фуқаролар ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрийлик асосида уй-жой қуриш, уй-жой кооперативлари, гараж қуриш кооперативлари ва бошқа кооперативлар тузишлари мумкин.

Бундай кооперативлар фаолиятининг асосий йўналиши кооператив мулки объектларини (уй-жойлар, гаражлар ва шу кабилар), уставда назарда тутилган ҳолларда эса - кооператив аъзоларининг мулки бўлган объектларни ҳам қуриш ва кейинчалик улардан фойдаланишда пул маблағлари ёки шахсий меҳнат билан иштирок этишдан, шунингдек, кооператив аъзоларига кооперативни тузишдан кўзланган мақсадларга мос хизматларни кўрсатишдан иборатдир.

**16-модда.** Боғдорчилик ширкатлари. Якка тартибда  
қурилиш билан шуғулланувчилар ширкатлари  
ва ўзга матлубот ширкатлари

Ушбу Қонун боғдорчилик ширкатлари, якка тартибда қурилиш билан шуғулланувчилар ширкатлари ва ўзга матлубот ширкатларига нисбатан амал қилади.

## **ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

1992 йил 9 декабрь, № 723-ХП

*(Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-ХП, 1995 йил 31 августдаги 118-І, 1996 йил 30 августдаги 281-І-сон, 1998 йил 29 августдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).*

Ушбу Қонун хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

### **І бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1-модда. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари**

1. Хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг ўртасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкни бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувга мувофиқ тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳисобланади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатларига қуйидагилар киради: акцияли жамиятлар;

масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар; тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хўжалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир.

2. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари юридик шахс ҳисобланиб, "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикасида жамиятлар ва ширкатлар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

3. Акциядорлик жамиятларини тузиш, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

*(1-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-І-сон қонунига биноан киритилган).*

## **2-модда. Жамият ва ширкат қатнашчиларининг таркиби ва ваколатлари**

1. Жамият ва ширкат камида икки қатнашчидан иборат бўлади. Бошланғич устав фонди шакллантирадиган қатнашчилар жамиятнинг ва ширкатнинг муассислари ҳисобланадилар.

Жамият қатнашчиси бўлган корхоналар (ташкilotлар) юридик шахс мақомини сақлаб қолади.

Давлат ҳокимияти идораларининг жамиятлар ва ширкатлар фаолиятида иштирок этиши ман қилинади.

Давлат бошқаруви идоралари қонунларда бериб қўйилган ваколатлар доирасида давлат мулкани идора этиш бўйича жамият ва ширкат қатнашчиси бўлиши мумкин.

Жамиятларда ва ширкатларда ажнабий юридик ва жисмоний шахслар қатнашишининг ўзига хос жиҳатлари амалдаги қонунларга биноан белгиланади.

### **2. Жамият ва ширкат қатнашчилари:**

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат ишларини бошқаришда иштирок этиш;

жамият ва ширкат фаолиятидан тушадиган ўзларига тегишли фойдани (дивиденд) пул билан ифодаланган ҳолда ҳам, натурал ҳолда ҳам олиш. Давлат бошқарув идораси бўлмиш жамият ва ширкат қатнашчисига тегишли фойданинг (дивиденднинг) бир қисми у томонидан ўзининг ижтимоий тараққиётига ҳамда ушбу жамиятни бошқариш билан боғлиқ мақсадларга ишлатилиши мумкин;

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотдан воқиф бўлиш, шу жумладан бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботи ҳамда ўзга ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

белгиланган тартибда жамият ва ширкат таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамият ва ширкат қатнашчилари шу жамият ва ширкат ишлаб чиқараётган (кўрсатаётган) маҳсулотни (хизматни) олишда устун ҳуқуққа, қонунларда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга эгадирлар.

### **3. Жамият ва ширкат қатнашчилари:**

жамият ва ширкат таъсис ҳужжатларининг қоидаларига риоя этишлари, жамият ва ширкатнинг умумий йиғилиши ва бошқа бошқарув идоралари қарорларини бажаришлари;

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдор ва усулларда улуш қўшишлари (акциялар ҳақини тўлашлари);

тижорат сиридан иборат бўлмиш жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилмасликлари;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни адо этишлари шарт.

### **3-модда.** Жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

1. Таъсис шартномаси ва устав хўжалик жамиятларининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида иш кўради. Тўлиқ ва коммандит ширкатлар таъсис шартномаси асосида тузилади ва иш юритади.

*(3-модда 1-бандининг иккинчи жумласи Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-1-сон қонуни тахририда).*

#### 2. Таъсис шартномасида:

таъсис этилаётган жамият ва ширкат тури, уларнинг фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

қатнашчилар (муассислар) таркиби;

таъсис этилаётган жамият ва ширкатнинг фирма номи ва манзилгоҳи;

устав фондининг миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

қонунларга зид келмайдиган бошқа шартлар тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

#### 3. Жамият уставида:

фирма номи ва унинг манзилгоҳи;

фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

устав фондининг миқдори;

ҳар бир қатнашчига тегишли улуш миқдори;

улар қўшадиган ҳиссанинг миқдори, таркиби, қўшиш муддатлари ва тартиби;

устав фондини ошириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акцияларнинг тури, номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг ўзаро нисбати;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

захира фондларни ва ўзга фондларни ҳосил қилиш тартиби;

улушларнинг эгаларини ўзгартириш тартиби;

жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

жамиятни бошқариш тузилмаси, ижрочи ва назорат идоралари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

қатнашчилар йиғилишининг ваколатлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

жамият фаолиятининг хусусиятига кўра зарур бўлган ўзга маълумотлар акс эттирилиши керак.

4. Жамият ва ширкат Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

5. (3-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан чиқариб ташланди).

6. Давлат корхоналарини ўзгартириш натижасида барпо этилаётган акциядорлик жамиятларини, уларнинг эмиссия проспектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек акцияларни чиқариш ва жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

(3-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонунига биноан киритилган).

#### **4-модда. Жамият ва ширкатнинг мулки**

1. Ширкат ва жамият:

муассислар ва қатнашчилар томонидан унинг эгалигига берилган мол-мулкнинг;

ҳўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг;

олинган даромадларнинг;

қонунларда тақиқланмаган асосларга кўра сотиб олинган ўзга мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

Давлатнинг мол-мулки асосида тузилган ҳўжалик жамияти, ширкати тегишли ордерни ваколатли органдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олган дақиқадан эътиборан мулкдор ҳуқуқига эга бўлади.

2. Жамият ва ширкат амалдаги қонунларга мувофиқ тарзда қимматли қоғозлар чиқариш ва улардан даромад олишга ҳақлидир.

3. Жамият ва ширкат қатнашчисининг қўшадиган ҳиссаси бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ўзга моддий бойлик-

лардан, қимматли қоғозлардан, ер, сув ва ўзга табиий бойликлардан, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқидан, шунингдек ўзга мулкӣ ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлардан, пул маблағларидан иборат бўлиши мумкин. Қўшилаётган мол-мулкнинг қиймати жамият қатнашчиларининг бир-галикдаги қарори билан белгиланади.

Қайта тузилаётган давлат корхонаси (ташкilotи)нинг мол-мулкни баҳолаш қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Пул кўринишида баҳоланган, устав фондига қўшилган ҳисса қатнашчининг устав фондидаги улушини ташкил этади.

5. Қатнашчи мол-мулкни жамиятга ва ширкатга фақат фойдаланиш учун ўтказган ҳолларда қатнашчи ҳиссасининг миқдори ҳамда мом равишда унинг улуши, башарти таъсис ҳужжатларида ўзга ҳол қайд этилмаган бўлса, жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бутун фаолият муддати учун ёки қатнашчилар томонида белгиланган ўзга муддат учун ана шу мол-мулкдан фойдаланганлик эвазига ижара ҳақи эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

*(4-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан тўлдирилган).*

#### **5-модда.** Давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига ва ширкатларига айлантириш

1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ва ширкатига айлантириш ҳамда шу хусусида қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

2. Корхонанинг юридик шахс ҳисобланмайдиган тармоқ бўлинмасини хўжалик жамиятига ва ширкатига айлантириш мулкдорнинг ёки у вакил қилган идоранинг розилигига биноан, уларни олдиндан мустақил давлат корхонасига айлантирмай туриб амалга оширилади.

#### **6-модда.** Жамият ва ширкат фаолиятини тўхтатиш

Жамият ва ширкат фаолияти:

у тузилаётганида мўлжал қилинган муддат тугаганда ёки уни тузишдан кўзланган мақсадга эришилганда;

у синганда ёхуд қонунларни сурункасига ёки қўпол равишда бузган ҳолларда тегишли суднинг қарорига асосан;

жамият ва ширкатни бошқариш олий идорасининг қарорига биноан;

уларни тугатилган ва қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиш ёки қайта тузиш йўли билан қайта ташкил этилган тақдирда;

таъсис ҳужжатларида ва амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра тўхтатилиши мумкин.

Жамият ва ширкатни тугатиш ҳамда қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### **7-модда.** Низоларни қараб чиқиш тартиби

Жамият ва ширкатларнинг ўзаро, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамда чет эл юридик шахслари ва фуқаролар билан низолари қонунларда белгиланган тартибда суд, хўжалик суди ва ҳолислар суди томонидан кўриб чиқилади.

## **II бўлим. (II БҮЛИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1996 ЙИЛ 30 АВГУСТДАГИ 281-1-СОН ҚОНУНИГА БИНОАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАНДИ).**

### **III бўлим. МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ КЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ**

#### **16-модда.** Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият

1. Миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб бериладиган улушларга бўлинган устав фонди бор ҳамда мажбуриятлар юзасидан ўз мол-мулки доирасидагина жавобгар бўлган жамият масъулияти чекланган жамият деб эътироф этилади.

Жамият қатнашчилари қўшган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладилар.

2. Миқдори таъсир ҳужжатларда белгилаб берилган улушларга бўлинган устав фонди бор жамият қўшимча масъулиятли жамият деб эътироф этилади. Бундай жамиятнинг мол-мулки камлик қилган тақдирда жамият қатнашчилари унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан ҳам, барча қатнашчилар учун тенг миқдорда, қўшган ҳиссаларига монанд суммада жавоб берадилар.

#### **17-модда.** Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг устав фонди

1. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда устав фонди тузилади, унинг миқдори энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

(17-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 августдаги 2022-ХII-сон қонуни тахририда).



2. Жамият давлат рўйхатидан ўтадиган пайтгача қатнашчиларнинг ҳар бири таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ҳиссанинг камида ўттиз фоизини киритиши шарт, бу банк муассасалари берган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Қатнашчи ўз ҳиссасини жамият рўйхатдан ўтганидан кейин бир йил ичида тўлиқ қўшиши шарт. Ушбу мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда қатнашчи, башарти таъсис ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, муддати ўтказиб юборилган вақт учун тўланмаган суммадан олинadigan йиллик даромаднинг йигирма беш фоизини тўлайди.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўлиқ тўлаган қатнашчисига гувоҳнома берилади, бу гувоҳнома қимматли қоғозлар жумласига кирмайди.

3. Ҳисса сифатида киритилган мол-мулк қийматининг ўзгариши ва таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият юқори идорасининг қарорига биноан қатнашчилар томонидан киритилган қўшимча бадаллар жамиятнинг устав фондидаги улушлари миқдорига таъсир этмайди.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчилари қолган қатнашчиларнинг розилиги билан ўз улушини (улушнинг бир қисмини) шу жамиятнинг бир ёки бир неча қатнашчисига ёхуд учинчи шахсларга бериши мумкин. Жамият қатнашчилари ана шу улушни (унинг бир қисмини) жамият устав фондидаги ўз улушларига муганосиб тарзда сотиб олишда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улушни (унинг бир қисмини) жамият қатнашчиларининг манфаатлари қаноатлантирилганидан кейингина учинчи шахсларга бериш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда учинчи шахс унинг ҳуқуқий ворисига айланади.

5. Қатнашчининг улушини у ҳиссасини тўлиқ киритиб бўлганидан кейингина жамиятнинг ўзи сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият улушни бошқа қатнашчиларга ёки учинчи шахсга узоғи билан бир йил муддатга бериши шарт. Ана шу давр мобайнида фойдани тақсимлаш, шунингдек юқори идорада овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият томонидан сотиб олинган улуш назарда тутилмаган ҳолда амалга оширилади.

6. Қатнашчи масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таркибидан чиққан тақдирда унга устав фондидаги улушига муносиб тарзда жамият мол-мулки бир қисмининг қиймати тўланади. Жамиятдан чиққан қатнашчига у жамиятдан чиққунига қадар жамият ўша йили орттирган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи жамиятга фақат фойдала-

ниш учунгина берган мол-мулк натура ҳолида, эскириб ишдан чиқишини инobatга олган ҳолда, мукофотсиз қайтарилади.

7. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчиси бўлмиш юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда ёки жамият қатнашчиси бўлмиш фуқаро вафот этган ҳолларда жамиятнинг розилиги билан ҳуқуқий ворислар (меросхўрлар) жамиятга киришлари мумкин. Ҳуқуқий ворис (меросхўр) жамиятга киришдан бош тортган ёки жамият ҳуқуқий ворисни (меросхўрни) ўз таркибига қабул қилишни рад этган ҳолларда унга мол-мулкдаги улуши пул ёки натура шаклида берилади, бу улушнинг юридик шахс қайта ташкил этилган ёки қатнашчи вафот этган кундаги қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бундай ҳолларда жамиятнинг устав фонди миқдори камайтирилиши керак.

8. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўз устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарори, ана шу ҳақда белгиланган тартибда эълон қилинганидан сўнг камида 3 ойдан кейин кучга киради.

9. Жамият қатнашчисининг шахсий мажбуриятлари юзасидан жаримани унинг улушига қаратишга йўл қўйилмайди. Ўз қарзларини қоплаш учун қатнашчининг мол-мулки етмаган ҳолларда қарз берувчилар қарздор-қатнашчининг улушини ажратиб берилишини талаб қилишга ҳақлидир.

**18-модда.** Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув идоралари

1. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг юқори бошқарув идораси қатнашчилар умумий йиғилишидир.

Жамият қатнашчиси қатнашчилар йиғилишидаги ўз ваколатини бошқа қатнашчига ёки бошқа қатнашчининг вакилига беришга ҳақлидир.

Қатнашчилар устав фондидаги ўз улушларининг миқдорига мутаносиб овозлар сонига эга бўладилар.

2. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига:

жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

жамият уставини ўзгартириш ва тўлдириш;

ижро органи ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг ишлаш тартибини тасдиқлаш;

жамият, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, шунингдек тафтиш комиссиялари ҳисоботлари ва хулосаларини, даромад (фойда)ни тақсимлаш ва заррларни қоплаш тартибини тасдиқлаш;

филиаллар ва ваколатхоналарни ташкил этиш, қайта тузиш ва тугатиш, улар тўғрисидаги низом (устав)ларни тасдиқлаш; жамиятни бошқариш органлари мансабдор шахсларини мулкый жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

русум-қоидалар ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жамиятнинг ташкилий тартибини белгилаш;

устав фондини ўзгартириш;

жамиятни бошқариш органлари, унинг филиаллари ва ваколатхоналари мансабдор шахслари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

жамият фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш;

иштирокчилар томонидан киритиладиган қўшимча бадаллар миқдори, киритиш шакли ва тартибини белгилаш;

иштирокчининг улуши жамият томонидан сотиб олиниши масаласини ҳал этиш;

жамиятдан иштирокчини чиқариб юбориш масалалари киради.

Жамият устави томонидан умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, жамият уставини, устав фондини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар жамият қатнашчиларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан, қолган масалалар юзасидан эса оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Иштирокчини жамиятдан чиқариш масаласини кўриб чиқаётганда ушбу иштирокчи ёки унинг вакили овоз беришда қатнашмайди.

*(18-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-1-сон қонуни таҳририда).*

3. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг исталган қатнашчиси қатнашчилар йиғилишида масалани қараб чиқишни бу масалани йиғилиш бошланишидан

камида йигирма беш кун аввал кўтарган бўлсагина, талаб қилишга ҳақлидир.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг йиғилиши ҳар йили камида икки марта чақирилади.

Кўшиб ҳисобланганда ововзларнинг йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлган жамият қатнашчилари исталган пайтда ва ҳар қандай сабабга кўра навбатдан ташқари йиғилиш чақирилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Агар жамият раиси ушбу талабни йигирма кун мобайнида бажармаса, уларнинг ўзлари қатнашчиларнинг йиғилишини чақиришга ҳақлидирлар.

5. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда ҳайъат йўсинидаги (маъмурият) ёки яккабошчилик тарзидаги (директор) ижроия идораси тузилади, у жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Жамият ижроия идораси қатнашчиларнинг йиғилишига ҳисобот бериб туради ва унинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

6. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият маъмурияти (директори)нинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш комиссияси назорат қилиб боради, тафтиш комиссиясини жамият қатнашчиларининг йиғилиши қатнашчилар орасидан таъсис ҳужжатларида назарда тутилган таркибда тузади. Маъмурият аъзолари (директор) тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

7. Тафтиш комиссияси жамиятнинг мансабдор шахсларидан ўзи учун зарур материалларни, бухгалтерлик ёки ўзга хил ҳужжатларни ҳамда шахсий изоҳномаларни талаб қилиб олишга ҳақлидир. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият ижроия идорасининг мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

8. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширув натижаларини жамият ижроия идорасига ва жамият йиғилишига йўллайди. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисоботлар ва баланслар юзасидан ўз хулосасини беради. Жамият қатнашчиларининг йиғилиши жамият балансини ана шундай хулосасиз тасдиқлаши мумкин эмас.

9. Тафтиш комиссияси, башарти жамиятнинг муҳим манфатлари учун хавф юзага келган ёки жамиятнинг мансабдор шахслари суиистеъмолликлар қилганлиги аниқланган тақдирда, қатнашчиларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қилиши шарт.

## IV бўлим. ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ

### 19-модда. Тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари

1. Хўжалик ширкати - бу шахсларнинг бирлашмаси бўлиб, унда қатнашчилар мулкӣ бадаллар билангина эмас, балки шахсий фаолиятлари билан ҳам иштирок этадилар.

Хўжалик ширкатлари тўлиқ ва коммандит ширкатларга бўлинади.

2. Барча қатнашчилари биргаликда тадбиркорлик фаолияти олиб борадиган ҳамда ширкат мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли бор мол-мулк билан бирдамликда жавобгар бўладиган хўжалик ширкатлари тўлиқ хўжалик ширкатлари деб эътироф этилади.

3. Ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар бўладиган бир ёки ундан ортиқ қатнашчилари билан бир қаторда жавобгарлиги қўшган ҳиссалар суммаси доирасидагина чекланадиган бир ёки бир неча қатнашчи (коммандитчилар) ҳам бўлган хўжалик ширкати коммандит (аралаш) ширкат деб эътироф этилади.

Агар коммандит ширкатда тўлиқ масъулият билан икки ёки ундан ортиқ қатнашчи иштирок этаётган бўлса, бу қатнашчилар ширкатнинг қарзлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

### 20-модда. Таъсис шартномасининг мазмуни

1. Тўлиқ ширкат тўғрисидаги таъсис шартномаси ушбу Қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган шартлардан ташқари қатнашчилардан ҳар бирининг улуши миқдорини, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартибини, уларнинг ширкат ишларида иштирок этиши шаклини белгилаб қўйиши лозим.

2. Коммандит ширкат таъсис шартномасида тўлиқ ширкатлар учун кўзда тутилган шартлар билан бирга коммандитчиларнинг ширкат мол-мулкидаги улушларининг умумий миқдори, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартиби кўрсатилади.

### 21-модда. Ширкат коммандитчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари

1. Коммандитчи коммандит ширкатга аъзо бўлиб киришда ҳам пулли, ҳам моддий ҳисса қўшишга ҳақлидир.

Коммандитчи:

топшириқ мавжуд бўлганида ва топшириққа мувофиқ коммандит ширкат номидан иш кўриш;

ширкат тугатилган тақдирда тўлиқ масъулиятли қатнашчиларга нисбатан ҳисса биринчи навбатда қайтариб берилишини талаб қилиш;

унга ширкат фаолияти тўғрисидаги баланслар ва йиллик ҳисоботлар тақдим этилишини, шунингдек уларнинг тўғри тuzилганлигини текшириш имконияти берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. Коммандитчи ҳиссалар ва кўшимча бадалларни таъсис шартномасида назарда тутилган миқдорда, усуллар ва тартибда кўшади.

Коммандитчилар улушининг умумий миқдори ширкатнинг таъсис шартномасида кўрсатилган мол-мулки қийматининг эллик фоизидан ошмаслиги лозим.

Коммандит ширкатни давлат рўйхатига олиш пайтига қадар ҳиссадорлардан ҳар бири ўз бадали суммасининг камида йигирма беш фоизини кўшади.

## **22-модда. Тўлиқ ва коммандит ширкатларнинг фаолияти**

1. Тўлиқ ширкатнинг фаолияти унинг барча қатнашчиларининг умумий келишуви асосида амалга оширилади.

Ширкат фаолияти барча қатнашчилар томонидан, ширкат номидан иш кўрадиган бир ёки бир неча қатнашчи томонидан амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда қатнашчиларнинг ваколатлари кўлами ширкатнинг қолган қатнашчилари имзолаган топшириқ билан белгилаб қўйилади.

2. Агар таъсис шартномасида ширкат ишларини юритиш учун ваколатлар бериладиган бир неча қатнашчи белгиланаётган бўлса, бунда улардан ҳар бири ширкат номидан мустақил иш кўра олиши назарда тутилади. Таъсис шартномасида бундай қатнашчилар тегишли хатти-ҳаракатларни фақат биргалашиб амалга оширишга ҳақли эканликлари қайд этиб қўйилиши мумкин.

Ширкат ишларини юритиш топширилган қатнашчилар жамият номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб бажараётган ишлари тўғрисида қолган қатнашчиларга уларнинг талабига биноан тўлиқ ахборот беришлари шарт.

3. Қатнашчининг ширкат ишларини юритишга доир ваколатлари қатнашчининг топшириқдан воз кечиши ёки топшириқнинг қолган қатнашчилардан лоақал биттасининг талабига биноан бекор қилиниши муносабати билан тўлиқ ёки ширкат фаолияти тўхтатилиши туфайли қисман тўхтатилади.

4. Ваколлати бўлмаётган туриб, унинг хатти-ҳаракатлари барча бошқа қатнашчилар томонидан маъқулланмайдиган ҳолларда умумий манфаатларни кўзлаб иш кўрган қатнашчи, агар унинг ҳаракатлари натижасида ширкатнинг мол-мулки сақланиб қолгани ёки мувофиқ равишда ширкат қилган сарф-харажатлар қийматидан ортиқ мол-мулқа эга бўлгани исботланган тақдирдагина чиқимларни қоплаш тўғрисида ширкат олдиға талаб қўйишға ҳақлидир.

5. Агар коммандит ширкатнинг коммандитчиси тегишли ваколлатсиз ширкат номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб битим тузса, унинг ҳаракатлари коммандит ширкат томонидан маъқулланган тақдирда, у тўлиқ масъулиятли қатнашчилар билан биргаликда кредиторлар олдида битим юзасидан ўзининг қонунға биноан ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Ҳаракатлари маъқулланмаган тақдирда коммандитчи учинчи шахс олдида ўзининг ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан мустақил равишда жавоб беради.

6. Ушбу моддада белгиланган қоидаларни бузганлари тақдирда, ширкат қатнашчилари бундай хатти-ҳаракатлари туфайли ширкатға етказилган зарарни қоплашлари шарт.

7. Устав фондидаги ва қатнашчилар улушларидаги ўзгартишлар ушбу Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ амалға оширилади.

### **23-модда. Қатнашчининг тўлиқ ва коммандит ширкатдан чиқиши**

Номаълум муддатға тузилган ширкатнинг қатнашчиси камида уч ой олдин огоҳлантириб, ширкатдан исталган пайтда чиқиб кетиши мумкин.

Муайян муддатға тузилган ширкатдан чиқиб кетишға фақат узрли сабаблар бўлган ва бу ҳақда чиқиб кетишдан камида олти ой олдин огоҳлантириш берилган тақдирда йўл қўйилади.

Агар қатнашчи хўжалик ширкатида чиқиб кетаётганида бу ширкат сақланиб қолса, унда қатнашчига чиқиб кетиш кунидаги ҳолат бўйича тузилган баланс асосида аниқланадиган унинг бадали қиймати тўланади. Қатнашчининг талаби ва ширкатнинг розилиги билан ҳисса тўлиқ ёки қисман натурал шаклда қайтарилиши мумкин.

Чиқиб кетган қатнашчига ширкат шу йили олган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи томонидан фақат

фойдаланиш учун бериб қўйилган мол-мулк эскириб ишдан чиқиши ҳисобга олинган ҳолда, ҳақ тўламасдан натурал шаклда қайтариб берилади.

**24-модда.** Тўлиқ ва коммандит ширкатнинг қарзлари учун ундиришни қатнашчилар улушига қаратиш ҳамда уларнинг жавобгарлиги

Хўжалик ширкатида қатнашчининг шахсий қарзлари юзасидан ундиришни қатнашчининг улушига қаратишга йўл қўйилмайди. Шахсий қарзларини қоплаш учун қатнашчининг мол-мулки озлик қилган тақдирда кредиторлар ширкатни белгиланган тартибда тугатишни ва қарздор қатнашчининг улушини ажратишни талаб қилиши мумкин. Бу ҳолда қолган қатнашчилар ширкатни сақлаб қолиш мақсадида бундай қатнашчининг хўжалик ширкатидан чиқиб кетиш кунидаги ҳолат бўйича тuzилган балансга мувофиқ қарздор қатнашчининг улушини пул билан ёки натурал шаклда ажратишга ҳақлидирлар.

Агар хўжалик ширкатини тугатишда мавжуд мол-мулк барча қарзларни тўлашга озлик қилиб қолса, ширкатнинг барча қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундиришни қаратиш мумкин бўлган ўз мол-мулклари билан қарзларнинг етишмаган қисми юзасидан умумий жавобгар бўладилар.

Хўжалик ширкати қатнашчиси ширкатнинг қарзлари юзасидан, қарзлар у ширкатга аъзо бўлиб кирганидан кейин ёки киришидан олдин пайдо бўлганидан қатъи назар, жавобгар бўлади.

Ширкатнинг қарзларини тўлиқ тўлайдиган қатнашчи унинг олдида ширкат мол-мулкидаги ўз улушига мутаносиб равишда жавобгар бўлган қолган қатнашчиларга нисбатан тегишли улуш юзасидан регрессив талаб билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

**25-модда.** Коммандит ширкатни бошқариш хусусиятлари

Коммандит ширкат ишларини бошқариш фақат тўлиқ масъулиятли қатнашчилар томонидан амалга оширилади.

Фақат бир тўлиқ масъулиятли қатнашчи бўлган коммандит ширкатда, ишларни бошқаришни шу қатнашчи мустақил равишда амалга оширади.

Коммандитчилар коммандит ширкатнинг ишларини бошқариш юзасидан тўлиқ масъулиятли қатнашчилар фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.



**26-модда.** Тўлиқ ширкат фаолиятини тўхтатиш хусусиятлари

1. Тўлиқ ширкатни қайта ташкил этиш унинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилган қарорга биноан, тугатиш эса ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари - ширкат мол-мулкининг учдан бир улушига эга бўлган қатнашчилардан бирининг талабига биноан амалга оширилади.

2. Қатнашчи чиқиб кетганида ва тўлиқ ширкат тугатилганида ширкатнинг қарзлари юзасидан қатнашчига (қатнашчиларга) нисбатан қўйилган талаблар қатнашчи чиқиб кетган пайтдан бошлаб ёхуд ширкат тугатилган пайтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин узилган деб ҳисобланади.

**27-модда.** Коммандит ширкатни тугатиш хусусиятлари

1. Ушбу Қонуннинг 6 ва 26-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, коммандит ширкат, шунингдек тўлиқ масъулиятли барча қатнашчилари чиқиб кетган тақдирда тугатилади.

Барча коммандитчилар чиқиб кетган тақдирда, тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ширкатни тугатиш ўрнига уни тўлиқ ширкатга айлантиришга ҳақлидирлар.

2. Коммандит ширкат ихтиёрида мавжуд бўлган пул маблағлари, тугатиш чоғида унинг мол-мулкини сотишдан олинган тушумни ҳам қўшган ҳолда, ширкатнинг ёлланган ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилинганидан ва банклар, бюджет, бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан кейин биринчи навбатда коммандитчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларини қайтариш учун тақсимланади, кейин эса тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ўртасида ушбу Қонунда ҳамда таъсис шартномасида назарда тутилган тартиб ва шартларда тақсимланади. Ҳиссадорларга уларнинг ҳиссаларини тўлиқ қайтариш учун ширкатнинг маблағлари озлик қилган тақдирда мавжуд маблағлар қатнашчилар ўртасида уларнинг ширкат мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

# КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1995 йил 21 декабрь № 159-I

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунига би-  
ноан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан).*

**1-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни  
ривожлантиришни рағбатлантириш  
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағ-  
батлантириш ушбу Қонунга ва бошқа норматив ҳужжатларга  
мувофиқ амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида кичик ва хусусий тадбир-  
корликни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек Қо-  
рақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ  
амалга оширилади.

**2-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

Қуйидагилар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади:  
мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш тармоқларида  
банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ўн кишигача,  
савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бош-  
қа тармоқларида - беш кишигача бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, саноат соҳасида банд бўлган  
ходимларининг ўртача йиллик сони қирқ кишигача, қурилиш,  
қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида -  
йигирма кишигача, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо  
ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида - ўн ки-  
шигача бўлган кичик корхоналар.

Ишловчиларнинг белгилаб қўйилган сонини ҳисобот дав-  
рида оширишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-  
да ва шартларда йўл қўйилади.

Ўзининг ёки бошқа шахсларнинг жалб этилган мол-мулки  
асосида, ўз меҳнати ёки ёлланган меҳнатни қўлланиш воси-  
тасида, таваккал қилиб ва мулкий жавобгарликни зиммасига  
олиб, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, фойда  
(даромад) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни амалга  
ошираётган юридик шахслар хусусий тадбиркорлик субъект-  
лари ҳисобланадилар.

Юридик шахсни тузмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланадилар.

(2-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).

**3-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хўжалик уюшмалари

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ вазифаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида хўжалик уюшмалари тузилиши мумкин бўлиб, улар ўзларининг уставдаги вазифаларини рўёбга чиқариш учун ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

**4-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни рўйхатга олишни рад этишга ёки рўйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмас.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишни асосиз рад этиш устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Суд рўйхатга олиш органининг хатти-ҳаракатини (қарорини) қонунга хилоф деб топган тақдирда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ харажатларини мазкур орган қоплайди.

Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**5-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат статистика ва муҳосиба ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган, ҳисоботдорликнинг соддалаштирилган таомили ҳамда шаклларини назарда тутадиган тартибда тақдим этадилар.

**6-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлари тегишинча Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатига олиниши зарур, бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ўз ташаббуси билан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

**7-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашувга йўл қўйилмаслиги

Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд улардаги мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) туйғайли кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектига етказилган зарар, бой берилган фойдани қўшган ҳолда, шу органлар томонидан қопланиши лозим. Зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар судда ҳал этилади.

Давлат томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун

ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибда олиб қўйиш бундан мустасно.

**8-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари

Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт-шароит яратиш асосида иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайдилар;

кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар;

кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайдилар.

**9-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари бозор инфраструктурасини вужудга келтиришни, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантиришни ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини ўз ичига олади.

Дастурларни молиявий таъминлаш кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари, халқаро дастурлар бўйича, хусусий ва бошқа манбалардан жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

**10-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари

Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари:

кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асо-  
сида инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;

устав сармоясида иштирок этиш;

маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник  
жиҳатдан кўмаклашиш;

инфраструктурани ривожлантиришга кўмаклашиш;

олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва  
кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб-қувватлашнинг бошқа  
шакллари билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-  
ни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳосил қилинади.

**11-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни  
ривожлантиришни рағбатлантиришнинг  
устуворликлари

Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъект-  
ларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортга мўлжаллан-  
ган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шундай хизматлар кўрса-  
тиш юзасидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини  
барпо этиш кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-  
ни рағбатлантиришнинг устувор йўналишларидир.

**12-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик  
субъектларини барпо этишда  
хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан  
чиқаришнинг хусусиятлари

Кичик ва хусусий корхоналарни барпо этишда давлат та-  
сарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган асосий  
фондлар қийматининг имтиёзли индексацияси қўлланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хусусийлашти-  
рилганидан кейин, махсус инвестиция фондлари ва банклари-  
ни ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-  
тириш дастурларини рўёбга чиқариш учун хусусийлаштириш-  
дан тушган маблағларни жамлаш ва улардан фойдаланиш йўли  
билан, шунингдек бошқа шаклларда қўллаб қувватланади.

**13-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига  
мол-мулкни ижарага бериш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ер участкала-  
рини ижарага олиш, шунингдек биноларни, иншоотларни, ма-  
шиналарни, ускуналарни ва бошқа мол-мулкни ижарага олиш,  
шу жумладан ихтисослаштирилган лизинг корхоналари воси-  
тачилигида кейинчалик сотиб оладиган тарзда ижарага олиш  
ҳуқуқига эга.

Кишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иморатни ижарага олиш ёки сотиб олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда сотиб олишда биринчи навбат ҳуқуқига эга.

**14-модда.** Ахборот соҳасида қўллаб-қувватлаш

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий, статистика, ишлаб чиқариш-технологияга оид ва самарали фаолият юритиш учун керакли бошқа ахборотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқарадилар ва амалга оширадилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзли шартларда амалга оширилади.

**15-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ишлаб чиқариш-технология жиҳатидан қўллаб-қувватлаш

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна ва технологиялар олишига, технопарklar, лизинг корхоналари, бизнес-инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

**16-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдаги иштироки

Давлат бошқарув органлари маҳсулотлар харид этиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш учун шартномаларни тузиш вақтида буюртмаларни танлов асосида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақсимлаб беришлари мумкин.

**17-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлари ва хизматларини реализация қилиш вақтида нарх белгилаш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини, мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб эркин баҳода реализация қиладилар.

### **18-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан қишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган ёки рақобатдош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан солиқ, олиш, шунингдек уларни солиқ тўлашдан озод қилиш солиқ тўлашни кечиктириб туриш тартиби ва солиқ олиш бўйича бошқа имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Солиқ олишга доир қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида улар давлат рўйхатидан ўтган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

### **19-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ тушумлари

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан келадиган солиқ тушумларининг маҳаллий бюджетларга йўлландиган ажратмалари нормативлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **20-модда.** Тезлаштирилган амортизация

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг тезлаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўлланишга ҳақлидир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари уч йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилиб, амортизация ажратмалари ажратиб келинган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқаришга ҳақлидир.

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан икки йил ўтгунга қадар ўз фаолиятини тугатган тақдирда қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корхонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилиши керак.



**21-модда.** Қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия таъминоти манбаини ишлатишда бериладиган имтиёзлар

Энергия таъминоти манбаидан фойдаланишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган имтиёзли тарифлар қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам тааллуқлидир.

**22-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қарз олувчининг қарзни тўлашга қодирлигини ва таваккал қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлашни махсус фондлар ихтисослаштирилган агентликларнинг суғурта полиси асосида амалга оширадилар.

**23-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорликни суғурта йўли билан ҳимоя қилиш

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталашни суғурта ташкилотлари амалга оширадилар.

Тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилиш ихтисослаштирилган суғурта агентликлари ва бошқа суғурта ташкилотлари томонидан таъминланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурта қилишни амалга ошираётган суғурта ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёزلардан фойдаланадилар.

**24-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро кредит бериши

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашчиларнинг вақтинча ишлатилмаётган пул маблағларини молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида жамлаш учун ўзаро кредит бериш жамиятини ташкил этишга ҳақлидир. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ушбу Қонунда назарда тутилган имтиёзлар ўзаро кредит бериш жамиятига ҳам татбиқ этилади.

**25-модда.** Тижорат банкларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказилганлиги учун жавобгарлиги

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказилганлиги учун, шу жумладан бой берилган фойда тарзида зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкдаги ўз ҳисобварақларидан ўз маблағларини олишни рад этишга ҳақли эмас.

**26-модда.** Ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳамкорлик

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек мазкур субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурларни ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда қатнашувига оид тадбирларни амалга оширадилар, уларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда қатнашишларига ёрдам берадилар.

**27-модда.** Кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди. Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

**28-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битимнинг қоидаси қўлланилади.

# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1996 йил 26 апрель

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-І-сон, 1998 йил 29 августдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).*

## І бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги, банк, инвестиция ва суғурта фаолияти соҳаларида, шунингдек давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида акциядорлик жамиятлари тузиш ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**2-модда.** Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий ҳолати

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамият агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисобварақлар очишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда айна пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўз номи ёзилган штампи ва бланкларига, ўз тим-солига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

### **3-модда. Жамиятнинг номи ва жойлашган манзили**

Жамият ўз фирма номига эга бўлади, бу ном фирманинг ташкилий ҳуқуқий шакли ва турини (очиқ ёки ёпиқ) акс эттириши керак.

Жамият давлат тилида ва айна пайтнинг ўзида жамият хо-ҳишига кўра бошқа тилларда ўзининг тўлиқ ва қисқартма ном-ларига эга бўлишга ҳақлидир.

Жамиятнинг манзили у давлат рўйхатидан ўтказилган жой-га кўра белгиланади.

Жамият у билан алоқа ўрнатиб туриладиган почта манзили-га эга бўлиши лозим ва ўз почта манзили ўзгарганлиги тўғри-сида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган-ларни хабардор қилиши шарт.

### **4-модда. Жамиятнинг жавобгарлиги**

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Ушбу қонунда белгилаб қўйилган тартибда тугатилган тақдирда жамият акциядорлар-нинг маблағлари сақланиши учун ўзи жойлаштирган қиммат-ли қоғозларнинг камида номинал қиймати даражасида жавоб-гар бўлади. Жамият ўз жавобгарлигини суғурта ташкилотла-рида суғурталаб қўйиши шарт.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб-гар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қиймати-нинг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Агар жамиятнинг ночорлиги (банкротга учраши) жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган ёхуд унинг қандай йўл тутишини бошқача тарзда белгилаб қўйиш имконига эга бўлган акциядорлар ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли юз берса, жамиятнинг мол-мулки етмай қолган тақдирда мазкур акциядорлар ёки бошқа шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгарлик юкланиши мумкин.

Акциядор мазкур ҳуқуқ акциядорлик жамиятининг уставида кўзда тутилган ҳолдагина бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир.

Жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган акциядор жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишни олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятларидан унинг ана шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли келиб чиққан деб ҳисобланади.

Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

*(Бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон қонунига биноан бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар билан алмаштирилди, еттинчи қисм қасқизинчи қисм деб ҳисоблансин; 4-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги Қонуни таҳририда).*

### **5-модда.** Акциядорлик жамиятларининг турлари

Акциядорлик жамияти очиқ ва ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ турдаги жамиятнинг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим.

### **6-модда.** Очиқ турдаги акциядорлик жамияти

Акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф этиши мумкин бўлган жамият очиқ турдаги акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Очиқ турдаги жамият ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир.

Очиқ турдаги жамият ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставида ва қонун ҳужжатларида ёпиқ обунани ўтказиш имконияти чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Очиқ турдаги жамият акциядорларининг сони чегараланмайди.

### **7-модда.** Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти

Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган бошқа муайян доирадаги шахслар орасида тақсимланган жамият ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпиқ турдаги жамият акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичида очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тугатилиши лозим.

Ёпиқ турдаги жамият акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нарҳда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Агар акциядорлар акцияларни сотиб олишда ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмасалар, жамият акциядорлар томонидан сотиладиган акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши унинг уставида кўзда тутилиши мумкин.

Акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби, муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кам ва 60 кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

*(7-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

### **8-модда.** Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари

Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Жамият уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Жамиятнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига доир маълумотлар ўзгариши муносабати билан унинг уставига киритилган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга маълумот тарзида тақдим этилади. Жамият уставидаги мазкур ўзгаришлар маълум қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*(8-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан бешинчи қисм билан тўлдирилди).*

### **9-модда. Шуъба ва тобе жамиятлар**

Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шуъба ва тобе жамиятларга эга бўлиши мумкин.

Шуъба жамият ўзининг асосий жамияти қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шуъба жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни беришга ҳуқуқли асосий жамият ана шундай кўрсатмаларни бажариш учун шуъба жамият томонидан тузилган битимлар юзасидан шуъба жамият билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шуъба жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шуъба жамият билан тузилган шартномада ёки шуъба жамиятнинг уставида кўзда тутилган тақдирдагина асосий жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Шуъба жамият асосий жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шуъба жамиятнинг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Асосий жамият шуъба жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, юқорида айтилган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан

шуъба жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина шуъба жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

Шуъба жамият акциядорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шуъба жамиятга келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Асосий жамият шуъба жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён кўришини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шуъба жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина зиён асосий жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади.

Агар жамиятга қарашли овоз берувчи акцияларнинг йигирма фоизидан зиёдроғи бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият тобе жамият деб тан олинади.

Иштирок этувчи ва тобе жамиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **II бўлим. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ТУЗИШ**

### **10-модда. Жамиятни тузиш усуллари**

Жамият янгидан таъсис этиш ва (ёки) мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) йўли билан тузилиши мумкин.

### **11-модда. Жамиятни таъсис этиш**

Жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади.

Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг хиллари ва турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва бу ҳақни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади.



Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятни таъсис этиш, жамият уставини тасдиқлаш, жамиятни бошқариш органларини сайлаш масалалари юзасидан улар қабул қилган қарорларни акс эттириши керак.

Жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун топширилаётган қимматли қоғозлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқлар ёки пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқларнинг пулда баҳоланишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Чет эллик инвесторлар иштирокидаги жамиятни тузиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда уни таъсис этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкни тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган томонидан қабул қилинади.

## **12-модда.** Жамиятнинг муассислари

Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жамият муассислари бўлиши мумкин эмас.

Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар унинг тузилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни тузиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари юзасидан фақат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишида маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкни тасарруф этишга ваколатли орган унинг муассиси бўлади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда акцияларни тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ёпиқ турдаги жамият муассислари ўртасида акцияларни тақсимлаш таъсис ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади.

### **13-модда.** Таъсис йиғилиши (конференцияси)

Таъсис йиғилиши (конференцияси):

акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;

акцияларга ортиқча обунани қабул қилади ёки рад этади. Акцияларга ортиқча обуна қабул қилинган тақдирда устав фонди тегишли равишда кўпайтирилади;

таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;

чиқарилаётган акциялар хиллари ва турларини ҳамда уларнинг сонини белгилайди;

жамиятнинг кузатув кенгашини, тафтиш комиссиясини сайлайди.

Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш муассислар қўшган ҳиссаларга мувофиқ ўтказилади.

Таъсис йиғилиши (конференцияси) қарорларни оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётган холлар бундан мустаснодир, бунда барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда таъсис йиғилиши ўтказилмайди.

### **14-модда.** Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари

Таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд фақат таъсис шартномаси жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

*(14-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунини тахририда).*

### **15-модда.** Жамиятнинг устави

Жамиятнинг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

фирманинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган манзили;

фаолият соҳаси, мақсади ва муддатлари;

устав фондининг миқдори;

устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати;

даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;

захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;  
жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби.

Жамият уставида битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сони ва улар номинал қийматининг суммаси чеклаб қўйилиши мумкин.

Жамият уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Жамият акциядор, аудитор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга жамият устави, шу жумладан унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги уставидан нусха олиб бериши шарт.

**16-модда.** Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш

Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади.

**17-модда.** Жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш

Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Жамият рўйхатдан ўтиш учун рўйхатга олувчи органга уставни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Давлат корхонасини қайта ташкил этиш йўли билан тузилган акциядорлик жамияти уставини тақдим этади.

Жамият тузишнинг қонунда белгиланган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мувофиқ келмаслиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келади. Жамиятни тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган вазн билан уни рўйхатдан

Ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина жамият қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган сандан эътиборан узоғи билан олти ойгача бўлган муддатда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги, кузатув кенгаши тўғрисидаги ва ижроия органи тўғрисидаги (тегишинча директор, бошқарув, дирекция, бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи тўғрисидаги), фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек акциядорлик жамиятининг кўрсатилган бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиботини белгиловчи низомларни тайёрлаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт.

*(17-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни тахририда).*

**18-модда.** Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини давлат рўйхатидан ўтказиш

Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини ушбу Қонуннинг жамиятнинг рўйхатдан ўтказишга доир 17-моддасида кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

**III бўлим. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ. ЖАМИЯТНИНГ СОФ АКТИВЛАРИ**

**19-модда.** Жамиятнинг устав фонди ва акциялари

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади.

Жамият оддий акцияларни, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлаштирилган бўлиши керак.

*(19-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни тахририда).*

#### **20-модда.** Устав фондининг миқдори

Очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравар суммасидан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди эса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравар суммасидан кам бўлмаслиги керак.

Энг кам ойлик иш ҳақининг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда, акциядорлик жамиятининг устав фонди бир йил ичида белгиланган миқдорга мувофиқ ҳолга келтирилиши керак.

*(20-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни тахририда).*

#### **21-модда.** Жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш

Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондиди акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорни қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставига белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки уставда кўзда тутилган бўлса, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан мазкур қонунга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозларнинг йигирма беш фоизидан зиёдини ташкил этадиган давлатга қарашли акциялар туркуми мавжуд бўлганда қўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш фақат Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг ваколатига киради.

## **22-модда. Жамиятнинг устав фондиди камайтириш**

Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставига назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

Агар устав фондиди камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондидининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондиди камайтиришга ҳақли эмас.

Устав фондиди камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутилган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

**23-модда.** Жамиятнинг устав фонди миқдори камайтирилгани тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш

Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор ҳусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

**24-модда.** Акцияларнинг хиллари ва турлари

Акциялар хиллари ва турлари (тоифалари) бўйича фарқланади. Акцияларнинг хиллари: эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган. Акцияларнинг турлари (тоифалари): имтиёзли, оддий;

Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларининг реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахсгина эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлмиш акциядор деб эътироф этилади.

Эгаси ёзилмаган акцияни сақловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акцияларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади.

Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланади. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорларга акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкин.

Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, уларни тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаб тартиби акциядорлик жамиятининг уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб қўйилади.

*(24-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуи таҳририда).*

**25-модда.** Акцияларнинг номинал қиймати

Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Акция бўлинмасдир.

**26-модда.** Жамиятнинг жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялари

Жамиятнинг уставида акциядорлар сотиб олган акцияларнинг (жойлаштирилган акцияларнинг) сони ва номинал қиймати белгилаб қўйилиши лозим.

Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга (эълон қилинган акциялар) қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг миқдори ва номинал қиймати белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг уставида эълон қилинган акцияларни жамият томонидан жойлаштириш тартиби ва шартлари, шунингдек жамият жойлаштираётган акцияларнинг ҳар бир хили берадиган ҳуқуқлар белгилаб қўйилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган қоидалар уставда бўлмаса, жамият ана шундай хилдаги қўшимча акцияларни жойлаштиришга ҳақли эмас.

Жамият уставига жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида ушбу моддада назарда тутилган қоидалар билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Агар жамият томонидан акцияларга эркин айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилса, бу хилдаги эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиш муддати давомида эркин айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни



чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

### **27-модда.** Акциядорларнинг ҳуқуқлари

Акциядорлар:

тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш;

акциядорлик жамияти акциядорлари реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;

акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

инвестиция институтлари ва эмитентларнинг укувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўла-нишини талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

### **28-модда.** Оддий (одатдаги) акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқлари

Жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

Оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

## **29-модда.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқлари

Жамият имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар, агар ушбу Қонунда ёки жамият уставида жамиятнинг муайян турдаги имтиёзли акциялари учун бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Жамиятнинг бир турдаги имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва одатдаги акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Жамият тугатилган тақдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар ва (ёки) қийматнинг (тугатилиш қийматининг) миқдори жамият уставида белгилаб қўйилиши лозим. Дивиденд миқдори ва тугатилиш қиймати қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва тугатилиш қийматини аниқлаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам улар белгиланган ҳисобланади. Дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари билан баравар дивидендлар олиш ҳуқуқига эга.

Агар жамият уставида икки ва ундан ортиқ турдаги имтиёзли акция назарда тутилган бўлса, жамият уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар ва тугатилиш қийматини тўлаш навбати ҳам белгиланган бўлиши керак.

Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича миқдори уставда белгиланган бўлиб, тўланмаган ёки ҳаммаси тўланмаган дивиденд жамғариб борилиши ва кейинчалик тўланиши (кумулятив имтиёзли акциялар) жамият уставида белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг оддий (одатдаги) акциялар ёки бошқа турдаги имтиёзли акцияларга эркин айирбошланиши мумкинлиги ва шартлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар. Муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар акциядорларнинг

умумий йиғилишида жамият уставига шу турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек бошқа турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга дивиденд ва (ёки) акциянинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

Дивиденд миқдори жамият уставида белгилаб қўйилган муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар, кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни истисно этганда, ана шу турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ана шу акциялар бўйича жамғарилиб қолган дивидендларни тўлиқ миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлгану, аммо бундай қарор қабул қилмаган ёхуд дивидендларни тўлиқ миқдорда тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан эътиборан умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгаси бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича жамғарилиб қолган барча дивидендлар тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Агар жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларни одатдаги акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутил-

ган бўлса, жамият устави бу турдаги имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бунда ана шундай имтиёзли акция эгаси ўзига қарашли имтиёзли акция айирбошиланиши мумкин бўлган одатдаги акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдорда овозларга эга бўлади.

**30-модда.** Акцияларни бошқа шахсга мулк қилиб ўтказиш

Эгаси ёзилган акциялар бошқа шахсга мулк бўлиб ўтиши (сотиб олинishi, ҳадя қилиниши, мерос бўлиб ўтиши ва шу қабилар) мумкин. Бунда акция эгасининг йўгарганини қайд этувчи орган акция янги эгасининг исми ёки номини киритади.

**31-модда.** Жамиятнинг ўз акцияларини сотиб олиш тартиби

Акциядорлик жамияти кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида акциядорлардан уларга қарашли акцияларни сотиб олишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган акциялар кўпи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим. Ана шу давр ичида дивидендларни тақсимлаш, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият сотиб олган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади.

Жамият ўз акцияларини мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олади.

**32-модда.** Жамиятнинг облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни жамият ўз уставига мувофиқ жойлаштиришга ҳақли.

**33-модда.** Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш

Акциядор таъсис йиғилишида (конференциясида) белгиланган муддатда, аммо жамият рўйхатдан ўтказилганидан кейин кўпи билан бир йил ичида акцияларни тўлиқ сотиб олиши лозим. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтганидан кейин акциядорлик жамияти бу акцияларни ўз хоҳишига кўра реализация қилишга ҳақлидир.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ белгиланган муддат ичида, бироқ улар сотиб олинган (жойлаштирилган) пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида ҳақ тўланиши лозим.

Жамият уставида акциялар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ундириш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш шакли жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада (қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, кўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

Давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилганида акциялар ҳақини тўлаш тартибини давлат мулкни тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

Жамиятни таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топширилаётган мол-мулкнинг пулдаги баҳоси муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ чиқарилади.

Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топширилаётган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи (аудитор) чиқариши керак.

Жамият уставида унинг акциялари ва бошқа эгаси ёзилган қимматли қоғозлари ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулк турлари чеклаб қўйилиши мумкин.

Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди, реестрида рўйхатга олиш, жамиятни тузиш вақтида муассислар сотиб олган акциялар бундан мустасно.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз ҳуқуқини бермайди, овозларни ҳисоблаб чиқиш вақтида инobatга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди. Бундай акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши кўрсатиб ўтилган акцияларни муомаладан чиқариш орқали жамиятнинг устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

(33-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).

**34-модда. Жамиятнинг фондлари ва соф активлари**

Жамият уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларининг муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаса, унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек давлат томонидан ваколат берилган органлар жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

#### IV бўлим. АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ТАРҚАТИШ ҲАМДА ЖОЙЛАШТИРИШ

##### 35-модда. Акцияларни тарқатиш (сотиш)

Жамият ўз акцияларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тарқатади (сотади).

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилганда давлатга қарашли акцияларни дастлабки ва кейинчалик тарқатиш давлат мулкни тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган томонидан амалга оширилади.

Давлат мол-мулкни тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган давлатга қарашли акцияларни реализация қилиш ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

##### 36-модда. Акцияларни жойлаштириш

Очиқ турдаги жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Ёпиқ турдаги жамият очик обуна воситасида акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштиришга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг кўшимча акцияларини қимматли қоғозларга айирбошлаш йўли билан жойлаштириш бундай қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Очиқ турдаги жамият томонидан акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очик ёки ёпиқ обуна) усуллари жамият уставида белгилаб қўйилди, жамият уставида бу хусусда кўрсатмалар бўлмаса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида жамият акциялари ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини жойлаштириш услуби тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жойлаштириш фақатгина очик обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида очик турдаги жамиятнинг акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик обу-

на воситасида жойлаштириши шарт бўлган ҳоллар белгилаб қўйилиши мумкин.

**37-модда.** Акцияларни жойлаштириш баҳоси

Жамиятнинг акцияларини а ҳақ тўлаш бозор қийматида амалга оширилади.

Жамиятни таъсис этиш вақтида унинг акциялари ҳақини тўлаш жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Жамият куйидаги ҳолларда акцияларни уларнинг бозор қийматидан арзонроқ нарҳда жойлаштиришга ҳақли:

жамиятнинг қўшимча оддий акциялари оддий акциялар эгалари бўлган акциядорларга жойлаштирилиб, улар оддий акцияларни бозор қийматининг тўқсон фоизидан паст бўлмаган нарҳда сотиб олишдан иборат. Ўз имтиёзли ҳуқуқларини рўёбга чиқарган ҳолларда;

қўшимча акциялар воситачи иштирокида жойлаштирилиб, уларнинг баҳоси бозор баҳосидан кўпи билан бундай акцияларни жойлаштириш баҳосига нисбатан фоизларда белгиланган воситачилик ҳақи миқдоридан арзон бўлганида.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилганда акциялар уларнинг номинал қиймати бўйича жойлаштирилади ва бу ҳол эмиссия маълумотномасида қайд қилинади.

**37<sup>1</sup>-модда.** Акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган давлат корхоналарининг меҳнат жамоалари аъзолари ўртасида акцияларни тарқатиш

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилганда корхона меҳнат жамоаси аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциялар қиймати ҳақини тўлаб устав фондидаги тегишли улушдан акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

*(37<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан киритилди).*

**38-модда.** Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг жойлаштириш баҳоси

Жамият акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни уларнинг бозор қиймати бўйича жойлаштирилади, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

одатдаги акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар одатдаги акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга жойлаштирилганда, агар улар бундай қимматли қоғозларни бозор



қийматининг тўқсон фоизидан кам бўлмаган нархларда сотиб олишдан иборат имтиёзли ҳуқуқларини рўёбга чиқарсалар;

акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар воситачи иштирокида жойлаштирилиб, уларнинг баҳоси бозор баҳосидан кўпи билан бундай қимматли қоғозларни жойлаштириш баҳосига нисбатан фоизларда белгиланган воситачилик ҳақи миқдоридан арзон бўлиши.

Ушбу модданинг қоидалари муомаладан чиқариш шартлари номинал қийматини тўлашни ёки акцияга айирбошлашни назарда тутувчи облигацияларни жамият томонидан жойлаштиришга нисбатан татбиқ этилмайди.

**39-модда.** Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштиришда акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш

Агар жамият овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул билан тўланадиган қимматли қоғозларни жойлаштиради, жамият уставида жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар бундай қимматли қоғозларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақи эканлиги назарда тутилиши мумкин.

Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар ҳақи пул билан тўланган очиқ обуна воситасида жойлаштирилган тақдирда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин.

Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг қароридан белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қилади.

Ушбу модданинг қоидалари ушбу Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқини олган имтиёзли акциялари эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**40-модда.** Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби

Жамият овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул билан тўланадиган қимматли қоғозларни жойлаштира бош-

лайдиган кундан камида 30 кун олдин жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу Қонуннинг 39-моддасида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари мумкинлиги ҳақида хабардор қилиниши лозим.

Хабарномада овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг жойлаштирилаётган миқдори, уларни жойлаштириш баҳоси (шу жумладан, агар жамият акциядорлари ўзларининг бундай қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширсалар, уларни жамиятнинг акциядорларига жойлаштириш баҳоси), ҳар бир акциядор сотиб олишга ҳақли бўлган қимматли қоғозларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бундай ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва ҳуқуқни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Акциядор овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олиши тўғрисида ўзининг исми (номи) ва яшаш манзили (жойлашган манзили), сотиб оладиган қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма ариза ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамият номига юбориб, ўзининг имтиёзли ҳуқуқини тўла ёки қисман рўёбга чиқаришга ҳақлидир. Бундай ариза овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қўшимча акциялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланадиган санадан кечи билан бир кун олдин жамият номига юборилиши лозим.

#### **41-модда. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларни сотиб олиши**

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, агар жамият уставида назарда тутилган бўлса, жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида, шунингдек кейинчалик қайта сотиш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўзининг жойлаштирилган акцияларини сотиб олишга ҳақлидир.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати устав фондининг ушбу Қонунда назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни сотиб олиш йўли би-

лан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилган қарор асосида жамият томонидан сотиб олинган акциялар уларни сотиб олиш вақтида муомаладан чиқарилади.

Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинган акцияларнинг турлари, жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

Агар жамиятнинг уставида ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, акцияларни сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади. Акцияларни сотиб олиш муддати 30 кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий (одатдаги) акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосини мувофиқ белгиланади.

Сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган муайян турлардаги акцияларнинг эгаси бўлмиш ҳар бир акциядор кўрсатиб ўтилган акцияларни сотишга ҳақлидир, жамият эса уларни сотиб олиши шарт. Агар жамиятнинг сотиб олиши тўғрисида ариза тушган акцияларнинг умумий сони ушбу моддада белгиланган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда жамият сотиб олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиб кетса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга муганосиб равишда акциялар сотиб олинади.

Акциялар сотиб олинган муддат бошланишига кечи билан 30 кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни хабардор қилиши шарт. Хабарномада ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли акциялар жамият уставида назарда тутилган нархларда сотиб олинади.

#### **42-модда.** Жойлаштирилган акцияларнинг жамият томонидан сотиб олинишидаги чеклашлар

**Жамият:**

жамиятнинг бугун устав фонди батамом тўлангунга қадар, агар оддий акцияларни сотиб олиш вақтига келиб жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни сотиб олганлиги натижасида пайдо бўлса;

агар оддий акцияларни сотиб олиш вақтига келиб жамиятга қарашли соф активларнинг қиймати унинг устав фондини, захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг уставда белгиланган тўлатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни сотиб олиш

натijasида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, оддий акцияларни сотиб олишга ҳақли эмас.

Ушбу Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунича жамият жойлаштирилган акцияларни сотиб олишга ҳақли эмас.

#### **43-модда.** Акцияларни йириклаштириш ва майдалаш

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натijasида жамиятнинг икки еки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг эълон қилинган акцияларининг номинал қиймати ва сонига доир тегишли ўзгаришлар киритилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни майдалаш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натijasида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки еки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг эълон қилинган акциялари номинал қиймати ва сонига доир тегишли ўзгаришлар киритилади.

#### **44-модда.** Акциядорлар талабига биноан жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олиши

Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар: жамият қайта ташкил этилганда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ушбу Қонуннинг 90-моддаси учинчи қисмига мувофиқ қабул қилинган қарорга биноан йирик битим амалга оширилганда, башарти акциядорлар қайта ташкил этиш ёки кўрсатиб ўтилган битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёхуд бу масалалар бўйича овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар:

жамият уставига акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда ёки жамиятнинг уставига уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган тарзда янги тахрирда тасдиқланганда, башарти акциядорлар тегишли қарорлар қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишига талаб қилишга ҳақлидур.

Ўзларига тегишли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати овоз бериш натижасида ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати тузилган кундаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият акцияларни бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олади, бу қийматни аниқлаш чоғида жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида унинг қиймати ўзгариши ҳисобга олинмайди.

**45-модда.** Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларни жамият қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби

Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларни жамият қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи борлигидан, қайтариб сотиб олиш баҳоси ва уни амалга ошириш тартибидан хабардор этиши шарт.

Овоз бериш натижасида ушбу Қонунга мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалалар киритилган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга етказиладиган хабар ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган акциядорлардан жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи борлиги ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот жамият акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабабчи бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан 7 кун ичида уларга юборилади.

Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талаби акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган манзили) ва у қайтариб сотиб олишини талаб қилаётган акциялар сонини кўрсатган ҳолда жамиятга юборилади.

Акциядорларнинг ўзларига қарашли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги талаблари акциядорлар

умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан 45 кун ичида жамиятга тақдим қилинмоғи лозим.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатиб ўтилган муддат тугганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни 30 кун ичида сотиб олиши шарт.

Жамият акцияларни, ушбу Қонунга мувофиқ, овоз бериш натижасида акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалаларни кун тартибига киритган ҳолда умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган баҳода сотиб олади. Жамият акцияларни қайтариб сотиб олишга ажратадиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабабчи бўлган қарор қабул қилинган кундаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони жамият юқорида белгиланган чеклашларни инобатга олган ҳолда қайтариб сотиб олиши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциядорлардан акциялар қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

Жамият қайта ташкил этилган тақдирда у қайтариб сотиб олган акциялар уларни қайтариб сотиб олиш чоғида муомаладан чиқарилади.

Ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда жамият қайтариб сотиб олган акциялар жамиятнинг тасарруфига тушади. Мазкур акциялар овоз ҳуқуқини бермайди, овозларни санаш чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди. Бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтидан эътиборан узоғи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни муомаладан чиқариш йўли билан жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

#### **46-модда.** Мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш

Мол-мулкнинг бозор қиймати, шу жумладан жамиятга қарашли акциялар ёки бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати шундай баҳодирки, мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган ва уни сотишга мажбур бўлмаган сотувчи

уни шу баҳода сотишга рози бўлиши мумкин, мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни сотиб олишга мажбур бўлмаган олувчи эса уни шу баҳода сотиб олишга рози бўлиши мумкин.

Мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ҳолис баҳоловчи (аудитор) жалб этилиши мумкин.

Жамият акциядорлардан уларга тегишли акцияларни ушбу Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олган тақдирда мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ҳолис баҳоловчи (аудитор)ни жалб этиш шарт бўлади.

Давлатнинг ўзи жамият акцияларининг эгаси бўлган тақдирда, давлат молия органини жалб этиш мажбурийдир.

Қийматини аниқлаш талаб қилинаётган мол-мулк акция ёки бошқа қимматли қоғозлардан иборат бўлиб, уларнинг сотиб олиш нархи ёки талаб нархи ҳамда таклиф нархи матбуотда мунтазам эълон қилиб турилган бўлса, мазкур мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ана шу сотиб олиш нархи ёки талаб нархи ва таклиф нархи эътиборга олиниши лозим.

## V бўлим. АКЦИЯДОРЛАР РЕЕСТРИ ВА АКЦИЯЛАРНИ САКЛАШ

### 47-модда. Акциядорлар реестри

Акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозлар сони, номинал қиймати ва тоифаси кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатига кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган рўйхатидир. Эмитентлар акциядорлар реестрини давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шарт. Акцияларни жойлаштирган жамият ёки ихтисослашган рўйхатчи жамият акциядорлари реестрини сақловчиси бўлиши мумкин. Оддий (одатдаги) акция эгалари бўлмиш акциядорлари 500 ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ва сақлашни ихтисослашган реестр сақловчига (рўйхатчига) шартнома асосида топшириши шарт.

Ихтисослашган рўйхатчига реестр юритишни топширган жамият реестрине юритиш ва уни сақлаш учун жавобгарликдан озод этилмайд.

Акциядорлик жамиятининг акциядорлари бўлган ва қимматли қоғозлар бозорида ўзга бир фаолият учун лицензияси бўлган жисмоний ва юридик шахслар шу жамият акциядорлари реестрининг сақловчиси бўла олмайдилар. Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш билан шуғулланувчи рўйхатчи (эмитентнинг ўзи бундан мустасно) қимматли қоғозлар юзасидан битимлар тузишга ҳақли эмас.

Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш:

қимматли қоғозлар реестрида рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари ва қимматли қоғозлар эгалари айнан тўғрилигини аниқлашни;

уларнинг ўз номларига рўйхатдан ўтказилган, ахборот олиш ва уни мазкур шахсларга йўллаш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини тузиш имконини берадиган қимматли қоғозларга нисбатан бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олишни;

қимматли қоғозлар эгалари реестрига ўзгартишлар киритишни зарур қилиб қўядиган барча фактлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги ҳамда бундай ўзгартишларни киритиш борасида реестр сақловчининг барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларида тўплаш ва сақлашни таъминламоғи лозим.

Эгаси ёзилмаган қимматли қоғозлар учун қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизими жорий этилмайди. Реестрни юритиш учун шартнома фақат битта юридик шахс билан тузилади.

Жамият акциядорлари реестрида рўйхатга олинган ҳар бир шахс (акциядор ёки номинал акция сақловчи) рўйхатга олинган ҳар бир шахснинг номига ёзилган акцияларнинг сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Жамият акциядорлар реестрини юритиш ва сақлашни жамият давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан узоғи билан бир ой ичида таъминламоғи лозим.

Жамият акциядорлари реестрида рўйхатга олинган шахс ўзига тегишли маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида жамият акциядорлари реестрининг сақловчисини ўз вақтида хабардор этиши шарт. У ўзига тегишли маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаган тақдирда, шу муносабат билан акциядорга етказилган зарар учун жамият ва ихтисослашган рўйхатчи жавобгар бўлмайдилар.



#### **48-модда.** Акциядорлар реестридан кўчирма бериш

Реестрни сақловчи қимматли қоғозлар эгаси ёки унинг номидан иш олиб бораётган шахнинг, шунингдек номинал сақловчининг талабига биноан икки иш кун ичида реестрдан кўчирма бериши шарт. Қимматли қоғозлар эгаси реестрдан кўчирмага ўзига тааллуқли бўлмаган ахборотни, шу жумладан, бошқа қимматли қоғозлар эгалари ҳамда уларга тегишли қимматли қоғозлар сони тўғрисидаги ахборотни киритишни талаб этишга ҳақли эмас.

Реестрдан кўчирма қимматли қоғозларнинг эгасини, кўчирма берилаётган пайтда ҳисобда бўлган ҳар бир чиқариш туркумига кирган қимматли қоғозлар сонини, улар устидан мажбуриятлар олиш ҳолларини, шунингдек бу қоғозларга тааллуқли бошқа ахборотни кўрсатган ҳолда реестр сақловчи томонидан бериладиган ҳужжатдир.

Реестрдан кўчирмада унда сўз юритилаётган қимматли қоғозлар бўйича барча чеклашлар ёки (қимматли қоғозлар) устидан мажбуриятлар олиш ҳоллари тўғрисида, реестр юритиш тизимида у тузилган санада қайд этилган мажбуриятлар ҳақидаги белги бўлиши лозим.

Мазкур кўчирмани берган шахс ундаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир. Қимматли қоғозларни бериш тўғрисидаги фармойишнинг шакли ва фармойишда қандай маълумотлар кўрсатилиши қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилади.

#### **49-модда.** Жамият акциядорлари реестрига ёзув киритиш

Жамият акциядорлари реестрига ёзув киритиш акциядорнинг ёки акцияларни номинал сақловчининг талабига биноан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кундан кечикмай амалга оширилади.

Жамият акциядорлари реестрига ёзув киритишни рад этишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жамият акциядорлари реестрига ёзув киритиш рад этилган тақдирда, мазкур реестрнинг сақловчиси жамият акциядорлари реестрига ёзув киритиш талаби қўйилган пайтдан эътиборан узоғи билан беш кун ичида ёзув киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги далил-исботли билдиришни ёзув киритишни жалб этган шахсга юборади.

Жамият акциядорлари реестрига ёзув киритишни рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

**50-модда.** Реестр сақловчининг жавобгарлиги

Реестр сақловчи ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлади ва уни қоплаши шарт.

**51-модда.** Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси

Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси қимматли қоғозда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларни ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси уларнинг эгаси талабига биноан реестрни юритиш тизимига қимматли қоғозларни эгасининг номига ўтказиш тўғрисида ёзув киритилишини таъминлаши шарт.

**52-модда.** Акцияларни сақлаш

Акцияларни сақловчилар уларнинг ихтисослаштирилган депозитарийларда, банкларда, фонд биржаларида ёки ўз билганларича сақлашлари мумкин.

## VI бўлим. ДИВИДЕНДЛАР

**53-модда.** Дивиденд

Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.

Жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

**54-модда.** Дивидендларни тўлаш муддатлари ва шакллари

Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида, агар ушбу Қонун ва жамият уставида ўзгача қоида

белгиланмаган бўлса, қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

### **55-модда.** Якуний ва оралиқ дивидендлар

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича оралиқ дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги бўйича, ярим йиллик дивидендлар) тўлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича йиллик дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп ва тўланган оралиқ дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивиденд тўламаслик тўғрисида, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, бундай акциялар бўйича дивиденд миқдори уставкада белгилаб қўйилади.

Агар оралиқ дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлар жамиятининг молия-ҳўжалик аҳвоби жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, оралиқ дивидендлар тўлаш тақиқланади.

### **56-модда.** Дивидендларни тўлаш тартиби

Дивидендлар жамиятнинг жорий йилдаги соф фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Йиллик дивидендларни тўлаш санаси жамият устави ёки акциядорлар умумий йиғилиши чиқарган қарор билан белгилаб қўйилади ва шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Оралиқ дивидендлар тўлаш санаси жамият кузатув кенгашининг оралиқ дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори билан белгиланади, бироқ ана шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида 30 кун ўтиши керак.

Дивидендларнинг ҳар бир тўлови учун жамиятнинг кузатув кенгаши дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини тузади. Оралиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига жамият кузатув кенгаши дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан камида 30 кун олдин жами-

як акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари, йиллик дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига эса акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузиладиган кунгача жамият акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари киритилиши лозим.

Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади.

Давлат томонидан ваколат берилган орган Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари хоҳишига биноан, белгилаб қўйилган тартибда улар олган дивидендларни ана шу дивидендлар ҳисоблаб чиқарилган санада амалда бўлган курс қиймати бўйича эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаб бериши шарт.

Акциядорлар реестридан олинган, эмитент томонидан тасдиқланган кўчирмалар ҳамда тўланган дивидендлар суммаси ва улар ёзилган сана тўғрисида акциядорлар жамияти бухгалтерияси берган маълумотнома айирбошлаш учун асос бўлади.

*(56-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

### **57-модда.** Дивидендлар тўлаш мумкин бўладиган акциялар

Акциядорлар реестрида у ёпилгунга қадар ёзиб қўйилган инвесторлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар реестри акциядорларнинг йиғилиши расмий равишда эълон қилинган санадан 30 кун аввал ёпилади.

Давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдорига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, ҳақи тўланиши тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган пайтда сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

*(57-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

### **58-модда.** Тўланмаган ва олинмаган дивидендлар

Эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

Акциядорлик жамияти эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланилади.

### **59-модда.** Дивидендлар тўламаётган акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш

Ўз акциядорларига тўланмаган дивидендлар тарзида қарзлари бўлган акциядорлик жамияти ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи васийлигида олиб бориши мумкин. Акциядорлик жамиятига васийлик белгиланиши ва уни санация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда қарздор акциядорлик жамияти инвесторларга бир йил ичида корхонани санациялаш (молиявий жиҳатдан соғломлаштириш) ва қайта ташкил этишнинг асосланган режасини тақдим этмоғи шарт. Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ корхонани банкрот деб эълон қилиш тадбири амалга оширилади.

### **60-модда.** Дивидендлар тўлашдаги чеклашлар

Жамият:

жамият устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунча;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

**61-модда.** Дивидендлар тўланиши ҳақида  
акциядорларни хабардор қилиш

Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни дивидендлар тўланадиган санадан 31 календарь кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Агар миждознинг топшириғига биноан акциялар инвестиция институти томонидан бошқарилаётган бўлса, акцияларни сақловчига дивидендлар инвестиция институти ҳақини чегириб ташлаган ҳолда тўланади, бу ҳақ миждоз билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

**62-модда.** Дивидендларни солиққа тортиш

Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

Давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида дивидендлардан солиқ олишда вақтинчалик имтиёзлар белгилаши мумкин.

**VII бўлим. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ БОШҚАРУВЧИ  
ОРГАНЛАР**

**63-модда.** Акциядорлик жамиятини бошқариш

Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

**64-модда.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставада белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва

ушбу Қонун 65-моддасининг биринчи қисми ўн биринчи хат-бошисига мувофиқ бошқа ҳужжатлар мажбурий тартибда қараб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

#### **65-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

агар жамият уставига кўра жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган бўлса, ана шу масалаларни ҳал қилиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг савдо олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўллаганлик тўғрисида ушбу Қонуннинг 39-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

ушбу Қонуннинг 94-моддасида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;

ушбу Қонуннинг 89-моддасида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бундан қайтариши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг кузатув кеншига берилиши мумкин эмас, ушбу Қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган масалаларига мувофиқ жамият уставига унинг устав қароридан кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

**66-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори

Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича:

жамиятнинг оддий (одатдаги) акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар;

ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган ҳолларда жамият имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Акция эгаси бўлмиш акциядорга овозга қўйилган масала ниҳоятда ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий (одатдаги) акция ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциядир. Агар овоз берувчи акциялар миқдорини аниқлаш чоғида имтиёзли акция унинг эгасига биттадан ортиқ овоз берса, бундай имтиёзли акция бўйича ҳар бир овоз алоҳида овоз берувчи акция сифатида ҳисобга олинади.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар ушбу Қонунда ёки жамият уставида қарор қабул қилиш учун акциядорлар овозининг кўпроқ миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган



жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамият оддий ва имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш, агар ушбу Қонунда ёки жамият уставида ўзга қоида белгиланмаган бўлса, овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, агар жамият уставида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

Ушбу Қонуннинг 65-моддаси биринчи қисми биринчи - учинчи, бешинчи ва ўн саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамият уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган жамиятнинг ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда акциядорлар эътиборига етказилади, бироқ бу муддат ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 45 кундан ошмаслиги керак.

Агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

**67-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишининг сиртдан овоз беришни ўтказиш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарори

Ёпиқ турдаги жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарори йиғилишни ўтказмаган ҳолда жамият уставида белги-

ланган тартибда сиртдан овоз беришни ўтказиш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кiritилган масалалар бўйича сиртдан овоз беришни ўтказиш йўли билан (сўров йўли билан) қарор қабул қилиниши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинган қарори, агар овоз беришда жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида етмиш беш фоизига эгалик қилувчи акциядорлар қатнашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

Сиртдан овоз бериш ушбу Қонун 77-моддасининг талабларига жавоб берадиган овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Акциядорларга овоз бериш учун бюллетенлар бериш санаси жамият бюллетенларни қабул қилишни тўхтатадиган кундан камида 30 кун олдин белгиланиши керак.

#### **68-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати жамият акциядорлари реестрининг жамият кузатув кенгаши белгилайдиган санага доир маълумотлари асосида тузилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш санаси акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан олдин ва умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан 60 кундан олдин белгиланиши мумкин эмас.

Агар қворумини белгилашда ва овоз беришда жамият томонидан ушбу Қонуннинг 75-моддасига мувофиқ олинган бюллетенлар иштирок этадиган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилса, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш санаси умумий йиғилиш ўтказиладиган санага кечи билан 45 кун қолганида белгиланади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун акцияларнинг номинал сакловчиси рўйхат тузилаётган санада кимнинг манфаатини кўзлаб акцияларга эгалик қилаётган бўлса, ўша шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатида ҳар бир акциядорнинг исми (номи), унинг

манзили (жойлашган ери), унга қарашли акцияларнинг сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати жамият акциядорларининг реестрида рўйхатга олинган ва акциядорларнинг умумий йиғилишида овозларнинг камида ўн фоизига эга бўлган шахсларнинг талабига биноан танишиш учун жамият томонидан тақдим этилади.

Акциядорнинг талабига биноан жамият унга акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига ўзгартишлар маъқур рўйхатга у тузилган санада киритилмай қолган шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки рўйхатни тузиш вақтида йўл қўйилган хатолар тузатиладиган тақдирдагина киритилиши мумкин.

#### **69-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот**

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга уларнинг номига ёзма хабарнома юбориш ва матбуотда тегишли ахборот эълон қилиш орқали маълум қилинади.

Жамият умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида акциядорларни бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали қўшимча хабарлар тарқатишга ҳақли.

Умумий йиғилиш ўтказиш вақти тўғрисида акциядорларга хабар қилиш муддати жамият уставида белгилаб қўйилади.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим:

жамиятнинг номи ва жойлашган ери;

акциядорлар умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати тузилган сана;

умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материал-

ларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият молия-ҳўжалик фаолиятини йиллик текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва жамият аудиторининг ҳулосаси, жамият кузатув кенгашига ва жамият тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган томонидан белгилаб қўйилиши мумкин.

Башарти, жамият акциядорлари реестрида рўйхатга олинган шахс акцияларнинг номинал сақловчиси бўлса, умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар акцияларнинг номинал сақловчисига юборилади. Акцияларнинг номинал сақловчиси бу хабарни қонун ҳужжатлари ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатда ўз мижозлари эътиборига етказиши шарт.

*(69-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

### **70-модда.** Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар киритиш

Жамият овоз берувчи акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камда бир фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичида, башарти, жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўшиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан, ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорлар-

нинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади

Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддат тугаганидан сўнг узоғи билан 15 кун ичида уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;

акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлмаса;

ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар ушбу Қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги далил-исботли қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

#### **71-модда.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамият кузатув кенгаши, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақт;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган сана;

акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартиби;

акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;

бюллетень билан овоз бериладиган бўлса, овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

## **72-модда.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссияси, аудитор талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг, жамият аудиторининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чиқаришни жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги талаб тақдим этилган пайдан эътиборан узоғи билан 45 кун ичида амалга оширади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

Жамият кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг, жамият аудиторининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (хили) кўрсатилган бўлиши лозим

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

Жамият тафтиш комиссияси, жамият аудитори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), жамият аудиторининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, башарти:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса,

жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколатларига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги далил-исботли қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан узоғи билан уч кун ичида йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Жамият кузатув кенгаши ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса,

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **73-модда.** Санок комиссияси

Овоз берувчи акциялар эгаларининг сони юздан ортиқ бўлган жамиятда санок комиссияси тузилади, унинг миқдор ва шахсий таркиби жамият кузатув кенгашининг таклифига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, коллегиял ижроия органи аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

Овоз берувчи акциялар эгаларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамиятда санок комиссиясининг вазифаси жамиятнинг ихтисослаштирилган реестр сақловчиси зиммасига юкланиши мумкин.

Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган масалалар ҳусусида тушунтиришлар беради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

### **74-модда.** Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш тартиби

Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ҳам, унинг вакили орқали ҳам рўёбга чиқарилади.



Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

Агар акциялар рўйхат тузилган санадан кейин ва акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар бошқа шахсга берилган бўлса, жамият акцияни сотиб олган шахсга овоз бериш учун ишончнома бериши ёки акцияни сотиб олган шахснинг кўрсатмаларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериши шарт. Кўрсатиб ўтилган қоида акцияни кейинги ҳар бир бошқа шахсга топшириш ҳолатига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Агар жамият акцияси бир неча шахсларнинг умумий улушли мулки бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколоти уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилиши керак.

#### **75-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми

Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоиздан кам бўлмаган

овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Қонуннинг 69-моддасида назарда тутилган тарзда йиғилиш ўтказиладиган санага камида 10 кун қолганида амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига мувофиқ аниқланади.

#### **76-модда.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” қоида­сига мувофиқ ўтказилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари­ни сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

#### **77-модда.** Овоз бериш бюллетени

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмиш акциядорлар сони юздан ортиқ бўлган жамият акциядорларининг умумий йиғилишида кун тартиби бўйича овоз бериш фақат овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва вақти, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни қараб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган маз­мундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари, овоз бериш бюллетени акциядор томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма акс эттирилган бўлиши лозим.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумот акс эттирилган бўлиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

**78-модда.** Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс эттирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.

**79-модда.** Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома

Саноқ комиссияси овоз бериш яқунлари бўйича баённома тузади. Баённома саноқ комиссиясининг аъзолари ёки комиссия вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан сўрғичланади ва сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади ёки акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш ёки акциядорларга юбориш орқали акциядорларнинг эътиборига етказилади.

**80-модда.** Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 15 кун

ичида икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишида раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган жой ва вақт;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони;

йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозлар сони;

йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилиш қабул қилган қарорлар акс эттирилиши лозим.

### **81-модда.** Жамиятнинг кузатув кенгаши

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ушбу Қонун билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар сони ўттиз кишидан кам бўлган жамиятда кузатув кенгаши вазифаси жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш масаласини ҳал этишга ваколати бўлган муайян шахс ёки жамият органи жамият уставида ўз аксини топиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда бадал тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай бадал ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

### **82-модда.** Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари

Жамият кузатув кенгаши:

жамият фаолиятининг устун йўналишларини белгилашга;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиришга, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлашга;

умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган санани белгилашга;

ушбу Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритишга;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга;

жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштиришга;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашга;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига ҳуқуқ берилган бўлса, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият жойлаштирган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишга;

агар жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини белгилашга;

жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдори юзасидан тавсиялар бериш ҳамда аудиторнинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдорини белгилашга;

акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар беришга;

жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланишга;

жамиятнинг бошқариш органлари фаолият тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлашга;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очишга;

жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

ушбу Қонуннинг VIII бўлимида назарда тутилган ҳолларда мол-мулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузишга;

ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ жамият уставида кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### **83-модда.** Жамият кузатув кенгашини сайлаш

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонун ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

Жамият коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият устави билан ёки акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгилаб қўйилади.

Оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони беш юздан ортиқ бўлган очиқ турдаги жамият учун кузатув кенгашининг миқдор таркиби етти аъзодан кам бўлиши, оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир неча номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

### **84-модда.** Жамият кузатув кенгашининг раиси

Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вази-фасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

### **85-модда. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси**

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан кузатув кенгаши-нинг аъзоси, тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг, жамият ижроия органининг, шунингдек жамият уставида белгилаб қўйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сай-ланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги ке-рак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда ту-тилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жа-мият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акция-дорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғили-шини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар ку-затув кенгаши мажлиси чақириш ва ўтказиш тартибини бел-гилаб берувчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоида-лар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенга-ши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгаши-нинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини куза-тув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият уставида кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юрити-лади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтка-

зилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баён-номасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган жой ва вақт;

мажлисида ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси мажлисида раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

### **86-модда. Жамиятнинг ижроия органи**

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бир пайтнинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиял ижроия органлари бўлиши назарда тутилган жамият ўставида улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак. Бундай ҳолларда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, башарти уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамият ижроия органининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаталарини ифода этади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча



ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, (директор), коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ҳуқуқлари ва бурчлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан тузадиган шартномада белгиланади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда уларнинг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши олдидаги ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар уставга биноан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

*(86-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни таҳририда).*

**87-модда.** Жамиятнинг коллегиял ижроия органи  
(бошқарув, дирекция)

Жамиятнинг коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) жамият устави асосида иш юритади.

Коллегиал ижроия органи мажлисида баённома юритилади. Коллегиал ижроия органи мажлисининг баённомаси кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

Жамиятнинг коллегиал ижроия органи мажлисларини ўтказишни жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажараётган шахс ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда коллегиал ижроия органи мажлиси баённомаларини имзолайди, коллегиал ижроия органи ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ ишончномасиз жамият номидан иш юритади.

**88-модда.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоларининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг жавобгарлиги

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

Айни пайтда жамиятга зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, коллегиал ижроия орган (бошқарув, дирекция) аъзолари жавобгар бўлмайди.

Ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

Жамият ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб кузатув кенгаши аъзоси, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоси, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи устидан судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

## VIII бўлим. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШИ

**89-модда.** Жамиятнинг мол-мулк олиши ёки уни  
- тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ йирик  
битимлар

Куйидагилар йирик битимлар деб ҳисобланади:

битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ ёхуд жамият бево-сита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳти-моли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир неча би-тим, оддий хўжалик фаолиятини юритиш асносида содир эти-ладиган битимлар бундан мустасно;

жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий (одатда-ги) акцияларнинг йигирма беш фоиздан кўпроғини ташкил этадиган оддий (одатдаги) акцияларни ёки оддий (одатдаги) акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акцияларни жойлаш-тириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битим.

Йирик битимга сабаб бўлган мол-мулк қийматини аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

**90-модда.** Жамиятнинг мол-мулк олиши ёки уни  
тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ йирик  
битимни тузиш

Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган са-нада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизи-дан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томони-дан яқдиллик билан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашининг таркибдан чиқиб кетган аъзолари овози ҳисобга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласида жамият кузатув кенгаши-нинг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акция-дорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим ту-зиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томо-нидан йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгала-ри бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчи-лик овози билан қабул қилинади.

## IX бўлим. ЖАМИЯТНИНГ БИТИМ ТУЗИШИДАН МАНФААТДОРЛИК

### **91-модда.** Жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслар

Жамият кузатуv кенгаши аъзоси, жамиятнинг ўзга бошқарув органларидаги мансабдор шахс, ўзининг тобе (аффилланган) шахси билан биргаликда жамият овоз берувчи акцияларининг йигирма ва ундан кўпроқ фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар), агар мазкур шахслар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг барча аффилланган шахслари:

жамият тузадиган битимнинг томонларидан бири бўлса ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган бўлса;

битимнинг томонларидан бири бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахс акцияларининг (улушлари, пайлари)нинг йигирма ёки ундан ҳам кўпроқ фоизига эга бўлса;

битимнинг томонларидан бири бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахс бошқарув органларининг мансабдор шахси бўлса, улар жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслар деб ҳисобланадилар.

### **92-модда.** Жамиятнинг битим тузишидан манфаатдорлик тўғрисидаги ахборот

Ушбу Қонуннинг 91-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслар: юридик шахсларга қарашли овоз берувчи акциялар (улушлар, пайлар)нинг йигирма ёки ундан ортиқ фоизига мустақил тарзда ёки ўзларининг аффилланган шахси (шахслари) билан биргаликда эга бўлсалар, шу юридик шахслар тўғрисидаги;

юридик шахсларнинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар, шу юридик шахслар тўғрисидаги;

тузилаётган ёки тузилиши кутилаётган битимларда манфаатдор шахслар деб топилиши мумкин бўлса, ўзларига маълум бўлган ана шу битимлар тўғрисидаги ахборотни жамият кузатуv кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва аудитор эътиборига етказишлари шарт.

### **93-модда.** Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимни тузиш тартибига қўйиладиган талаблар

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши тўғрисидаги қарорни кузатуv кенгаши уни тузишдан манфаатдор бўлмаган кузатуv кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилади.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши тўғрисидаги қарорни овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг умумий йиғилиши битимни тузишдан манфаатдор бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қўйидаги ҳолларда қабул қилади:

агар битим бўйича тўланадиган ҳақ суммаси ва битимга сабаб бўлган мол-мулк қиймати жамият активлари қиймати-нинг беш фоизидан ортиқ бўлса;

агар битта битим ва (ёки) ўзаро боғлиқ бўлган бир неча битим жамиятнинг овоз берувчи акцияларини ёки овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган бошқа қимматли қоғозларини илгари жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг беш фоизидан ортиқ миқдорда жойлаштиришдан иборат бўлса.

Агар тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим бўйича манфаатдор шахс жамиятга қарз бераётган бўлса, бундай битимни тузиш учун ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори талаб этилмайди.

Жамият билан бошқа томон ўртасидаги ҳўжалик муносабатларини давом эттириш юзасидан тузиладиган, тузилишидан келажақда манфаатдорлик пайдо бўлиши мумкин бўлган битимларни акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган санада аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилиши жамият билан ўзга шахс ўртасида тузилиши мумкин бўлган битимларнинг хусусияти ва улар суммасининг энг кўп миқдорини кўрсатиб, шартнома муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу модда учинчи қисмининг талаблари бажарилган деб ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари манфаатдор шахслар деб топилган тақдирда, битимдан манфаатдор бўлмаган акциядорлар кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан битим тузилиши мумкин.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим айна бир вақтда жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ёки топшириши билан боғлиқ йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига ушбу Қонун VIII бўлимининг қоидалари қўлланилади.

**94-модда.** Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимга қўйиладиган талабларга риоя этмаслик оқибатлари

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим ушбу Қонуннинг 93-моддасида назарда тутилган талабларни бузган ҳолда ту-

зилган бўлса, у кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Манфаатдор шахс жамиятга ўзи етказган зарар миқдорида жамият олдида жавобгар бўлади. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

## **Х бўлим. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

### **95-модда. Жамиятни қайта ташкил этиш**

Жамиятни қайта ташкил этиш муассисларнинг ёки ваколатли органнинг қарори билан қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш тарзида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно.

Жамият бошқа жамиятга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганида давлат рўйхатга олиш органи қўшилиб юборилган жамият ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайдан эътиборан қўшиб юборилган жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган сандан эътиборан жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун ичида.

Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

### **96-модда. Жамиятларни қўшиб юбориш**

Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги жамиятни вужудга келтириш жамиятларнинг қўшиб юборилиши деб ҳисобланади.

Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир жамият акцияларини янги жамиятли акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши қўшиб юборишда иштирок этаётган акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Янги вужудга келаётган жамият уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби жамиятларнинг қўшиб юборилиши тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятлар қўшилган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган жамиятга ўтади.

### **97-модда. Жамиятнинг бирлаштирилиши**

Бир ёки бир неча жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш - жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади.

Бирлаштирилаётган жамият ва бирлаштириб олаётган жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият кузатув кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади.

Мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Бир жамият бошқа жамиятга бирлашганда ўтказиш далолатномасига мувофиқ бирлаштираётган жамиятни барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўшиб олган жамиятга ўтади.

### **98-модда. Жамиятни бўлиш**

Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган жамиятларга ўтказиш - жамиятни бўлиш деб ҳисобланади.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига бўлиш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари хусусидаги, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳавола этади.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни бўлиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисида, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятларнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Янги тузилаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ҳамда кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.



Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча жамиятга ўтади.

### **99-модда.** Жамиятни ажратиб чиқариш

Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир нечта жамият тузиш жамиятни ажратиб чиқариш деб ҳисобланади.

Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, ажралиб чиқаётган жамиятнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Жамият таркибидан бир ёки бир нечта жамият ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

### **100-модда.** Жамиятни қайта тузиш

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа ҳар қандай ҳужалик жамияти ёки ширкати-га айланишга ҳақли.

Қайта тузилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига жамиятни қайта тузиш, қайта тузишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Қайта тузилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қилади. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахс-

нинг қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Жамият қайта тузилганида қайта ташкил этилган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади.

### **101-модда. Жамиятни тугатиш**

Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг ҳукмига жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тугатиш тўғрисида ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Акциядорлик жамияти суднинг қарори билан тугатилганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

Агар давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлса, тугатиш комиссияси таркибига давлат мол-мулкани тасарруф этиш ваколати берилган орган вакили киритилади. Бу талаб бажарилмаган тақдирда, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган тугатиш комиссияси тайинланишига розилик беришга ҳақли эмас.

### **102-модда. Жамиятни тугатиш тартиби**

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати жамият тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, жамият ўз кредиторлари олдида мажбуриятларга эга бўлмаса,

унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида ушбу Қонуннинг 103-моддасига мувофиқ тақсимланади.

Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси жамиятнинг бошқа мол-мулкини кимосди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

### **103-модда.** Тугатилаётган жамият мол-мулкини акциядорлар ўртасида тақсимлаш

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан кейин тугатилаётган жамиятнинг қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда ушбу Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олишини лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкни оддий (одатдаги) акциялар ва барча турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар жамиятнинг мавжуд мол-мулки ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендлар ва жамият уставида белгиланган тугатиш қийматини бир турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк ана шундай турдаги имтиёзли акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида уларга қарашли шу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эллик инвестор мол-мулк тугатиш қийматининг ўзи олган қисмини белгиланган тартибда айирбошлашга ҳақлидир.

#### **104-модда. Жамият тугатилган пайт**

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

### **XI бўлим. ҲИСОБ-КИТОБ ВА ҲИСОБОТ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. ЖАМИЯТГА ДОИР АХБОРОТ**

#### **105-модда. Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби ва молия ҳисоботи**

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия орган зиммасида бўлади.

Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкый манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторни жалб этиши шарт.

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

### **106-модда.** Жамият ҳужжатларини сақлаб қўйиш

Жамият:

жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни, жамиятни тузиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулки бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган ҳужжатларни;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни; йиллик молия ҳисоботини;

акциялар эмиссияси маълумотномасини;

бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молия ҳисоботига доир ҳужжатларни;

акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) мажлисларининг баённомаларини;

жамият аффилланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини;

тафтиш комиссиясининг, аудиторнинг, давлат молия назорати органларининг хулосаларини;

жамият уставида, жамият бошқарув органларининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни сақлаб қўйиши шарт.

### **107-модда.** Жамиятнинг акциядорларга ахборот тақдим этиши

Жамият ушбу Қонун 106-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорлар фойдалана олишлари учун имконият таъминлаб беради, бухгалтерия ҳисоб-

китобида доир ҳужжатлар ва жамиятнинг коллегиял ижроия органи мажлисларининг баённомалари бундан мустасно.

Жамият акциядорнинг талабига биноан унга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг нусхасини ҳақ эвазига бериши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлашга кетадиган харажатлар қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш харажатларидан ортиб кетмаслиги керак.

**108-модда.** Жамият томонидан ахборотни эълон қилишнинг шартлиги

Очиқ турдаги жамият:

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобварағини;

жамият акциялари эмиссияси маълумотномасини;

ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни;

жамият аффилланган шахсларнинг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилиши шарт.

Жамият, шу жумладан, ёпиқ турдаги жамият ҳам, облигациялар ёки қимматли қоғозларни ошкора жойлаштирган тақдирда, бу хусусдаги маълумотларни ваколатли давлат органи белгиланган ҳажм ва тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши шарт.

Оммавий ахборот воситаларининг ушбу Қонунда назарда тутилган акциядорлик жамиятининг ахборотини эълон қилиши асоссиз равишда рад этишига йўл қўйилмайди.

**109-модда.** Жамиятнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборот

Шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ аффилланган деб ҳисобланади.

Жамиятнинг аффилланган шахслари жамиятнинг ўзларига қарашли акциялари тўғрисида уларнинг сони ва турларини кўрсатган ҳолда акциялар сотиб олинган санадан эътиборан кечи билан 10 кун ичида жамиятни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Агар аффилланган шахснинг айби билан мазкур ахборотнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида жамиятга мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс жамият олдида ўзи етказган зарар миқдо-рида жавобгар бўлади.

Жамият ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини юрити-ши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатларининг талабларига му-вофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт.

## **ХII бўлим. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **110-модда. Тафтиш комиссияси**

Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини сайлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари ушбу Қонун ва жамият устави билан белгиланади.

Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акция-дорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом-да белгилаб қўйилади.

Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунла-ри бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, ак-циядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қаро-рига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядор-ларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамият-нинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-ҳўжа-лик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларини тафтиш комиссия-сига тақдим этишлари шарт.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси ушбу Қонуннинг 72-мод-дасига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жа-миятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгал-лашлари мумкин эмас. Кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли ак-циялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғи-да овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

### **111-модда.** Аудитор

Аудитор (фуқаро ёки аудиторлик ташкилоти) жамият билан тузилган шартномага мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият аудиторини тасдиқлайди. Аудиторнинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

### **112-модда.** Тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг хулосаси

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси ёки аудитор хулоса тайёрлайди, бу хулосада:

ҳисоботларда ва жамиятнинг бошқа молия ҳужжатларида акс этирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига баҳо бериллади;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот бериллади.

## **XIII бўлим. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **113-модда.** Акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Давлат акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат органлари ва бошқа органларнинг аралашшига йўл қўйилмайди. Уларнинг қонунсиз хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **114-модда.** Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари

Акциядорларнинг ҳуқуқлари:

ушбу Қонунда белгиланган ва уставда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш орқали эмитент (акциядорлик жамияти бошқарув органлари);

қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция институтлари ва фонд биржалари;

қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг кўнгилли бирлашмалари;



суғурта ташкилотлари;

давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган; аудиторлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳимоя қилинади.

Акциядорлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектлари ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

**115-модда.** Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари

Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:

ҳуқуқни тан олиш;

ҳуқуқ бузилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузувчи ёки ҳуқуқни бузиш таҳдидини солувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

ўзини ўзи ҳимоя қилиш;

натура ҳолида ижро этишга ҳукм қилиш;

зарарларни қоплатиш;

неустойка ундириш;

маънавий зарар учун товон ундириш;

ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Акциядорлар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда жамоат бирлашмаларига уюшишга ҳақлидирлар.

Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**116-модда.** Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхона акцияларининг бирламчи эмиссияси чоғида меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Акциядорлик жамиятига айлантирилаётган давлат корхонаси меҳнат жамоаси аъзоларининг акцияларни сотиб олишдан иборат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатлари билан таъминланади. Меҳнат жамоаси аъзолари орасида жойлаштирилиши лозим бўлган акциялар улушининг миқдори ҳар бир ало-

ҳида ҳолатда давлат мулкани тасарруф этиш ваколати берилган орган томонидан белгиланади.

**117-модда.** Инвестиция институтларининг масъулияти

Инвестиция институтлари, фонд биржалари, аудиторлар ва бошқаларнинг масъулияти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**118-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

## **КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ

1997 йил 31 январь, № ПФ-1702

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, уни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган замонавий хорижий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида, шунингдек жалб этилаётган хорижий кредит маблағлардан самарали фойдаланиш манфаатларини кўзлаб:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаш учун халқаро молия ташкилотларининг кредит мажбуриятларини, шунингдек хорижий сармоядорларнинг маблағларини республиканинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда бошқа тижорат банклари орқали жалб этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифи иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариладиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чуқур қайта ишланадиган мавжуд кичик ва ўрта қўшма корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда шундай янги корхоналарни барпо этиш, шунингдек энг аввало қишлоқ жойларда инфраструктурани ривожлантириш йўли билан рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари жалб этилаётган хорижий кредит маблағлари ҳисобига биринчи навбатда пул билан таъминланади.

3. Давлат мулки қўмитаси, "Ўзистикболстат" давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, "Ўзинвестлойиҳа" компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Бизнесфонд, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда хорижий кредитларни жалб этиш ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг 1997 йилга мўлжал-

ланган устувор йўналишларини иловага мувофиқ ишлаб чиқсин.

4. "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси хорижий валютада олинадиган кредитларни таъминлаш учун берилган гаровларни белгиланган тартибда суғурта қилишни амалга оширсин.

5. 1997 йилнинг 1 февралидан бошлаб кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган технологик ускуналар учун импорт бож ҳақи тўловларидан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги "Ўзинвестлойиха" компанияси билан бирга кичик ва ўрта тадбиркорлик учун хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва технологиялар замонавий турларининг кўрик-савдоларини мунтазам суратда ўтказиб турсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилиб, бунда лойиҳаларни танлаб олиш тизимини ҳамда хорижий кредит мажбуриятларининг маблағлари ҳисобидан олинган ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун қарз олувчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги белгиланишини назарда тутсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

## **ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

1998 йил 9 апрель № ПФ-1987

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади:

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилга белгиланганидан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

2. Белгилаб қўйилсинки, кичик ва ўрта корхоналар одатда хом ашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадийий ҳунармандчилиги ва амалий санъа-ти буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб-киришда боғхона тўловларидан озод қилинсин.

Кўрғонлар, қишлоқ ва овулларда янгидан барпо этилаётган, ишлаб чиқариш-техника соҳасига мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 31-моддасининг 18-банди татбиқ этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар фақат Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.

4. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўз вазифаси ва фаолият йўналишларини кенгайтириш ҳақидаги таклифлари қуйидаги ҳолларда қабул қилинсин:

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг катта-кичиклиги, мулк шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунушидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисобот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларининг амалда бажарилиши борасидаги ишларни йўлга қўйиш;

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк» кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган тадбирларни мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банкларининг;

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк»нинг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиб кириши ҳақидаги;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тармоқ ва ҳудудий хўжалик бирлашмалари ва улар таркибига қирадиган корхоналарга кредит беришни амалга ошираётган тижорат банклари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятида шартнома асосида, унинг билвосита аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги;

ҳудудий хўжалик бирлашмалари, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг Палатанинг марказий ва минтақавий кенгашлари фаолиятида уларнинг аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг 4- ва 5-бандларидан келиб чиқадиган барча зарур низом ўзгаришларини амалга оширсин.

6. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватловчи Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг уни Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантириш, айна вақтда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фондини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди деб аташ ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон ва фермер хўжаликларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштиради, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

«Замин» банкининг Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок этиш;

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун 20 мингдан 125 минг АҚШ долларигача миқдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналиши ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳам қўшган ҳолда, сармоя лойиҳаларига ажратилган

хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган восита-чилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинадиган йиллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим;

хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаёмга қайта тақсимланаётганида 3 ойдан ортиқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.

8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари, жумладан, «Тадбиркорбанк» ва «Замин» банки орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган бош битимлар асосида кредит йўллари очиш орқали амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўзининг ихтисослашган ташқи савдо фирмалари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни ташкил этсин. Уларга хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотини ўтказишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бўлимлари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, маҳаллий солиқ ва статистика хизматлари билан биргаликда 1998 йил 1 июлига қадар барпо этилган ва ишлаб турган кичик ва ўрта бизнесга мансуб барча корхоналарнинг сонини аниқлаш мақсадида, уларнинг рўйхатини инвентаризациядан ўтказсинлар;

хусусий кичик ва ўрта корхоналарнинг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли ҳудудий бўлимларига ёки Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига белгиланган тартибда аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини барпо этилаётган ва тугатилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳақидаги ахборот билан ҳар ойда таъминлаб турсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида:

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида;



кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилсин.

12. Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон қоидаларига мувофиқлаштириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

## РЕСПУБЛИКАДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1992 йил 26 февраль, № 85

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги 312-сон қарорига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дехқон (фермер) хўжалиklarини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги Фармонига мувофиқ ва бозор инфраструктурасини жадал шакллантириш, давлатга қарашли бўлмаган корхоналарни ва фуқароларни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга фаол жалб этиш, республика бозорини истеъмомол моллари билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

3. Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомлар 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари ўз амалий фаолиятида Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги қондаларга қатъий амал қилсинлар, хўжалик ташаббускорлигини фаол ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар, жойлардаги давлат ва хўжалик органлари, юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан тегишли республика қонунчилиқ ҳужжатлари бажарилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
**1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарорига**  
**2-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикасида**  
**кичик корхоналар тўғрисида**  
**НИЗОМ**

Низом бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш манфаатлари йўлида Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналарни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни танҳо ҳукмронликдан халос қилиш, рақобатни ривожлантириш, янги ишчи ўринлари барпо этиш, халқ хўжалиги тузилмасини қайта янгилаш, товарлар ишлаб чиқаришни ва кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш, республика истеъмол бозорини улар билан тўлдириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Барча мулкчилик шаклларидаги кичик корхоналарни ташкил этиш, уларнинг ишлаши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”, “Ижара тўғрисида” қонунлари, шунингдек республиканинг бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатига олиш, уларнинг фаолияти, уларни бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш хусусиятларини белгилайди.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар (жумладан, аралаш мулк), ҳуқуқий шахс ҳуқуқлари билан мустақил хўжалик юритувчи субъект кичик корхона ҳисобланади, бунда у ишловчилар сони чекланган ҳолда ҳамда мулк, тўла хўжалик юритиш ёки тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқлари бўйича ўзига тегишли бўлган мол-мулк асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, ишларни бажаради, хизматлар кўрсатади.

2. Кичик корхоналарга:

саноатда - 40 кишигача ишловчиси бўлган;

қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида - 20 кишигача ишловчиси бўлган;

фан соҳасида, илмий хизмат кўрсатишда, чакана савдода ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида - 10 кишигача ишловчиси бўлган юридик шахслар киради.

Мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар ҳам кичик корхоналарга киради.

*(Тўлим 2-бандининг иккинчи-олтинчи хатбоишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги 312-сон қарори тахририда).*

3. Кичик корхоналар республиканинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва ўзларининг уставларида белгиланган мақсадларга жавоб берувчи исталган хўжалик фаолияти билан, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Бир неча хилдаги хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар (кўп ихтисосли) ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш (ишлар, хизматлар) ҳажмида устунлик қилувчи фаолият тури мезони бўйича кичик корхоналар таркибига киради.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турлари билан кичик корхона фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

4. Кичик корхоналар ўз номидан шартномалар, битимлар, хоҳиш-истаклар баёнларини тузишлари, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари, мажбурият олишлари, судда, ҳакамлик ҳамда холислик судида даъвогар ва жавобгар бўлишлари мумкин.

Тижорат ташкилотлари ҳисобланувчи кичик корхоналар мустақил балансга эга бўладилар ҳамда ўз харажатларини ўзи молиявий ва валюта билан тўла қоплаш асосида ишлайдилар.

5. Ҳар бир кичик корхона алоҳида мулкка эгаллик қилади, уни бошқа корхоналардан (ташкилотлардан) фарқловчи ҳамда корхонанинг турини ва унинг фаолият соҳасини кўрсатиб турувчи фирма номига (шу жумладан, қисқартма номига), банкларда ҳисоб-китоб счётига ва бошқа счётларга, ўз номи ёзилган муҳрга ва иш қоғозларига эга бўлади.

6. Кичик корхоналар республика ҳудудида ва унинг ташқари-сида алоҳида корхоналар, фирмалар, ваколатхоналар ва устав-да кўрсатилган бошқа алоҳида бўлинмаларни тузиш, хўжалик уюшмаларига, концернларга, консорциумларга ва бошқа хўжа-лик бирлашмаларига ихтиёрий равишда бирлашиш ҳуқуқига эга.

## **II. КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ДАВЛАТ РҲЙХАТИГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

7. Кичик корхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбе-кистон Республикасида мулк тўғрисида”ги Қонунида белгилан-ган исталган мулкчилик шаклида ташкил этилиши мумкин, улар-га аралаш корхоналар, оилавий корхоналар, тўлиқ ширкат, ком-мандитлик ширкатлари, масъулияти чекланган ёки қўшма масъ-улиятли жамиятлар, акционерлик жамияти, ижара корхонаси, жамоа корхонаси, давлат корхонаси ва тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бошқа корхоналар киради.

Фуқароларнинг мулкига асосланган кичик корхоналарни ту-зиш, рўйхатга олиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатишнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Рес-публикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом, рес-публиканинг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари шаклидаги кичик корхо-наларнинг ҳуқуқий ҳолати республиканинг кооперация тўғри-сидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хорижий инвестициялар билан кичик корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар Ўзбе-кистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республика-сида хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбе-кистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳ-камасининг 1991 йил 12 ноябрдаги 190-сон қарори билан тас-диқланган хорижий инвестициялар билан корхоналар, халқаро бирлашмалар, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини тузиш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги низомлар, республиканинг бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Мулкнинг аралаш шакллари асосида кичик корхоналарни ташкил қилишда корхоналарнинг тури мазкур корхонани таш-кил қилган мулкдорларнинг мулкӣ улуши салмоғига кўра бел-гиланади.

Кичик корхоналарнинг қолган барча турларини ташкил қилиш, уларнинг ишлаши ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги Қонуни ва корхоналар турларининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда тегишли низомлар, республиканинг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

8. Қуйидагилар кичик корхоналарнинг таъсисчилари бўлишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, республика ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, биргаликда меҳнат хўжалиги юритувчи оила аъзолари ва фуқаролар гуруҳи;

давлат корхоналари, ижарачи корхоналар, жамоа корхоналари ва қўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари, хўжалик бирлашмалари (ассоциациялар, уюшмалар, концернлар, консорциумлар ва ҳоказолар), жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, хайрия жамғармалари ва бошқа жамғармалар, юридик шахслар бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотлар;

давлат мулкани бошқариш ваколатига эга бўлган бошқа давлат органлари;

хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Кичик корхоналар кўрсатилган органлар, юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан биргаликда ташкил этилиши мумкин.

9. Кичик корхоналар ҳам мустақил асосларда, ҳам давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари, корхоналари, муассасалари ва ҳоказолар ҳузурида ташкил этилади ва ишлайди.

10. Кичик корхоналар таъсисчининг (таъсисчиларнинг), мулк эгасининг (эгаларининг) ёки у (улар) ваколат берган органнинг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг қарори бўйича ташкил этилади. Таъсис қилиш чоғида кичик корхоналарга, таъсисчилар томонидан мулк эгасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш билан ёки тўла хўжалик юритиш, тезкор бошқариш ҳуқуқлари билан мол-мулк берилади.

11. Кичик корхона ишлаб турган бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар таркибидан бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларнинг (бирликнинг) кўрсатилган бўлинма (бўлинмалар) ёки таркибий бирлик (бирликлар) меҳнаткашлар жамоаларининг ташаббуси бўйича ажралиб чиқиш натижасида ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун эса корхона мулки эгасининг (у ваколат берган органнинг, бирлашманинг, корхона ва ташкилотнинг)

розилиги керак ҳамда бирлашма, корхона, ташкилот томонидан илгари зиммага олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши лозим.

Бу ҳолларда таркибидан кичик корхона ажралиб чиққан бирлашма, корхона, ташкилот ушбу корхонанинг таъсисчиси бўлади.

12. Кичик корхона устав асосида, коммандитлик ширкати, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тарзидаги кичик корхоналар эса таъсис ҳужжатлари ҳисобланувчи таъсис шартномаси ҳамда устав асосида ташкил этилади ва ишлайди.

Таъсис шартномаси кичик корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) томонидан тузилади, устав эса тасдиқланади.

Таъсис ҳужжатларида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи ва тури, унинг жойлашган ўрни, фаолият соҳаси ва мақсадлари, бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ҳуқуқ доираси, мол-мулкни ҳосил қилиш, даромад (фойда) ва зарарларни тақсимлаш тартиби, корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари, шунингдек, тегишли кўринишдаги юридик шахслар тўғрисида қонунларда назарда тутилган бошқа маълумотлар.

13. Кичик корхона республиканинг ваколатли органларида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

14. Кичик корхона жойлашган жойдаги ноҳия, шаҳар, шаҳарлардаги ноҳия ҳокимликларида, биржа тарзидаги кичик корхоналар - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, хорижий инвестицияли корхоналар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатига олинадилар.

15. Давлат рўйхатига олиш учун рўйхатга олувчи тегишли органга қуйидагилар тақдим этилади:

таъсисчининг (таъсисчиларнинг) рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси;

таъсис ҳужжатлари (корхонанинг устави, корхонанинг тегишли турида эса - таъсис шартномаси ҳам);

корхона ташкил этиш тўғрисидаги қарор (мулк эгасининг қарори, мажлис баёни);

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

кичик корхона ташкил этиш ва унинг фаолияти учун ер майдони, бошқа табиий ресурслар талаб этилган ҳолларда - ердан фойдаланувчининг розилик хати.

Масъулияти чекланган жамият тарзидаги кичик корхоналар рўйхатга олиш вақтида қатнашчиларнинг устав фондига камида 30 фоиз миқдорида улуш қўшганликлари тўғрисида гувоҳлик берувчи банк ҳужжатини ҳам тақдим этадилар.

Фуқаролар таъсисчилар бўлган ҳолларда таъсис ҳужжатлари нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Рўйхатга олиш учун бошқа ҳужжатлар (шу жумладан, ҳар хил маълумотлар, битишувлар, кафолат хатлари, юридик манзилгоҳлар бериш тўғрисида шартномалар ва шу кабилар)ни тақдим этиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан назарда тутилмаган ва улар талаб қилинмаслиги керак.

16. Кичик корхонани давлат томонидан рўйхатга олиш зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, рўйхатга олиш тўғрисида ариза олинган пайтдан бошлаб кечи билан 10 иш кунда амалга оширилади.

Корхонани ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб давлат томонидан рўйхатга олишни рад этишга йўл қўйилмайди. Рад этилган ҳолларда рўйхатга олувчи орган аризаچига рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилган ёзма хулосани беради. Давлат томонидан рўйхатга олишни рад этиш сабаблари таъсисчи (таъсисчилар) томонидан асоссиз деб топилса ёхуд корхона белгиланган муддатда рўйхатга олинмаса, таъсисчи (таъсисчилар) судга, ҳакамлик судига мурожаат қилиши мумкин.

Кичик корхонани рўйхатга олишнинг асоссиз равишда рад этилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирда, рўйхатга олувчи органлар моддий жавобгарликка тортиладилар. Моддий жавобгарликнинг миқдорлари суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

17. Кичик корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар рўйхатга олган орган томонидан ўн кун муддат ичида ягона давлат рўйхатига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хабар қилинади.

### **III. КИЧИК КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ**

18. Кичик корхонанинг мулки асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати мустақил балансда акс этадиган ва корхонага мулк ёхуд тўла хўжалик юритиш ва тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи бўйича тегишли бўлган бойликлардан ташкил топади.



Давлат кичик корхонанинг умумий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-ни кафолатлайди. Корхонадан унинг асосий фондларини, айланма маблағларини ва ўзи фойдаланадиган бошқа мулкларнинг давлат томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, республика қонунчилиқ ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

19. Қуйидагилар кичик корхонанинг мулкни шакллантириш манбалари ҳисобланади:

таъсисчиларнинг пул ва моддий бадаллари;

маҳсулотларни, ишларни реализация қилишдан, шунингдек, хўжалиқ фаолиятининг бошқа турларидан даромадлар;

қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

банклар ва бошқа кредитчиларнинг кредитлари;

беғараз ёрдам ёки хайр-эҳсон бадаллари, ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг ҳадялари, шунингдек, мерос бўйича алмаштириш ва совға қилиш йўли билан олинган мулк;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиқ ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

20. Кичик корхонанинг фаолиятини таъминлаш учун корхонанинг уставида назарда тутилган миқдорларда ва низомлар, бошқа қонунчилиқ ҳужжатларига мувофиқ унинг турига боғлиқ равишда устав жамғармаси ҳосил қилинади.

Корхонанинг устав жамғармасига қўшиладиган улушлар ҳисобига мулкӣ ва интеллектуал бойликларнинг барча турлари киритилиши мумкин.

21. Кичик корхона ўзига қарашли биноларни, иншоотларни, асбоб-ускуналарни, транспорт воситаларини, жиҳозларни, хом ашё ва бошқа моддий бойликларни бошқа корхоналарга, ташкилотлар ва муассасаларга сотиш ва бериш, айирбошлаш, ижарага топшириш, вақтинча бепул фойдаланиши а ёки қарзга бериш туриш, шунингдек агар республиканинг қонунчилиқ ҳужжатларида ва корхона уставида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, уларни балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

22. Кичик корхонанинг пул маблағлари мамлакат ва чет эл валютасида банк муассасаларидаги ҳисоб-китоб счётларида сақланади.

23. Кичик корхона ўз хўжалиқ фаолиятини тўла хўжалиқ ҳисоби асоёларида мустақил амалга оширади, ўз хўжалиқ фаолияти натижалари учун, меҳнат жамоаси ва тузилган шартномалар юзасидан шериклар олдида, давлат бюджети ва банклар олдида амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

24. Корхонанинг бошқа юридик шахслар ва фуқаролар билан ҳўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги муносабатлари шартномалар асосида қурилади.

25. Кичик корхона ўз маҳсулотини (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш чиқиндиларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса бошқариладиган нархларда сотади.

26. Кичик корхона ўз ишлаб чиқариши ва капитал қурилишининг моддий-техникавий таъминотини ихтисослашган таъминот-савдо ташкилотларининг, биржаларининг хизматларидан фойдаланиш, ярмаркаларда, кимошди савдоларида ва бевосита ишлаб чиқарувчилардан, шунингдек импорт бўйича сотиб олиш йўли билан мустақил ташкил этади.

Белгиланган топшириқлар миқдорларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш (хизмат) бажарувчи корхоналар белгиланган тартибда фондлардаги моддий-техника ресурслари билан таъминланадилар.

27. Меҳнат муносабатлари, жумладан, ходимларни ёллаш, бошқа ишга ўтказиш, бўшатиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунлар билан бошқариб борилади.

Ходимлар иш ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Корхона меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек ходимларнинг бошқа турдаги даромадлари шаклларини, тартибини ва миқдорларини мустақил равишда белгилайди.

Корхона у ердаги барча ишловчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга мажбурдир ҳамда уларнинг соғлиғига ва меҳнат қилиш лаёқатига етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Кичик корхона ходимлари давлат корхоналари ходимлари учун белгиланган тартибда ва шартларда ижтимоий ва тиббий суғурта қилинади ва ижтимоий таъминланади.

Корхона амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат ижтимоий суғурта жамғармасига ва пенсия жамғармасига маблағ ўтказиши шарт.

29. Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, меҳнат жамоаси аъзоларининг, юридик шахсларнинг, фуқароларнинг пай ва бошқа бадаллари, шунингдек бошқа тушумлар кичик корхонанинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

30. Кичик корхоналар корхоналардан, бирлашмалар ва ташкилотлардан солиқ олиш тўғрисидаги, валютани бошқариб бориш ва ҳоказо тўғрисидаги амалда бўлган республика қонунларига мувофиқ даромаддан (фойдадан) ва валюта тушумидан тўловлар тўлайди.

Бирлашма, корхона ёки ташкилот таркибидан ажралиб чиқиш йўли билан кичик корхона тузишда фойдадан (даромаддан) бюджетга тўловларнинг камайишига йўл қўйилмаслиги керак.

Кичик корхоналар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқариш жамғармаларининг фаол қисмини жадал амортизация қилишлари мумкин.

31. Кичик корхоналарда қоладиган соф фойда унинг тўла тасарруфига келиб тушади. Корхона соф фойдадан фойдаланиш йўналишларини мустақил белгилайди, ўз фаолияти ва жамоанинг ижтимоий ривожланиши учун зарур бўлган захира жамғармасини ва бошқа жамғармаларни тузади.

32. Кичик корхонани бошқариш унинг уставига мувофиқ, меҳнат жамоасининг ўзини ўзи бошқариш принципларини ва ўз мол-мулкидан хўжаликда фойдаланиш бўйича мулкдорнинг ҳуқуқларини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади. Корхона бошқарувнинг тузилишини, шакллари ва усулларини, штатларни мустақил белгилайди.

Умумий йиғилиш корхона меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Корхона раҳбари фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун йиғилишда тафтиш комиссияси тузилади. Корхона раҳбари тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

33. Кичик корхона белгиланган тартибда ўз иш натижаларининг тезкор бухгалтерлик ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисобот олиб боради.

#### **IV. КИЧИК КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

34. Кичик корхона фаолияти уни қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшиб олиниш, бўлиниш, ажралиш, айлантириш) ёки тугатиш йўли билан тўхтади.

Қайта ташкил этилганда корхонага тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

35. Кичик корхона ўз мол-мулкининг эгаси ёки бундай корхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарори бўйича ёхуд суд ёки ҳакамлик судининг қарори бўйича, шунингдек унинг

инқирозга учраганлиги эътироф этилган ҳолларда ва республиканинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа асослар бўйича ўз фаолиятини тўхтатади.

36. Кичик корхонанинг қайта ташкил этишда ва тугатишда бўшатиладиган ходимларга қонунларга мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилишга кафолат берилади.

37. Кичик корхонани тугатиш мулкдор ёки у ваколат берган орган томонидан тузиладиган тугатиш комиссияси, корхона фаолияти суд (ҳакамлик) қарори бўйича ёки инқирозга учраганлик туфайли тугатилган ҳолларда эса - ушбу органлар тайинлайдиган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Корхонани, уларнинг қарори бўйича, корхонанинг ўзи ҳам унинг бошқарув органи томонидан тугатиши мумкин.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш ваколатлари унга ўтади. Комиссия тугатиладиган корхонанинг мавжуд мол-мулкни баҳолайди, унинг дебиторлари ва кредиторларини аниқлайди ва улар биан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни мулкдорга ёки комиссияни тайинлаган органга тақдим этади.

Тугатиш комиссияси ўз айби билан корхонага етказилган зарар учун фуқаролик қонунларига мувофиқ мулкий жавобгардир.

38. Давлат рўйхатига олиш дафтарига тегишли ёзувлар киритилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этиш ёки тугатиш ниҳоясига етган, кичик корхона эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарорига  
**3-ИЛОВА**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Хусусий тадбиркорлик - бу ташаббускорлик, амалдаги қонунчилик доирасидаги хўжалик фаолияти бўлиб, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида таваккалчилик билан ва ўз зиммасига мулкый жавобгарлик олиб, ёлланма меҳнатни жалб этган ҳолда фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан амалга оширилади.

Хусусий тадбиркорлик юридик шахс бўлмасдан амалга ошириладиган якка тадбиркорлик фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

2. Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхона мулкининг ҳаммаси ёки бир қисми фуқаро мол-мулкига ўтиши ёки сотиб олиниши, ижарадаги мол-мулкнинг сотиб олиниши ёки қонунда назарда тутилган бошқа воситалар билан шахсий жамғармалар банк кредитлари асосида сотиб олиниши, шунингдек тадбиркорнинг давлат мулкидан ва жамоат ташкилотларининг мулкидан фойдаланиши асосида, юқорида санаб ўтилган мулк шаклларини уйғунлаштириш асосида вужудга келади.

3. Фуқаролар - тадбиркорларнинг хусусий мулкчилигига асосланган корхона хусусий корхона бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ҳақида" ва "Ўзбекистон Республикасида корхоналар ҳақида"ги Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

Хорижий юридик шахслар ва фуқароларнинг хусусий тадбиркорлигини вужудга келтиришнинг, фаолиятининг, уни тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар ҳақида", "Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 ноябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган хорижий сармоялар билан корхоналар, халқаро бирлашмалар, уларнинг таркибий бўлинмаларини тузиш, фаолият кўрсатиш ва

давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

4. Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликни вужудга келтириш, фаолият кўрсатиш ва уни тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

## **II. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

5. Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланадилар, улар мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўладилар.

6. Хусусий корхона ўзи жойлашган ердаги ноҳия, шаҳар ва шаҳарлардаги ноҳиялар ҳокимликларида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Юридик шахс бўлмасдан ўз фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган тадбиркор яшаш жойидаги ноҳия, шаҳар ва шаҳарлардаги ноҳиялар ҳокимликларига ариза беради.

7. Хусусий корхоналар ўз филиалларига, тармоқ корхоналарига ва ваколатхоналарига эга бўлишлари мумкин.

8. Хусусий корхонани давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатига олиш учун тадбиркорнинг аризаси ва корхонанинг устави тақдим этилади.

9. Хусусий корхонани рўйхатга олиш ёки уни рўйхатга олмасликни асосли равишда рад этиш зарур ҳужжатлар билан ариза берилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади. Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатига олинмаган бўлса ёхуд корхонани рўйхатга олиш асосли равишда рад этилган бўлсаю, тадбиркор уни асоссиз деб билса, у судга мурожаат этиши мумкин.

10. Корхонани давлат рўйхатига олганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда давлат божи олинади.

11. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорликнинг шаклларида бири ҳисобланади ва фуқаролар томонидан юридик шахс бўлмасдан амалга оширилади. Юридик

шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ноҳия, шаҳар, шаҳарлардаги ноҳиялар ҳокимликлари томонидан рухсатнома берилади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган фуқароларга солиқ органлари томонидан давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган форма бўйича юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга деган гувоҳнома берилади.

Аҳолига енгил автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш, расмга тушириш, қурилиш, фуқароларга тегишли квартираларни (уйларни ва бошқа хоналарни) тузатиш ва ободонлаштириш, фуқаролар томонидан уюштирилладиган тўйларда, тантаналарда ва бошқа тадбирларда маданий хизмат кўрсатиш, мол-мулкни (қурилмалар, квартиралар, хоналар ва автомобиллардан ташқари) прокатга (ижарага) бериш, аквариум балиқлари кўпайтириш бўйича юридик шахс бўлмасдан давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга деган гувоҳнома фуқаролар томонидан даромад солиғининг белгилаб қўйилладиган суммаси тўлангандан сўнг берилади. Даромад солиғининг белгиланган суммалари ноҳия, шаҳар ва шаҳарлардаги ноҳиялар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

### **III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА ФАОЛИЯТИ**

12. Хусусий корхонанинг мулкани асосий ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

13. Хусусий корхона мулкани шакллантириш ва кўпайтириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

мулкдорнинг пул ва моддий маблағлари;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг қонун билан тақиқланмаган бошқа турларидан олинган даромадлар;

банклар ва бошқа кредит берувчиларнинг кредитлари;

қимматли қоғозлар билан бўлган муомалалардан олинган дивидендлар;

қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромадлар;

мерос бўйича, айирбошлаш ва инъом қилиш йўли билан олинган мол-мулк;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Хусусий корхонанинг эгаси ўз мол-мулки бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган исталган хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир.

15. Хусусий корхона мулкдорга хусусий ва шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган ўз мулки билан мажбуриятлар бўйича жавоб беради.

16. Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Хусусий корхонани бошқаришни унинг эгаси ташкил қилади.

17. Хусусий корхона ўз маҳсулотларини (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш чиқиндиларини мустақил равишда ёки шартнома асосида белгиланган нархлар ва тарифлар бўйича, амалдаги қонунлар билан назарда тутилган ҳолларда эса, бошқариладиган нархлар бўйича реализация қилади.

18. Барча ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга кетган маблағларни (иш ҳақи, ижара учун тўлов, қарзларни ва ссудалар бўйича фоизларни тўлаш ва ҳоказо шунга киради) маҳсулотни реализация қилишдан тушган тушумдан чиқариб ташлагандан кейин қоладиган соф фойда мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади, ундан у ўз хоҳишига кўра фойдаланади.

19. Хусусий мулк асосида фаолиятни амалга оширувчи корхонанинг даромадларига корхона эгасининг шахсий даромадлари сифатида қаралади ва "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий шахслардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ солиқ олинади.

20. Хусусий тадбиркор пул мбалағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисоб-китоб ва бошқа счётларни очиши мумкин.

21. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюмларнинг номи ёки рамзи, буюмни тавсифловчи бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда албатта тамғаланиши керак.

22. Ўзга фирма ва товар белгиларини, шунингдек, бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини бошқа тайёрловчининг буюмлари билан аралашиб кетишига йўл қўядиган исталган маълумотларни ўзлаштириб олишга йўл қўйилмайди.



23. Рақобатчининг обрўсига путур етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилишга ишлаб чиқариш квоталари тўғрисида барча тил бириктиришларга, сотиш ва таъминот бозорларини бўлиб олишга, эркин рақобатни чеклаш мақсадида танҳо юқори ёки паст нархларни ушлаб туришга йўл қўйилмайди.

24. Хусусий корхона ўз маҳсулотини ва капитал қурилишни ихтисослаштирилган таъминот-сотиш ташкилотлари, биржаларнинг хизматларидан фойдаланиш, ярмаркаларда кимошди савдосида ва бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан, шунингдек импорт бўйича сотиб олиш йўли билан мустақил равишда моддий-техник таъминлашни ташкил этади.

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни (хизматларни) бажарувчи хусусий корхоналар белгиланган тартибда фондли моддий-техника ресурслари билан таъминланадилар.

25. Хусусий корхона эгаси белгиланган муддатларда давлат солиқ органларига шахсий даромадлари тўғрисидаги декларацияни, статистика органларига эса хусусий корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади.

26. Хусусий корхона белгиланган формалар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги учун қонун билан белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Хусусий корхонанинг молия ва хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган солиқ ва бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти текшириладиганда текширувчи органлар томонидан корхонанинг тижорат сирларидан иборат маълумотларнинг сақланишига ва ошкор қилинмаслигига риоя этиш таъминланади.

#### **IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ИШЧИ КУЧЛАРИНИ ЁЛЛАШ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

28. Хусусий корхоналар ходимларни меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ёллайди. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади, унда томонларнинг ҳуқуқи ва бурчлари кўрсатилади.

29. Меҳнат шартномаси (контракти) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

муайян мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича ишларни бажариш мажбуриятлари;  
шартнома тузилган муддат;  
меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шартлари, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;  
ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги;  
меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;  
томонларнинг келишуви бўйича бошқа маълумотлар.

30. Хусусий корхоналар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунчилиги талабларига риоя этишга, корхонада ички меҳнат тартиби қондасини белгилашга, хавфсизлик, санитария ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя қилишга мажбурдирлар.

31. Хусусий корхонада ишлайдиган ходимларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

32. Ёлланма ишчиларнинг шартнома ёки контрактда келишилган меҳнат ҳақи давлат томонидан белгиланган энг кам миқдорлардан паст бўлмаслиги керак.

33. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

34. Хусусий корхоналарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган иш куни, иш ҳафтаси ва меҳнат таътилининг давом этиш муддатига риоя қилинади.

35. Хусусий корхонада ишлаш вақти корхонанинг Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасига ажратмалари асосида пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади.

36. Хусусий корхоналардаги меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

37. Хусусий корхонадаги ёлланма ходимлар сони (филиаллар, тармоқ, корхоналар ва ваколатхоналардаги ишловчилар сонини қўшганда) куйидагилардан кўп бўлиши мумкин эмас:

саноатда ва қурилишда - 20 кишигача;

ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида - 50 кишигача;

ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида - 25 кишигача;

чакана савдода - 15 кишигача.

## V. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУГАТИШ

38. Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарорига кўра ёки суднинг (ҳакамлик судининг) қарори билан таъсисчиларнинг корхона ташкил этиш тўғрисидаги актлари суд томонидан ҳақиқий эмас, корхона инқирозга учраган, фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси қонунига хилоф деб топилган ҳолларда амалга оширилади.

39. Хусусий корхона давлат рўйхатидан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

40. Бюджет ва ташкилотлардан, тугатилган хусусий корхона ходимларидан қарзлар белгиланган тартибда тўлангандан кейин қолган маблағларнинг бир қисми корхона эгасига тегишли бўлади.

## VI. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ

41. Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишига кафолат беради, эркин равишда виждонан рақобатлашиш учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлайди, ушбу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймайди.

42. Агар давлат органи ёки бошқа орган томонидан ўзининг ваколатига ёхуд қонунчилик талабига мос келмайдиган акт чиқарилиши натижасида хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилса, у бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

43. Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқларини бузувчи кўрсатмаларини бажариш натижасида хусусий тадбиркорга етказилган зарарлар, шунингдек бундай органлар ёки мансабдор шахслар томонидан хусусий тадбиркорга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган мажбуриятларнинг етарли даражада амалга оширилмаслиги оқибатида етказилган зарарлар ана шу органлар томонидан қопланади. Зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

## **ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**1995 йил 14 февраль № 55**

*(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарорига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).*

*[Кучирма].*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида" 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
**1995 йил 14 февралдаги 55-сон қарорига**  
**2-илова**

**Ўзбекистон Республикасида**  
**хусусий тадбиркорлик тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Хусусий тадбиркорлик - бу фуқаролар (алоҳида **фуқаро**) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва **мулкий** жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Фаолиятни елланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва корхонани рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (якка тартибдаги тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширишга ҳақлидир.

*(1 банднинг учинчи хатбошига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори тахририда).*

2. Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхонанинг барча мулки ёки унинг бир қисми **фуқаро** мулкига ўтиши ёки у томонидан харид қилиниши, ижарадаги мулк сотиб олинниши ёки у қонунда назарда тутилган бошқача усулларда қўлга киритилиши асосида юзага келади.

3. Тадбиркор фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган корхона Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонушлар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ фаолият кўрсатувчи хусусий корхона ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг амал қилиши хорижий фуқаролар иштирокидаги хусусий корхоналарни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ва тугашининг ҳуқуқий ва иқтисодий негизларига таъбиқ этилмайди.

*(3 банднинг иккинчи хатбошига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарорига ошван киритилди).*

4. Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий асослари шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

*(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори тахририда).*

## **II. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РҲЙХАТДАН ҲТКАЗИШ ТАРТИБИ**

5. Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланадилар, мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўладилар.

6. Хусусий корхона ўзи жойлашган жойдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

*(6-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарорига биноан чиқариб ташланди).*

7. Хусусий корхоналар ўз филиаллари, шуъба корхоналари ва ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

8. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза (1-илова), корхона устави (муассис томонидан нотариус иштирокисиз тасдиқланган), шунингдек корхонани рўйхатдан ўтказганлик учун белгиланган миқдорда давлат божи тўлангани тўғрисида тўлов ҳужжати тақдим этилади.

*(8-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори тахририда).*

9. Хусусий корхонани рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишнинг асосланган ҳолда рад этилиши ариза берилган кундан бошлаб уч кун мобайнида амалга оширилади. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисобловчи сабабларга кўра рўйхатга олиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

10. Рўйхатдан ўтказилган корхонага: ҳокимнинг корхона рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги қароридан кўчирма нусха, ҳокимлик рўйхатдан ўтказган ва тасдиқлаган корхона устави ва албатта корхоналар реестрига киритган ҳолда корхона рўйхатдан ўтказилгани хусусидаги давлат ордери (2-илова) топширилади.

*(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори тахририда).*

### **III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ**

11. Хусусий корхона мулкани асосий ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

12. Хусусий корхона эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақлидир.

13. Хусусий корхона мажбуриятлар бўйича шахсий мулк ҳуқуқида корхона эгасига тегишли бўлган ўз мулки билан жавоб беради.

14. Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Корхона эгаси хусусий корхонани бошқаришни ташкил этади.

15. Хусусий корхона ўз маҳсулоти (ишлар, хизматлар)ни, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича сотади.

16. Маҳсулотни сотишдан тушган пулдан барча ишлаб чиқариш ва бошқа мажбурий тўловлар(меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ҳақи, қарзларни тўлаш, ссудалар бўйича фоизлар ва бошқалар ҳам шунга киради)ни қоплаш суммаси чегирилгандан сўнг қолган даромад мулкдорнинг тadbиркорлик даромади ҳисобланади, уни мулкдор ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади.

17. Фаолиятни хусусий мулк асосида амалга ошираётган хусусий тadbиркорларнинг даромадларига мулк эгасининг шахсий даромади сифатида қаралади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинади.

18. Хусусий тadbиркор пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисоб-китоб ва бошқа сётларни очишга ҳақлидир.

19. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар, уларда фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни ифодаловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиб, албатта маркировка қилиниши керак.

20. Хусусий корхона белгиланган шакллар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Хусусий корхонанинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан зиммасига текшириш функцияларини бажариш юкланган солиқ органлари, шунингдек аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти текширилганда текширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларнинг сақланишига риоя этилишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлайдилар.

#### **IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ИШЧИ КУЧНИ ИЛЛАШ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ**

22. Хусусий корхоналар ходимларни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб ёзма шаклда тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ёллайдилар.

23. Меҳнат шартномаси (контракти) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

маълум ихтисослик, малака ёки лавозим бўйича ишни бажариш мажбурияти;

контракт тузилган муддат;

меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;

ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги;

меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;

томонларнинг келишувига кўра бошқа маълумотлар.

24. Хусусий корхона Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга, корхонадаги ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилашга, меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиенаси талабларига риоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.



25. Хусусий корхонада ишлаётган ходимларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

26. Ёлланиб ишлаётган шахслар меҳнатига шартнома ёки контрактда кўрсатиб ўтилган ҳақ тўлаш давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

27. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмалар ажратади.

28. Хусусий корхоналарда меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

## **V. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУГАТИШ**

29. Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарори бўйича ёки суд томонидан таъсисчиларнинг корхонани ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлари қонуний кучга эга эмас деб топилган, банкрот бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид фаолият амалга оширилган ҳолларда суд (хўжалик суди) қарори билан амалга оширилади.

30. Шахсий корхона давлат рўйхатига олиш реестридан чиқарилган пайдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

31. Маблағларнинг бюджет ва ташкилотлар, тугатилган шахсий корхона ходимларидан қарзлар белгиланган тартибда тўлангандан сўнг қолган қисми корхона эгасига тегишли бўлади.

## **VI. ЮРИДИК ШАХСНИ ТАШКИЛ ЭТМАЙ ТУРИБ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ХОҲИШИНИ БИЛДИРГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

32. Якка тартибдаги фаолият хусусий тадбиркорликнинг бир қисми бўлиб, жисмоний шахс томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширилади.

33. Юридик шахсни ташкил этмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан олинadиган рўйхат ва жисмоний шахслардан олинadиган рўйхат йиғими ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

34. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур шахс доимий яшаш жойидаги туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги томонидан зарур ҳужжатлар билан бирга ариза топширилгандан сўнг 3 кун мобайнида амалга оширилади. Агар давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтказилмаган ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисоблаган сабабларга кўра рад этилган тақдирда у судга муурожаат қилиши мумкин.

35. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ариза (3-илова), 3x4 ўлчамидаги учта фотосурат, паспорт, шунингдек рўйхатдан ўтказилганлик учун белгиланган миқдорда давлат божи тўланганидан гувоҳлик берувчи ҳужжат.

Тадбиркор махсус ижозатни талаб қиладиган фаолият тури билан шуғулланиш хоҳишини билдирса, у тегишли органлар хулосасини тақдим этиши шарт.

36. Юридик шахсни ташкил этмасдан туриб ўз фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахсга жисмоний шахсларни рўйхатга олиш реестрига албатта киритган ҳолда давлат рўйхатига олингани тўғрисида гувоҳнома (4-илова) топширилади. Мазкур гувоҳнома банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлаш ва кўшимча келишиб олишларсиз бошқа реквизи́тларга эга бўлиш учун асос ҳисобланади.

Давлат рўйхатига олинганлик гувоҳномаси уч нусхада расмийлаштирилади. Гувоҳноманинг бир нусхаси тадбиркорга берилади, иккинчи нусхаси ҳокимликда қолади, учинчи нусхаси бир ҳафта ичида тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига юборилади.

Юридик шахсни ташкил этмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар даромадларини ҳисобга олиш ва уларга солиқ солиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

*(VI бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарорига биноан киритилди).*

## **VII. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА БЕРИЛАДИГАН ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ**

37. Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларни олишда, бу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймай, тенг имкониятларни таъминлайди.

38. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

39. Давлат ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг хусусий тадбиркор ҳуқуқини бузувчи кўрсатмаларининг бажарилиши натижасида хусусий тадбиркорга етказилган зарар шу органлар томонидан, бунга бой берилган фойдани ҳам киритиб, қопланиши лозим. Зарарларни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал қилинади.

*(VI бўлимнинг 32-34-бандлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарорига кўра VII бўлимнинг 37-39-бандлари деб ҳисоблансин).*

**Ўзбекистон Республикасида  
хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги  
Низомга 1-илова**

(1-илова ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори таҳририда).

\_\_\_\_\_ тумани ҳокимига  
\_\_\_\_\_ манзилида яшайдиган  
\_\_\_\_\_ дан  
(Ф.И.О.)

**АРИЗА**

Хусусий корхона таъсис этилгани сабабли корхона ва унинг Уставини давлат рўйхатига олишингизни сўрайман.

Фаолиятнинг асосий турлари:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_

Юридик манзил: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

Зарур ҳужжатлар илова қилинган.

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_  
(аризачининг имзоси)

**Ўзбекистон Республикасида  
хусусий тadbиркорлик тўғрисидаги  
Низомга 2-илова**

(2-илова ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори таҳририда).

**КОРХОНА РЎЙХАТГА ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
ДАВЛАТ ОРДЕРИ**

199\_\_ “\_\_” \_\_\_\_\_  
Мазкур ордер \_\_\_\_\_ хоқимлигида рўйхатга  
(туман)  
олинган \_\_\_\_\_ га берилди.  
(корхона номи)

Рўйхатга олиш санаси

Реестр N \_\_\_\_\_

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикасида  
хусусий тadbиркорлик тўғрисидаги  
Низомга 3-илова**

(3-илова ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори таҳририда).

\_\_\_\_\_ хоқимлигига  
\_\_\_\_\_ дан  
(аризачи исм-шарифи)

**АРИЗА**

Мени юридик шахсни ташкил этмаган хусусий тadbиркор сифатида \_\_\_\_\_ ни  
(фаолиятнинг аниқ тури кўрсатилади)  
амалга ошириш учун 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ дан  
199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ гача муддатга рўйхатга олиш-ингизни сўрайман.

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ берилган: 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Ўй манзилим: \_\_\_\_\_

Телефоним: \_\_\_\_\_

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш фараз қилинаётган жой: \_\_\_\_\_

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

(ариза берилган сана) (аризачи имзоси)

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

(ариза қабул қилинган сана) (хокимлик масъул ходими имзоси)

**Ўзбекистон Республикасида  
хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги  
Низомга 4-илова**

*(4-илова ЎзР Вақирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 сентябрдаги 361-сон қарори таҳририда).*

**Юридик шахсни ташкил этмай туриб ўз фаолиятини  
юртдадиган тадбиркор сифатида жисмоний шахсни  
давлат рўйхатиغا олганлик тўғрисида  
ГУВОҲНОМА**

реестр N \_\_\_\_\_ N 00000000

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Фамилияси \_\_\_\_\_

Исми \_\_\_\_\_

Отасининг исми \_\_\_\_\_

Паспорт: серияси \_\_\_\_\_ N \_\_\_\_\_ берилган:

\_\_\_\_\_ 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Ўй манзили: \_\_\_\_\_

Амалга ошириладиган фаолият тури \_\_\_\_\_

фаолиятни амалга ошириш жойи \_\_\_\_\_

Гувоҳнома 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ гача ўтади.

Изоҳлар: \_\_\_\_\_

Фотосурат учун жой

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиби билан таништирилди \_\_\_\_\_

(тадбиркор имзоси)

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

## **“БИЗНЕС-ФОНД”НИНГ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**1996 йил 9 июль № 240**

“Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришни молиявий ва технологик қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Бизнес-фонд” ва “Раанани-Холдинг” компаниясининг маҳаллий хом ашёдан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхоналарга лизинг асосида замонавий хорижий технологик линиялар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш йўли билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 50 млн. АҚШ доллари суммасидаги қўшма дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифи мақуллансин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) томонларнинг амалга ошириладиган дастурдаги иштироки:

“Раанани-Холдинг”ники - 35 млн. АҚШ долларини;

“Бизнес-фонд”ники - 15 млн. АҚШ долларини ташкил этади;

б) қуйидагилар:

товарларни ўраш-жойлаш ва қадоқлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пухта қайта ишлаш;

бинокорлик материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш учун технологик линиялар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш юқорида кўрсатилган маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган фаолиятнинг устувор йўналишлари ҳисобланади;

в) лизинг шартларида хорижий асбоб-ускуналарни етказиб беришни ташкил этиш учун “Раанани-Холдинг” компанияси Ўзбекистон Республикасида 100 фоиз хорижий сармоя ишти-



рокидаги “Осиё-Европа траст компанияси” шуъба корхонасини ташкил этади.

Асбоб-ускуналар “Осиё-Европа траст компанияси” томонидан лизинг асосида етказиб берилади, бунда етказиб бериладиган асбоб-ускуналарнинг 30 фоизгачаси қарз олувчилар томонидан ўз маблағлари ёки “Бизнес-фонд”нинг кредитлари ҳисобига тўланади.

3. “Бизнес-фонд” ва “Осиё-Европа траст компанияси” томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва биргаликда маблағ билан таъминлаш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Лизинг контрактларини уларнинг устуворлиги, рақобатга бардошлилиги ва ўзини ўзи қоплаши жиҳатидан экспертиза қилишни таъминлаш учун “Бизнес-фонд” ҳузурида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида эксперт комиссияси ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Осиё-Европа траст компанияси” шуъба корхонаси орқали Канаданинг “Раанани-Холдинг” компаниясининг 35 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта-кредит ресурсларини жалб қилиш ҳамда улардан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ республика ҳудудида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун фойдаланиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Махфий.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Осиё-Европа траст компанияси” офисини жойлаштириш учун тегишли жой ажратиш масаласини икки ҳафта муддатда ҳал этсин.

8. “Осиё-Европа траст компанияси”га Ўзбекистонда ушбу дастур маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланадиган лойиҳалар бўйича ишлаш учун келган хорижий мутахассисларнинг меҳмонхоналарда яшаши учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун амалда бўлган нархномалар бўйича сўмларда ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги “Бизнес-фонд”нинг буюртмалари бўйича “Раанани-Холдинг” ва “Осиё-Европа траст компанияси”нинг республикага келаётган ходимларига кўп марталик визалар берсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Б.С.Ҳамидов ва В.А.Чжен зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
1996 йил 9 июлдаги 240-сон қарорига  
илова

**“Бизнес-фонд” ва “Осиё-Европа траст компанияси”  
томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш  
ва биргалиқда маблағ билан таъминлаш  
ТАРТИБИ**

**УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари тўғрисида” 1995 йил 26 июлдаги 291-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда “Бизнес-фонд” ва “Осиё-Европа траст компанияси” томонидан тадбиркорларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда биргалиқда маблағ билан таъминлаш тартибини белгилаб беради.

2. Фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари:  
маҳсулотни ўраш-жойлаш ва қадоқлаш;  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш;  
бинокорлик материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий хорижий технологик линиялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда лойиҳани амалга оширишни хоҳловчи хусусий (кичик) корхона (кейинги ўринларда-Қарз олувчи) “Бизнес-фонд”га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лойиҳанинг бизнес-режаси (дастлабки);  
корхона баланси нусхаси;  
таъсис ҳужжатлари нусхалари.

3. “Бизнес-фонд” “Осиё-Европа траст компанияси” билан биргалиқда лойиҳани амалга ошириш шароитлари мавжудлиги ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, талаб этиладиган технология ва асбоб-ускуналар хусусиятларини аниқлаш мумкинлиги жиҳатидан дастлабки экспертиза ўтказилади.

4. Экспертиза натижалари ижобий бўлган тақдирда “Бизнес-фонд” Қарз олувчи билан биргалиқда “Осиё-Европа траст компанияси”га асбоб-ускуналарга буюртма беради.

5. “Осиё-Европа траст компанияси” асбоб-ускуналарни танлайди ва уларни етказиб бериш қийматини аниқлайди, унга қуйидагиларнинг қиймати киради:

асбоб-ускуналар, транспортда ташиш ва суғурта қилиш;  
ўрнатиш, монтаж қилиш;  
технологияни бериш;  
ходимларни ўқитиш;

1 йилга эҳтиёт қисмлар тўплами ва сарфланадиган материаллар;

лойиҳани бошқариш;

тайёр маҳсулот чиқарилгунга қадар ишлаб чиқариш линия-сини ишга тушириш учун ишлаб чиқариш материаллари.

6. “Бизнес-фонд” Қарз олувчи билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди.

7. “Бизнес-фонд” “Осиё-Европа траст компанияси” билан биргаликда лойиҳанинг умумий қийматини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани амалга ошириш имкониятини ва унинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади.

8. Қарз олувчи “Бизнес-фонд”дан олинадиган кредитни суғурта қилиш масаласида “Мадад” суғурта агентлигига мурожаат қилади.

9. “Мадад” агентлигининг хулосаси ижобий бўлган тақдирда “Бизнес-фонд”, “Осиё-Европа траст компанияси” ва Қарз олувчи:

“Бизнес-фонд” билан Қарз олувчи ўртасидаги кредит шартномаси;

Қарз олувчи билан “Осиё-Европа траст компанияси” ўртасидаги лизинг шартларида асбоб-ускуналар етказиб бериш учун контракт лойиҳаларини тайёрлайди.

10. “Бизнес-фонд” ҳузуридаги эксперт комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирокида икки ҳафта муддатда лизинг контрактини унинг устуворлиги, рақобатга бардошлилиги ва ўзини ўзи қоплаши жиҳатидан экспертизадан ўтказади.

11. Эксперт комиссиясининг хулосаси ижобий бўлган тақдирда:

“Бизнес-фонд” билан Қарз олувчи ўртасидаги кредит шартномаси;

“Осиё-Европа траст компанияси” билан Қарз олувчи ўртасидаги лизинг бўйича асбоб-ускуналар етказиб беришга контракт расмийлаштирилади.

12. “Бизнес-фонд” Қарз олувчига кредит шартномасига мувофиқ кредит ажратади. Кредитнинг фоиз ставкаси ва муддати бизнес-режага мувофиқ белгиланади.

### **МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРТЛАРИ ВА ТЎЛОВЛАР ТАРТИБИ**

13. Қарз олувчи асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича тузилган контракт қийматининг 30 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан ёки “Бизнес-фонд”дан олинган кредит ҳисобидан сўмларда “Осиё-Европа траст компанияси”га аванс тариқасида тўлайди.

14. “Осиё-Европа траст компанияси” сўмларни белгиланган тартибда ЭАВга конвертация қилади ва танлов асосида чет элдан асбоб-ускуналар харид қилади.

15. “Осиё-Европа траст компанияси” контракт қийматининг қолган қисми (70%) ҳисобидан Қарз олувчига лизинг бўйича асбоб-ускуналар етказиб беради, уларни монтаж қилади ҳамда ишга туширади. Лизинг шартномаси шартлари “Бизнес-фонд”, “Осиё-Европа траст компанияси” ва Қарз олувчи ўртасидаги келишувга кўра ҳар бир лойиҳанинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ҳамда қуйидаги умумий принципларга асосланади:

лизинг муддати лойиҳанинг бизнес-режаси билан белгиланади (3 йилгача);

лизинг бўйича тўловлар асбоб-ускуналарни ўрнатиш тугаллангандан ва ишлаб чиқариш бошлангандан кейин 3 ой ўтгандан сўнг бошланади;

фоиз ставкаси худди шундай кредитлар ва инвестицияларни кредитлашнинг халқаро нормаларидан ошмайди (доллар ҳисобида 6-8 % йиллик фойда доирасида);

лизинг бўйича ойлик ёки чораклик ҳақ тўлаш муайян муддат учун асосий қарзни тўлашдан ва ҳақ тўлаш пайтида асосий қарзнинг тўланмаган қисми учун фоиз тўловларидан иборат бўлади;

Қарз олувчи лизинг бўйича “Осиё-Европа траст компанияси”га сўмларда ҳақ тўлайди.

16. Қарз олувчи лизинг бўйича “Осиё-Европа траст компанияси”га тўловларни ва “Бизнес-фонд” кредитини қайтаришни Қарз олувчи ва “Осиё-Европа траст компанияси” ўртасидаги лизинг контрактнинг ва “Бизнес-фонд” билан Қарз олувчи ўртасидаги кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисоб-

ланган жадвалларга мувофиқ амалга оширади. Бунда “Осиё-Европа траст компанияси” кредит таваккалчилиги “Бизнес-фонд”нинг таваккалчилигидан сезиларли даражада ортиқ бўлган тақдирда Қарз олувчи лизинг бўйича тўловларни “Бизнес-фонд” томонидан Қарз олувчига айланма маблағларни тўлдиришга берилган кредитни ҳисобга олган ҳолда “Бизнес-фонд” ва “Осиё-Европа траст компанияси” таваккалчиликлари балансига эришилгунга қадар фақат “Осиё-Европа траст компанияси”га тўлайди.

17. Қарз олувчи лизинг бўйича тўловларни “Осиё-Европа траст компанияси”га ва кредит бўйича “Бизнес-фонд”га ўз вақтида тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда “Осиё-Европа траст компанияси” “Бизнес-фонд” билан келишувга кўра лизингга берилган асбоб-ускуналарни сотиш чораларини кўради ҳамда сотишдан олинган маблағлардан Қарз олувчининг “Осиё-Европа траст компанияси”га ва “Бизнес-фонд”га қарзларини тўлаш учун Қарз олувчининг кредиторлардан ҳар бирига (“Бизнес-фондга” ва “Осиё-Европа траст компанияси”га) тўланмаган қарзларига мутаносиб равишда тўлаш учун фойдаланади.

## **КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАФБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
BAZIRLAR MAҲKAMACINING ҚАРОРИ**

1998 йил 27 май, № 232

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатларни чиқариш, Ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган кўшимча маълумотномалар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқлансин.

2. Давлат бошқаруви органлари, кредит-молия муассасалари, суғурта ташкилотларига ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши учун масъулият юкланиши белгилаб қўйилсин.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, шунингдек ило вада кўрсатилган вазирликлар, идоралар ва тузилмаларнинг раҳбарлари уларнинг фаолияти улар кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишига қанчалик самарали кўмаклашаётганликларига қараб баҳоланиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

3. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталари ҳузурида хўжалик ҳисобидаги Кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот-маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил қилиш тавсия этилсин, уларга куйидаги функциялар юклансин:

тадбиркорлик соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш-технология ва бошқа зарур ахборотлар билан таъминлаш;

таъсис ҳужжатларини, бизнес-режаларни, кредитлар олиш учун буюртманомаларни ишлаб чиқишда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишда, аудиторлик текширишларни ўтказишда, маслаҳат хизматларининг бошқа турларини кўрсатишда кичик ва ўрта бизнес субъектларига, хусусий тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш;

юридик хизматлар кўрсатиш, хусусий тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг солиқ, молия, банк, сугурта ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш;

инвестиция таклифларининг техник-иқтисодий асослашларини, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун инвестиция лойиҳаларини танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ҳамда уларни молиявий таъминлаш ҳисоб-китобларини тайёрлаш.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот-маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш ҳудудий марказларининг намунавий низомини, тузилмасини ва штат жадвалини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг республика кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари буюртмаларини шакллантириш ҳамда хорижий кредит линияларига танлов асосида киритиш учун республика минтақаларида чет эл кичик технологиялари ва ихчам асбоб-ускуналарининг, уларни етказиб берган ва намойиш этган ҳолда, кўргазма-тақдимотларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика минтақаларида 1998 йилнинг сентябри - 1999 йилнинг февралда кўргазма-тақдимотларни ўтказишнинг аниқ муддатларини икки ой муддатда белгиласин, кўргазмаларни ўтказишнинг ташкилий-техник шарт-шароитларини, уларда тадбиркорлик субъектларини қатнашишга кенг жалб этишни, оммавий ахборот воситаларида тегишли рекламалар берилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, кичик технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда хорижий кредит линиялари бўйича намунавий инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни хорижий кредит линияларининг ваколатли ижрочи банкларининг кредит бериш шартларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзинвестлойиҳа” компанияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда амалга оширади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асака” банки бир ой муддатда, бошқа тижорат банклари уларда хорижий кредит линиялари очилишига қараб кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ўртасида уларнинг намунавий лойиҳалар учун тегишли кредитлар олиши бўйича танловлар ўтказиш тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда уларни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларига етказсинлар.

6. Лойиҳаларни танлаб олиш ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар бериш тартиби тасдиқлансин.

Белгилансинки, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижий кредитлардан ўз вақтида ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тижорат банкларига юкланади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

хорижий кредитларни олиш шартларини бажариш учун зарур бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектидаги етишмаётган маблағларнинг бир қисми Бизнес-фонд томонидан унинг кичик ва ўрта корхоналарнинг устав жамғармаларида қатнашишлари йўли билан давлат мулкани хусусийлаштиришдан (улар ҳисобига илгари берилган кредитлар бўйича қайтариладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда) ҳосил бўладиган маблағлардан тўлдирилиши мумкин;

кичик ва ўрта бизнес субъекти томонидан хорижий кредит линияси бўйича гаровни суғурталаш юзасидан суғурта мукофотининг 50 фоизи суғурта компанияларига Бизнес-фонд, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тўланиши керак.

Бизнес-фонд ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хорижий кредит линиялари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.



8. Хорижий кредит линияларининг ваколатли ижрочи банкларига кичик ва ўрта бизнес субъектида гаров таъминоти етарли бўлмаган тақдирда:

келгуси ҳосил учун фьючерс контрактларини ёки кредит ҳисобига солиб олинган асбоб-ускуналар билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни;

кредит ҳисобига сотиб олинadиган, кейинчалик кимошди савдосида сотиладиган ёки ўзининг гаров эгаси ҳуқуқини сотиш чоғида лизингга бериладиган хорижий ихчам асбоб-ускуналарни гаров сифатида қабул қилиш тавсия этилсин.

9. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Ўзбекистон банклар уюшмасининг:

уларнинг “Мадад” сўғурта агентлигининг устав жамғармасига ҳар бири 25,0 миллион сўмдан ва “Бизнес-фонд” устав жамғармасига 75,0 миллион сўмдан улуш қўшишлари тўғрисидаги;

тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта корхоналарга хорижий кредит линияларига киритиш учун инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва танлаб олиш бўйича бепул хизматлар кўрсатилиши тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги 1998 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар чорақда кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва тугатишнинг аҳволини, шунингдек ҳудудлар ва тармоқлар бўйича улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини акс эттирувчи статистик ахборотни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1997 йил 7 февралдаги 67-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига  
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кичик ва ўрта бизнес  
субъектлари учун белгиланган кафолатлар ва имтиёзлар

1.	Кафолатлар ва имтиёзлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
	Кафолатлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	
1.	<p>Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратеди, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.</p> <p>Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлари тегишинча Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатиغا олинishi зарур, бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳужжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ўз ташаббуси билан қонун ҳужжатларига эид бўлмаган ҳар қандай қарор қабул қилишга ҳақлидир. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат еки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.</p>	<p>“Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (6-модда).</p>
2.	<p>Солиқ олишга доир қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгаришлар киритилган тақдирда, маазур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида улар давлат рўйхатидан ўтган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.</p>	<p>“Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (18-модда).</p>

	Кафолатлар ва имтиёзлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
3.	<p>Мулкчилик шаклларида катъи назар ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашшига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:</p> <p>- мулкчилик шаклларида катъи назар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилди. Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида" 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон Фармони (1,3-бандлар).</p>
4.	<p>Белгилансинки, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари булган кичик ва ўрта бизнес қорхоналарининг ишлаб чиқариш - ҳўжалик ва молиявий фаолиятини текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида" 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон Фармони талабларига мувофиқ Палата ва унинг ҳудудий тузилмалари юридик хизматлари албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида" 1998 йил 21 апрелдаги 166-сон қарори.</p>
5.	<p>Белгилаб қўйилсинки, асосан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари чуқур қайта ишланадиган мавжуд кичик ва ўрта қўшма қорхоналари янада ривожлантириш ҳамда шундай янги қорхоналарни барпо этиш, шунингдек энг аввало қишлоқ жойларда инфра-структурани ривожлантириш йўли билан рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни қўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари жалб этилаётган хорижий кредит маблағлари ҳисобига биринчи навбатда пул билан таъминланили.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармони (2-банд).</p>
6.	<p>Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес қорхоналари учун, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ҳам қўшган ҳолда, сармоя лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинмадиган йиллик фойданинг 0,15 фоиздан ошмаслиги лозим.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони (7-банд).</p>

<p>II. Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи имтиёзлар</p>	<p>Кичик ва хусусий тadbиркорликни рағбатлантириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (21-модда).</p>
<p>7. Энергия таъминоти манбаидан фойдаланишда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган имтиёзли тарифлар қишлоқдаги кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектларига ҳам тааллуқлидир.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик ва ўрта тadbиркорликни рағбатлантиришни рағбатлантиришга оид Қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида" 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармони (5-банд).</p>
<p>8. 1997 йилнинг 1 февралидан бошлаб кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган тех-нологик ускуналар учун импорт бож ҳақи туловларидан озод қилинсин.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришни янада рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида" 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони (3-банд).</p>
<p>9. Кўрсонлар, кишлоқ ва озулларда янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш-техника соҳасига мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, майший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 31-моддасининг 18-банди татбиқ этилсин. Белгиланган қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар фақат Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасига, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 22 апрелдаги 168-сон қарори (7-банд).</p>
<p>10. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларига мустақил равишда еки улар томонидан ташкил этиладиган тайёрлов кооперативлари орқали мева-сабзавот маҳсулотларини ҳамда уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни, валюта тушумининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотмасдан, бартер асосида экспорт қилишга руҳсат берилсин.</p>	

11.	<p>Кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектлари давлат статистика ва муҳосиба ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган, ҳисобдорликнинг соддалаштирилган таомили ҳамда шаклларини назарда туладиган тартибда тақдим этадилар.</p>	<p>* Кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (5-модда, 1-қисм).</p>
12.	<p>Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи соддалаштирилган солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Ақциз тўланадиган маҳсулот чиқараётган корхоналарга соддалаштирилган солиқ солиш тизими татбиқ этилмайди. Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи кичик корхоналарга берилмади. Ягона солиқ тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p>	<p>Солиқ кодекси (8-модда, 1-3- хат бошилар).</p>
13.*	<p>Қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан озод қилинади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) ходимлари умумий сонининг камида етмиш беш фоизини урта мактаблар ва хунар-техника билим юртлари ўқувчилари ташкил этадиган юридик шахслар;</li> <li>2) протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат курсатишга ихтисослашган юридик шахслар - асосий фаолият тури бўйича;</li> <li>3) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари;</li> <li>8) юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;</li> <li>12) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайтдан бошлаб биринчи даромад орттиргунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан уч йилгача. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар фойда олган биринчи йили эллик фоиз, иккинчи йили етмиш беш фоиз, учинчи йилдан бошлаб юз фоиз миқдорда солиқ тўлайди;</li> </ol>	<p>Солиқ кодекси (31-модда).</p>

- 14) чет эл инвестициялари иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йуналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналар;
- агар ишлаб чиқариш хажмининг йигирма беш фоиздан ортиги болалар бош маҳсулотлардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайдан эътиборан беш йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;
- агар чет эл сармоясининг улуши корхона устас фонднинг эллик фоизи ва ундан кўпни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайдан эътиборан икки йил муддатга;
- 15) устас фондида чет эл сармоясининг улуши эллик фоиз ва ундан кўпни ташкил этадиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йуналтирилаётган даромади (фойдаси) бўйича;
- 16) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;
- 17) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари егиштириш ва уларни қайта ишлашга (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари), халқ истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом ашё ва машинларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устас фондидеги чет эл капитали ўттиз фоиздан ортқ бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар - рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил давомида;
- 18) посёлкалар, қишлоқлар ва овуллар худудларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган пайдан эътиборан уч йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади.

19) янги ташкил этилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчилардан ташқари) ташкил этилган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорига ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорига солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Ушбу моддада янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизига тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар хузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхонадан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланмайди. Ушбу модданинг 11, 12, 14, 17, 18 ва 19-бандларида назарда тутилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади. Корхоналар ҳисобот йилининг якунлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмичи оширишдан олган эркин алмаштириладиган валютага тенг тушумларининг суммаси даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади. Ушбу имтиёз воситачилик ташкилотларига нисбатан, шунингдек экспорт қилинадиган хом ашё товарлари; пахта толаси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, ип газлама ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан тўтбик этилмайди.

Солиқ кодекси  
(32-модда).

14. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) қуйидаги суммага камайтирилади:

экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда; инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шarti билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда; табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини ўтказишга кетган харажатларнинг ўттиз фоизи суммасига; футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мақтабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) беш фоизигача миқдорда.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг даромадлари бўйича солиқ солинадиган база заҳира фонди устав фонднинг йигирма беш фоизига етгунига қадар даромаднинг. (фойданинг) йигирма фоизигача миқдорда заҳира фондига ўтказиладиган ажратмалар суммасига камайтирилади.

Ишловчилари умумий сонининг уч фоизидан кўпрогини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган нормадан ортқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади.



15.  
\*\*\*\*\*

Қўшилган қўйимат солиғидан қўйидагилар озод қилинади:

- 1) суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;
- 3) пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар;
- 17) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жойдан фойдаланиш хизматлари;
- 21) тиббий санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари;
- 29) архив ҳужжатларини илмий-техникавий жиҳатдан қайта ишлаш, таъмирлаш, муқовалаш ва улардан фойдаланишга, иш юритишни такомиллаштиришга доир хизматлар;
- 30) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;
- 31) республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда яққа тартибда иморат қурувчиларга сотиладиган бинэкорлик материаллари;
- 32) қурилиш ва маҳсус монтаж ишларини амалга оширувчи пудрат, таъмирлаш-қурилиш, маҳсус монтаж ташкилотлари хусусий уй-жой қурилишида бажарган иш ҳажмлари;
- 33) жисмоний ва юридик шахслар учун уй-жой қуриш бўйича "Узўйжойжамғармабанк" билан тузилган шартномаларга кўра уй-жой қурилишида бажарилган ишлар ҳажми;
- 34) экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси Худуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар;
- 35) ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Солиқ кодекси  
(71-модда).

<p>16. Қуйдагиларга ноль даражали ставка бўйича солиқ солинади: - товарлар (ишлар, хизматлар) экспортга, Ўзбекистон Республикасига товарлар (ишлар, хизматлар) экспортга нисбатан солиқ солиш режими ни қўлайдиган давлатларга товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилдиш ҳоллари бундан мустасно;</p>	<p>Солиқ кодексини (72-модда).</p>
